

Ашуралы Жұраев

Юрак бүронлари

Хұжжатли қисса

Хикоялар


Тошкент

Ғафур Гулом номидаги Адабиет ва санъат нашриети

1989

Ушбу китобимни менга имон, өзтиқод ва ҳақиқат дарвозаларини очган бобожоним Жўра Очилов ва бибижоним Турдигул Очиловаларниң порлоқ хотираларига бағишлайман.

Муаллиф



10

85.364.1
Ж 96

19659
10 29

Жўраев, Ашуралি.

Юрак бўронлари: Ҳужжатли қисса; Ҳикоялар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.—176 б.

Қўшиқининг умри... Чин қўшиқининг умри боқийдир. Ашурали Жўраевнинг «Юрак бўронлари» номли қиссасини ўқир экансиз, ўзингиз бунга амин бўласиз. Қисса ажойиб хонандамиз Ботир Зоқиров ҳақида.

Китобдан, шунингдек, адабининг бир қатор ҳикоялари ҳам жой олган.

Джураев А. Бури сердца: Документальная повесть;
Рассказы.

85.364.1

Д 4702620201—82 © Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва
М 352(04)—89 7—89 санъат нашриёти, 1989 й.

I SBN5—636—00229—4

ЮРАҚ БҮРОНЛАРИ

Хүмекатли қисса

Ботир Зокиров нафақат ўзбек эстрадаси, балки совет эстрада санъатининг асосчиларидан ва улкан намояндаларидан биридир. У киши санъатининг қатор жанрларида баракали ижод билан шуғулланди, бетокор суратлар чизди, прозада илҳом билан қалам төбратди, ажойиб либретто ёзи, ўзига хос таржималар қилди, кипода томошабин қалбидаги қоладиган ёрқин образлар яратди.

Ўабек ҳалқи номини дунёга танитганлардан бири ҳам Ботир Зокиров. Шу боис хорижий элларда ҳазрати Алишер Навоий билан машҳур хонанда Ботир Зокировни кўпроқ билиншади, севишида...

Ботир Зокиров катта талант соҳиби, юксак эҳтирос фарзанди, XX ясрининг ўта маданиятли ва зиёли кишиси эди. Бу улуғ санъаткор ҳамнша ҳалол, имонли, ҳақиқатгўй бўлган, ҳар қандай шароит ва вазиятда ўз эътиқодига, ўз санъатига содиқ қолган. Шундай экан, унинг ҳаёт ва ижод йўли ибратли, санъат умри боқийдир.

АБДУЛЛА ОРИПОВ

МАЖНУН СУРАТИ

Ота-бала сертупроқ йўлдан илдам юриб боришарди. Йўлга тўкилган шағал тупроққа қоришиб кетганлиги сабаб, баъзан тупроқ фараз қилиб ташланган қадам остидан тош чиқиб қолиб, товонни зэйб юборади. Отаси бундай чанг-тўзонли йўллардан юравериб кўнишиб кетганлиги учун ҳам бепарво. Болага эса қийин. Бунинг ус-

тига янги туфлиси чап оёғини қаттиқ сиқади. У бот-бот оқсаса-да, лекин буни отасига сездирмасликка тиришади. Аксинча илдам қадам ташлаётган отасига етиб юришга шошилади. Отаси унинг озғин қўлларидан маҳкам ушлаб:

— Тезроқ юр, ўғлим. Тағин репетицияга кеч қолмай,— дейди қадамларини тезлаштириб.

«Репетиция» сўзини эшитиши билан боланинг кўз олдига театр келади. Беихтиёр отасининг саҳнада ижро этган ролларини эслай бошлайди.

— Бугун яна Мажнунни ўйнайсизми, ада?— деб сўрайди у.

— Йўқ! Ҳозир янги операни машқ қиляпмиз. Премьерага албатта сени олиб бораман.

У «премьера» сўзининг маъносига тўлиқ тушумаса ҳам отасининг ваъдасини эштиб хурсанд бўлди. Хурсанд бўлиб отасига яна савол бермоқчи эди, товони тошга тегиб, беихтиёр кўзларидан ёш чиқиб кетди. Лаънати тош!. Тўғриси, отаси унга янги туфли олиб келганида роса қувонган эди. Фақат қувонмади, ҳатто янги туфлисини тушида ҳам кўрди. Тушида уни кўчага кийиб чиқиб, дўйстларига мақтанганимиш. Сўнг кўча этагидаги чимзорда қўшни маҳалланинг болалари билан футбол ўйнаган эмиш. Роса тўп тепиб, рақиблар дарвозасини бир неча марта нишонга олибди-ю, лекин туфлиси оёғини сиқаётганини мутлақо сезмабди. «Туфлинг сеҳрли бўлса керак», дермиш болалар чапак чалишиб. Энг муҳими, уларнинг командаси ғолиб чиқибди. Болалар нуқул унинг атрофидан айланиб, туфлисига қарашармиш. Ё тушида ҳақиқатан туфлиси оёғини сиқмадимикин?..

У гоҳ туш тафсилотлари, гоҳ оғриқ азоби билан бўлиб, ҳашаматли дарвоза қаршисига келиб қолишганини пайқамади.

— Йигитча, болалар санаторийси шуми?— деб сўради отаси бир тавақаси қия очиқ дарвоза ёнида турган новча боладан.

— Шу, — деди бола хаста овозда.

— Қабулхонаси қаерда?

Бола саволни эшитиш билан дарвоза тавақасини очиб, уларни ичкарига — қалин дараҳтлар билан ўралган баланд иморат томони бошлади. Ота-бала кичик асфальт йўлакдан, у билан ёнма-ён юришди.

Ботир дараҳтлар остида ўйнаб юрган болаларни кўриб, енгил тортиб, оғриқни бир оз унуди. Новча бола уларни бинонинг биринчи қаватига олиб кириб, ўнг қўл томондаги иккинчи эшик ёнида тўхтади.

— Директорнинг хонаси шу, кираверинглар,— деди ўша хаста овозда.

Отаси оқиш рангли эшикни бир-икки қаттиқ чертиб, кейин секин очиб сўради:

— Мумкинми?

— Марҳамат,— ичкаридан аёл кишининг мулойим товуши эшитилди.

Отаси уни стаклаб ичкари кирди ва хона тўрида ўтирган ўрта ёшлардаги аёл билан қўл бериб кўришди.

— Клавдия Дмитриевна!— деб ўзини таништириди аёл ўрнидан туриб.

— Ботир Зокиров!— деди отаси ўзини эмас, болани таништириб.

— Жуда яхши. Қани, марҳамат қилиб ўтиринглар,— деди аёл уларга бўш курсиларни кўрсатиб.

Отаси ўтирмасдан чўнтагидан аллақандай қоғозларни олиб аёлга узатди. Клавдия Дмитриевна қоғозларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди.

— Ҳаммаси жойида,— деди у.

— Унда мен борай, ўғлим. Сен яхшилаб, ўйнаб-кулиб дам олгин. Зерикмагин. Жуда зериксанг уйимиз бу ерга яқин. Болалар билан уришмагин,— деди отаси унинг елкасига қоқиб хайрлашаркан.

Отаси йўлакка чиқиши билан бир гурӯҳ тарбиячилар, ўқитувчилар уни ўраб олишди.

— Ассалому алайкум, Карим ака!

- Хуш келибсиз, Карим ақа!
- Бир лиёла чойимиз бор, меҳмон бўлинг.
- Үғлиңгизни олиб келдингизми?.. Яхши-яхши.
- Узимиз кўэ-қулоқ бўламиз...
- Қачон вақтингиз бўлса бир санаторийда учрашув қилсан.
- Раҳмат, раҳмат... Насиб қилса... — Отаси қўлини кўксига қўйиб, атрофдагилар билан тезгина хайрлашиб йўлга тушди...

* * *

Ҳаворанг майка кийган, баданлари, юзлари офтобда анча қорайган, сочи устарада топ-тоза қилиб олингани, қора кўзлари катта-катта «янги бола» — Ботир бир ҳафтада санаторийдагиларга қўшилиб кетди. Каттаю кичик уни бирдай яхши кўриб қолди. Айниқса унга пионервожатий — Юрий билан отряд бошлиғи Айвар жуда маъқул бўлди. Унинг дастлабки кунларда ўзича уялиб, болалардан тортиниб юрганини кўрган Юрий аста ёнига чақириб, санаторийнинг яшил ҳовлисида сайр қилиб, унга тарих ҳақида ўз билганича қизиқ ҳангомалар айтаб берга бошлади.

— Биласанми, Ботир, дунёда энг зўр фан — тарих. Инсоният пайдо бўлибдики, тарих билан қизиқади, тарих билан нафас олади. Барча миллат ўз тарихини ўрганиш, бойитиш, юксакларга олиб чиқиш учун интилади. Бирор қуради, обод қилади. Бирор бузади, вайрон қилади. Тарих ғилдираги эса на ҳукмдорларга, на авомга бўйсунмай айланаверади. Эҳ-ҳе, тарихда қанчадан-қанча ажойиб мўъжизалар рўй берган, қанчадан-қанча маълуму машҳур жаҳонгирлар ўтган. Менга кўпроқ Шарқ, Ўрта Осиё тарихи ёқади. Жуда қизиқарлида! Хуллас, тарихнинг ўз қонун-қоидаси бор... Мана, масалан, сен Эски шаҳардаги Кўкалдош мадрасасининг

қайси асрда, қачон қурилганини биласанми?— деб сұраб қолди дабдурустдан Юрий.

Ботир шима деб жавоб берпшини билмай довдиради. Үзиниң үнглаб олиб:

— Жуда чиройли, — деди. Лекин у «мадраса», «аср» деган сұзларнинг маъносига тушунмади. У тарих деганда Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарларини тушунарди. Чунки отаси бу машхур достонларни қайта-қайта ўқиб берар, бу асарлар адабий тарихимизнинг ўлмас намуналари деб таърифларди. У күпроқ Мажнун қисматига ачипар, хаёлаш упинг сиймосини кўз олдига келтиришга уринарди. Ҳатто отасидан эшиктган қўйндаги икки мисрани ёд билади:

Лайли, Лайли дебон чекиб ун,
Эл дер: Мажнундур, ушбу Мажнун...

Ботирнинг жим бўлиб қолганини сезган Юрий саволига ўзи жавоб қайтарди:

— XVI асрда қурилган. Мен ҳар гал Эскижўва бозорига тушсам Кўкалдошни мириқиб томоша қиламан. Мўъжиза!..

Бир куни Юрий болаларни санаторийдан унча узоқ бўлмаган жарлик бўйига саёҳатга олиб борди. Бу ерларда турфа жаҳонгир ва босқинчиларнинг қўшинлари билан бўлган қирғинбарот жангу жадаллар ҳақида билганича гапириб берди. Болалар тубсиз жар ёқасида туриб, баҳайбат чуқурликларга қараб қўрқиб кетдилар.

— Худди эртаклардагидек қўрқинчли,— деди бирор.

— Девларнинг маконига ўхшайди,— деди бошқаси.

Болалар қанчалик қўрқмасин, баҳслашмасин, саёҳатда кўрганлари улар қалбида тарихининг бир бўлаги сифатида муҳрланиб қолди.

Тарих шайдоси Юрий яна уларга Самарқанд, Бухоро, Хева сингари қадимий шаҳарлар тўғрисида ҳам ҳаяжонланиб гапириб берарди...

* * *

Пешин маҳали. Ҳаво иссиқ. Кўча дим... Дарвозани секин очиб ичкари киришди. Отаси одатдагидай пешонасига рўмол танғиб, қўлида кетмон — боғда юмуш билан банд эди. Салом-аликдан сўнг Ботир дарҳол дўстини отасига танишитирди:

— Отрядимиз бошлиғи Анвар, отаси дўхтири.

— Қайси дўхтири? Кимнинг ўғлисан?

— Мақсадовни! — деди Анвар.

— Э, Азим аканинг ўғлимисан? Жуда яхши.— Сўнг отаси Ботирга юзланди.— Ҳўш, бирор нарса керак бўлиб қолдими, ўғлим?

— Альбом билан рангли қalamга келувдик,— деди Ботир. Сўнг уйга кириб айтган нарсаларини олиб чиқди. Онаси Шоҳиста опашинг: «Чой ичиб кетинглар», деганига ҳам қарамасдан яна санаторийга қайтишиди.

Шу-шу, Анвар Ботирнинг бир умрлик жонажон дўстига, Зокировлар хонадонининг қадрдонига айланди. Санаторий улар тақдирини умрбод бир-бирига боғлади. Улар кейинги, яъни 1948 йилда ҳам Ботир билан санаторийга дам олгани бирга боришли. Ботирнинг бугал санаторийга келиши кутнілмаган байрамга айланди. Унинг ўтган йилги тортичоқлиги йўқолиб, бир оз фаоллашган эди. Чунки Ботирнинг ҳаётida қатор ўзгаришлар рўй берганди. У республика пионерлар уйи қошида очилган «Изостудия»га қатиай бошлади. Санаторийга ҳам альбом ва ҳар хил бўёқлар олиб келиб, бўш қолди дегунча расм чизарди. Ҳамма унинг атрофини ўраб олиб чизаётган манзараларини томоша қиласарди.

Ботир расм чизишдан кўра кўпроқ музикага, қўшиқ айтишга қизиқарди. Озарбайжонлик машҳур хонанда Булбул Мамедовнинг «Кўчаларга сув сепмишам...» қўшигини хиргойи қилиб юрарди. Болаларнинг «Ким бўлмоқчисан, Ботир?» деган саволига «Кўшиқчи бўламан», деб жавоб берарди. У ўша даврларда жаҳонга

танилган Италия «Ла Скала» театрининг машхур хонаңдалари Энрико Карузо, Жилли, Тето Руффо ижоди билан қизиқар, улар ҳаётидан эшитган ё ўқиган айрим воқеаларни ҳикоя қилас, уларнинг қўшиқлари-дан айтиб берарди. Айтгандаям итальянларга ўхшатиб айтарди. Ботирнинг эшитиш қобилияти, хотираси ниҳоятда кучли эди. Бир-икки бор эшитган қўшиғини ёдлаб. оқангларини эслаб қолиб, музикасини оғзида «чалиб» куйлаб юрарди.

У биринчи қўшиғини санаторийда куйлади. Бу — ўша даврларда мамлакатимизга машхур бўлган «Аршин мол-олон» кинокомедиясида Рашид Беҳбудов ижро этган «Қайдасан, қайдасан, сени кутаман» қўшиғи эди. Қўшиқини санаторийдагилар тинглаб, қизғин қабул қилди. Директор қўшиқни яхши куйлагани учун Ботирга китоб тақдим этди. Кейин болалар орасида Ботирнинг тақлидчилари пайдо бўлди. Баъзилар ўзича минғирлаб, хиргойи қилиб, унинг овозига тақлидан «қўшиқ» айтарди. Ботир бу ҳолни кўриб худди катта санъаткорлардай кулиб қўярди.

Ботирнинг болалиги қайсиdir жиҳатлари билан баъзи улуғ санъаткорларининг болалигига ўхшаб кетади. Унинг «таржиман ҳоли»га болалик даврини шунчаки қайд этиб бўлмайди. У қизиқувчан, тиришқоқ, қаноатли, билимдон эди. Ақли етмаган нарсага аралашмасди. Билмаган нарсасини сўраб-суриштириб, ўқиб ўрганиб оларди. Доим нима биландир банд бўларди, ё расм чизар, ё қўшиқ ўрганар, ё шеър ёдларди. Қўлига янги китоб тушиб қолса, ўқиб тугатмагунча қўймасди. Кечалари ухламай китоб ўқигани учун кўзлари қизарив юрарди. Унга нафақат болалар, балки катталар ҳам ҳавас қилишарди.

Ботирнинг болалигига ўзига хос донолик бор эди.

Ҳа, у тиниб-тинчимас, тиришқоқ, ҳар бир нарсага ўта қизиқувчан эди. Ҳатто пластилиндан турли ҳайвонлар, буюмлар ясарди. Унинг пластилиндан тайёрлаган

дастлабки «асарлари» ҳам санаторийда ташкил этилган күргазмада намойиш этилиб, мукофотга сазовор бўлди. У ёшлигидан мукофотга қизиқмасди. Мукофотга олган нарсаларни болаларга улашарди...

* * *

АНВАР МАҚСУДОВ ҳикояси: Санаторийдан сўнг ҳам Ботир билан тез-тез кўришиб турадик, бир-бири мизникига бориб ётиб қолардик. У Үрдадаги 21-мактабда, мен Озод кўчасидаги 46-мактабда ўқирдик. Адабиёт ўқитувчимиз Афанасий Феоктистович Крапченко иккала мактабда ҳам дарс берарди. Баъзан ё мен, ё Ботир дарслардан қийналиб қолсак, ўқитувчимиз бир-бири мизга ёрдамлашишини штимос қиларди. Бу ажойиб ўқитувчи рус адабиёти билан бирга, Шарқ, ўзбек адабиётларини ҳам яхши биларди. Бу адабиётларнинг намояндлари ижодига катта ҳурмат билан қаарди.

Ботир ҳазрати Алишер Навонӣ ва унинг асарлари ҳақида билганларини, отасидан эшитғанларини кўп гапирав, доим қўлида буюк шонринг бирор асари бўларди. Болалар унга «Алишер», деб исм ҳам қўйишганди. У бу ном билан фахрланарди. Ҳатто бир неча йил мактаб ҳужжатларида Алишер Зокиров деб ёзилган. У «Лайли ва Мажнун» достонидан айрим бобларини ёд ўқирди. Мажнун образига ёшлигидан чексиз муҳаббат қўйган эди. Ўн тўрт ёшида «Мажнун» деб аталган ажойиб картина чизди. Хабарим бор, картинани узоқ вақт жуда қийналиб яратди. Лекин картина устида ишлаётган кунлари роса қувониб, ҳаяжонланиб юрди.

Картинада тасвирланган маизара шундай, зилол сувли ҳовузча, унга кўм-кўк булоқ оқиб келяпти. Ҳовузча бўйида ғамғини хаёлларга чўмган, соchlари тўзғиган, кийим-бошни увала Мажнун ўтирибди. Ёнида

күвлари жавдираб жайрон ётибди. Ўнг қўли билан жайроннинг бошини силаяпти. Чап қўли иягида. Тиззалири остида пайлари таранг тортилган камон. Мажнуннинг қаршиисида эса бошини оёклари устига қўйганича узала тушган шер ётибди. У ҳам гўё Мажнуннинг аҳволини кўриб ғам-ғуссага ботгандай. Картинанинг орқа планига сариқ раңг берилган. Мажнуннинг синиқ чеҳраси, ҳасратли кўзлари киши юрагини эзиб юборади... Бу картинани Ботирнинг дастлабки «Автопортрет»и дейиш мумкин. Гарчи унинг бу картинаси бирор-бир кўргазмада шамойиш этилмаган бўлсада, ҳар қандай истеъоддли рассомининг асаридан асло қолишимасди.

Ботирнинг яна бир катта орзуси кинода Мажнун образини яратиш эди. Уни бир сафар «Озарбайжон-фильм» киностудиясида суратга олинган «Лайли ва Мажнун» бадиий фильмни учун Мажнун ролидা синаб кўришга таклиф қилишибди. У синовдан муваффақиятли ўтиб, жуда хурсанд бўлиб қайтди.

— Айвар, тез етиб кел, зўр янгилик бор,— деди Бокудан келиши билан менга телефон қилиб.

Уша оқшом у билан узоқ гаплашдик. Чунки у бахтиёр эди. Бундай қувониб, дилдан яйраган ҳолатлар унинг ҳаётида жуда кам бўлган.

— Биласанми, Айвар, худо хоҳласа, Мажнунни Навоий бобомиз қандоқ ёзган бўлсалар шундай ўйнайман. Озарбайжонлик киночилар фильмни Низомийнинг «Лайли ва Мажнун»и асосида ишлашмоқчи. Лекин мен Навоий яратган Мажнунни севаман. Шу боис бирор сўз ё ҳаракатда сохталик бўлмаслиги керак. Мажнуннинг ўлмас муҳаббатипи, чексиз дард-ҳасратларини, букилмас иродасини бўяб-бежамасдан талқин қилмоқчиман. Фақат мени режиссёр тушунса бўлгани:

Эй ишқ ўтида ҳасим нечуксен,

Эй бедилу бекасим нечуксен!

Ким Лайли ишқида нотавонсеп,
Ишқида жаҳонға достон сен...

Ҳамма гап ана шу ишқ достонини кўрсатишда, фильмларда ишқпарат Мажнун бўлиб «яшашда».— У ҳаяжонланиб дам бўлажак картина ҳақида гапирди, дам ёниб достондан ёд олган парчаларини ўқиди. Сўнг чуқур хўрсииди:— Эплай олармикинман?

— Эплайсан. Ҳаммаси зўр бўлади, Ботир!— деб унга далда бердим...

Афсуски, Ботирнинг чексиз қувончлари, образ устидаги ўйлари, узоқ тайёргарликлари бефойда кетди. Нима сабабдандир уни фильм суратга олинаётганди таклиф қилишмади. Бу Ботирга ҳар жиҳатдан жуда ёмон таъсир қилди... У мазкур достонни кино қилиш ҳақида ўзбек кинорежиссёrlарига кўп марта куюниб гапирди. Лекин улар турли баҳоналарни рўкач қилиб, унинг таклифини инобатга олмадилар...

Ботирларнинг Ўрдадаги «Мутахассислар уйи»да ҳам квартираси бор эди. Бу тарихий уй асосан таниқли санъаткорларга берилган бўлиб, унда Мукаррама Турғунбоева, Ҳалима Носирова, Назира Аҳмедова каби республиканинг машҳур санъаткорлари яшардилар. Санъаткорлар хонадонларда тез-тез йиғилиб, қўшиқ айтиб, ўйин-кулги қилишарди. Гоҳ Ҳалима опа, гоҳ Карим ака қўшиқ боиласа, Мукаррама опа ўйинга тушиб кетарди. Ӯша даврларда санъаткорларнинг бир-бирига ҳурмати, ўзаро муносабати, андишаси бўлакча эди менимча. Бу ҳақиқий санъат мұхити Ботирга ижобий таъсир кўрсатди. Шундай бўлса-да, Ботирга кўпроқ ҳовли ёқарди. Карим ака ҳам бўш қолди дегунча ҳовлига шошар, қўлига кетмоши олиб томорқага уннарди. Ҳовлида мевали дарахтларнинг тури турли-туман, айниқса узум кўп эди, ҳовли этагидаги ҳовуз бўйида уч-тўрт туп нок дарахти бўлиб, уларни кади пок

дейншарди. Ҳосили салкам кадидек бўларди. Ҳовузга ёзда доим қовун-тарвуз ташлаб қўйиларди. Сула билан ҳовли ўртасида қўйилган чорпояда Ботир билан ёз кечаларида ухлаганимиз. Тунда кўрпамиз устига тўп-тўп этиб нок тушарди. Ойдин кечаларда узоқ вақт сирлашиб, суҳбатлашиб ётардик. Баъзан эртак айтардик, баъзан у шивирлаб шеър ўқирди. Музика, қўшиқ, рафсомлик, спорт ҳақида ўз билганимизча гурунглашардик. Кўпроқ у сўзларди. У ҳар бир маёсалага жиддий қарап, бирор-бир нарса ҳақида катталардай жиддий мулоҳаза юритарди.

1952 йили СССР ҳалқ артисти Булбул Мамедов Тошкентга гастролга келди. Алишер Навоий номидаги Узбек Давлат Катта академик театрида унинг ижросида Узайр Ҳожибековнинг «Гўрӯғли» операсидан парчалар намойиш этилди. Операни залнинг биринчи қаторида ўтириб томоша қилдик.

—Кўрдингми, Булбул Мамедов саҳнага чиқса, гўё саҳна ёниб кетаётганга ўхшайди,— деганди ўшанда ҳаяжонлапиб Ботир.

Кейин у узоқ вақт операдан эсида қолган арияларни такрорлаб юрди... Ботирнинг ёнида доим ҳам дафтари, ҳам альбоми бўларди. Дафтарга яхши кўрган сўзларини, шеърларини, эшиктган ҳикматли ибораларни ёзиб қўярди. Бирор гўзал манзарага дуч келса шартта альбомга чизиб оларди. Шунингдек, у пластинкалар ҳам йиғарди. Уйимизда бир вақтлар Петербургда чиққан Тўйчи ҳофизнинг иккита пластинкаси сақланарди. Уларни ҳам Ботирга совға қилдим.

Ботир ёшлигидан ўзига қарамас, ўзини ҳеч аямасди. У кўпинча бир стакан чойга ё қайноқ сувга бир қошиқ шакар солиб, нон билан ичиб кетаверарди. Шу унинг ҳам эрталабки ионуштаси, ҳам тушлиги эди. Отонаси берган пулларни тежаб китоб, қалам, қофоз ва ҳар хил бўёқлар оларди. Дарсларни яхши ўзлаштирамайдиган, китоб ўқимайдиган болаларни жуда ёмон

кўарди. Иложи бўлса саводсия, такасалтанг болалар билан гаплашмас, ошхўрликларга бормасди. «Буларнинг ошқозони бошида»,— дерди у ачиниб. Болалар орасида Ботирни тушуммаганлари ҳам бор эди. Лекин уларнинг камситишларига, беписанд кулгиларига у парво ҳам қилмасди.

Ботирнинг юрагига ишқ ошино бўлди. У тўққизинчи синфни битириш арафасида Фарангис исмли бир қизни яхши кўриб қолди. Қиз ҳам уни ниҳоятда яхши кўрарди. Улар бир-бирларига хат ёзиб туришарди. Баъзан Фарангисдан келган ё ўзи ёзган хатларни Ботир менга кўрсатарди. Бу мактубларда улар фақат муҳаббат мавзуи билан чекланмасдан балки ҳаёт, жамият ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини, дунёқараашларини баён этишарди. Ботирнинг хатлари кичик лирик ҳикояларга ўхшарди. Уларнинг муҳаббати булоқ сувидек тиниқ, осмон каби мусаффо ёди. Лекин Фарангиснинг отонаси, акалари бундан хабар топиб, уни анча койишди. Уларнинг онласи бадавлат, довруги өлга кетган эди...

1951 йили мен мактабни тугатиб, Тошкент Давлат Медицина институтининг даволаш факультетига ўқишига кирдим. Ботир 1952 йили Тошкент Давлат консерваториясининг вокал факультетига имтиҳон топшириб, муваффақиятли ўтди. Фарангис Москва Давлат университетининг филология факультетида ўқий бошлади. Уларнинг орасидаги влчи — хат бўлди. Фақат таътил пайтларидагина висол насиб этди.

Кутилмаганда Ботирнинг ҳаётида оғир кунлар бошланди. 1955 йилда қаттиқ бетоб бўлиб, ТошМИнинг юқумли касалликлар клиникасида ётди. Аҳволи оғир, ранги заъфарон, чўпдай озиб кетганди. Уни врач Вали Мажидов узоқ даволади. Даволаш жараёни узоқ ва оғир кечди. Лекин Ботир руҳий тушкунликка тушмади. Унинг ҳаётга муҳаббати, иродаси кучли эди. Клиника Салор ариғи бўйида жойлашган, Ботир ётган палата ойнаси Салорга

қараган эди. Мен дарсдан чиқиб албатта уни күргани борардим. Қачон борсам шовиллаб оқаётгани зилол сувга термилиб, хаёл сургани сурган эди. Табиатан хаёлпараст эди.

— Нималарни ўйлайсан, Ботир? — деб сўрадим бир куни.

— Қўшиқ айтишини. Айтганда ҳам яхши, ҳам ҳеч кимга ўхшамай, фақат юракдан куйлашни,— деди кўзлари ёниб...

Ботир адабиётни севар, кўп ўқир, ёзувчилар, шоирлар билан тез-тез мулокотда бўлиб турарди. Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров, Ўлмас Умарбеков унинг яқин дўстлари эди. Улар ўша даврларда бир-бирларига янги асарларини ўқиб бериб, баҳс-мунозаралар қилишарди.

Бир куни Шукур Холмирзаевнинг уйида йифилдик. У тугилган юрти Бойсундан гўшт олиб келган экан. Қозонкабоб қилиш учун гўштни тўғраб, қозонга босиб, газни ёқиб қўйдик. Шукур янги ёзган хикоясини ўқиб берди. Сўнг узоқ баҳс-мунозара бўлди. Кабоб бутунлай эсимиздан чиқиб кетибди. Бир маҳал қозонни очсак гўшт кувиб анча қорайиб қолибди. «Бойсунча кабоб», деди Ботир ҳазиллашиб. Бундай қизиқ ҳангомалар кўп бўлган.

Ботир Чингиз Айтматовнинг муҳлиси эди. Унинг ҳар бир янги асарини эълон қилиниши биланоқ ўқиб чиқарва бу мутолаа Ботир учун байрамга айланарди. У 1978 йили Фрунзега «Ялла» ансамбли билан гастролга борганида Чингиз Айтматов билан учрашганини ҳаяжонлапиб гапириб берган эди. Ёзувчи уни Чўлпонотадаги далаҳовлисида меҳмон қилган, узоқ суҳбатлашганлар. Айтматов унга соглигини асраш кераклигини қайта-қайта тайинлаган... Шунингдек, Ботир Расул Ҳамзатов билан яқин қадрдон эди. Москвада Нозим Ҳикмат билан ҳам кўп маротаба учрашган. Шоир унинг қўшиқларини эшитиб, санъатига юксак баҳо берган. Ботир

Әүнгги құшиқларидан бирини Нозим Ҳикматнинг «Агар сен ёнмасанг» шеъри асосида күйлади.

Биринчи космонавт Юрий Гагарин Ботирнинг ҳақиқи мұхлисларидан зди. У 1963 йил 31 декабрь куни Марказий телевиденининг «Голубой огонёк» Яңги йил базмında иштирок этиб, дикторнинг: «Энг севимли хонанданғыз кім, Юрий Алексеевич?» деган саволига: «Менинг яхши күрган құшиқчым Ботир Зокиров», деб жавоб берган зди. Лекин Ботир булар билан мақтансади. Машхур кишиларга яқынлігіни айтіб, үзини күтара-күтар қилишни ёқтирумасди. У жуда камтар зди. Бирор марта мақтандынны өслай олмайман. Гердайиб, манмансираб юрадиган құшиқчиларни жиппі ёқтирумасди.

Ботир бир сафар қизим Гүзәл билан менинг ҳаётимни сақлаб қолған. Баҳорнинг охирлари зди. Оиласаримиз билан Тошкент район, Навоий номидаги колхоз да-лаларига айланғани чиқдик. Ұша пайтларда пишқириб оқадыған Зоғариқ бүйіда ўтириб ҳордиқ чиқардик. Мен үшанданды «иккінші қизчам Гүзәлни (макаронни яхши күргани учун Ботир ҳазиллашиб уни «Макарелла» деб чақырады) күтариб ариқнинг саёз жойидан кечиб ўтмоқчи бўлдим. Лекин ариқ жуда чуқур экан, астасекин чўка бошладик. Шунда Ботир касаллигига қарамай шартта үзини ариққа ташлаб бизни қутқариб қолган.

— Вой, Макарелла-ей, ҳали сувда пишиб қолардинг, — деди Ботир қўрқиб кетган Гүзәлни күтариб. Ҳаммамиз кулиб юбордик...

1971 йили совет делегацияси составида қирқ кун Саудия Арабистонида бўлдим. Ұша ерда ҳам Ботирнинг «Араб тангоси» мамлакатнинг ҳамма бурчакларида янгреганини эшигтанман. Баъзи учрашувларда бу ҳақда ҳаяжонланиб гапириб берганиман. Ботирнинг орзуси Шарқ мамлакатлари бўйлаб ўзбек құшиқларини ижро этиш зди. Афсус...

1984 йил 28 августдан 10 сентябрга қадар «Ялла» Москвада концерт берди. Бу Ботир Зокировнинг Москвага сўнгги гастроли бўлди. Ўшанда у москвалик эстрада муҳлислари қалбини сўнгги бор юзма-юз забт этди. У билан ўн кун бирга бўлдим. Уч марта концертига тушдим. Ўша ўн кун умримнинг ўн йилига татийдиган, ҳаётимдаги энг баҳтиёр ва унутилмас кунлар бўлиб қолди.

У саҳнага қандай ёниб чиққан бўлса, умрининг охиригача шундай ёниб куйлади. Ҳамиша, ҳар қандай вазиятда имонига, эътиқодига, ўзлигига содиқ қолди. Ва бу буюк санъаткор ўзбек совет эстрадасига асос солди.

«КУИЛАМОҚ — ЯШАМОҚ ДЕМАҚ!»

Ботир Зокиров кундалигининг илк саҳифасини шундай сўзлар билан бошлади: «Мен ўз кундалигимни ажойиб ёшлигимнинг энг баҳтиёр кунларидан — болалигимнинг илк орзулари рўёбга чиққан кунидан бошлагим келади...

Ўша куни мен Тошкент Давлат консерваторияси вокал факультети тайёрлов бўлимига муваффақиятли имтиҳон топширдим. Ўша дақиқаларда мен саҳнада туриб ҳассос ва талабчан тингловчилар қархисида кечирган чексиз ҳаяжонларим, изтиробларим куйлашим биланоқ тумандай тарқаб кетди.

Имтиҳонлардан сўнг ўқишига қабул қилинган «аълочи»лар қаторида менинг ҳам фамилиямни айтишганида дастлабки ҳаяжонларим бамисли қувончга айланди. Ўша кундан бошлаб мен мусиқа эҳроми — консерватория талабаси бўлдим, ўша кундан бошлаб севимли машғулотимнинг сарҳадсиз уммонига шўнғидим... 1952 йил 20 август».

Лекин унинг ҳаётига аллақачон шафқатсиз тамрасини босган хасталик барча орзуларига зомин бўлди. У консерваторияяда ўқишини тутаготолмади. Қейипчалик

Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтининг режиссёрик факультетида, таниқли режиссёр Александр Гинзбург қўлида таҳсил ола бошлади. Лекин касаллик уни қўшиқдан заррача ажратолмади. Талабалик йилларида «Ёшлик» эстрада ансамблида қатнашарди. Тузалгач, яна ансамблга қайтди.

Ансамбль бу пайтлар Москвада бўладиган Бутунжоҳон студент-ёшлари фестивалига (1957 йил) қизғин тайёргарлик кўраётган эди.

— Болам, Москвага борадиган бўлсанг, биронта янги қўшиқ ўрганишинг керак,— деди онаси Шоҳиста опа.

— Қим ўргатади ўша қўшиқни, ойижон?

— Үзим ўргатаман, жон болам. Луиза билан бирга айтасизлар.

Шоҳиста опа бир сўзли аёл. Болаларидағи қўшиқ-қа бўлган катта ҳавасни кўриб илҳоми келди. Тез кунда «Ўзбекистон — менинг диёрим» деган шеър ёзиб, ўзи куй басталади. Сўнг рубобни Ботирга, доирани Луизага берди. Бир ҳафта деганда қўшиқ тайёр бўлди. Шунда Ботир янги қўшиқ қанчалик қийинчиликлар билан яратилишини биринчи бор ҳис қилди...

Ака-сингил кучли ҳаяжон билан қўшиқни ширали овозда куйлаб бўлдилар, шунда атрофни қарсак тутди, фестиваль қатнашчилари уларни узоқ олқишилдилар. Бу қўшиқ фестивалнинг бронза мукофоти билан тақдирланди.

Қутлуғ келган биринчи қадам уларга ишонч, кучғайрат бағишлади.

1958 йил «Ёшлик» ансамбли базасида Узбекистон Давлат эстрада оркестри тузилди. Оркестрни тузишда Ботир Зокиров актив қатнашиди. Ака-сингил оркестрда солист бўлиб ишлай бошладилар.

Оркестр Ботир Зокиров ижодий йўлини қатъий белгилаб берди. Бу ўзбек мусиқа ва қўшиқчилиги тарихида очилмаган қўриқ — эстрада санъати эди. Барча соҳалар каби Ботир Зокиров танлаган эстрада йўли оғир.

машаққатли ва изтиробларга тұла әди. Лекин у бундан асло چүчимади.

Биринчи бўлиш ҳамиша мушкулдир.

Оркестрда композиторлардан Ян Френкель, Альберт Малаховлар фаолият кўрсатишарди. Чолғучилар орасида Хитойдан қайтиб келган рус муҳожирлари ҳам бор әди. Уша кунларда Тошкентда бўладиган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференцияси (1958 йил, сентябрь) ҳамда Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига (1959 йил) қизғин тайёргарлик кўрилаётган әди. Иш қизғин әди. Репертуарни яхши асарлар билан бойитиш учун тинимсиз машғулотлар ўтказиларди.

— Болам, соғлиғингга қарагин. Үзингни аспа, — дерди Шоҳиста опа ҳар куни Ботирни ишга кузатаркан. «Хўп, ойижон», дерди-да, оркестрга келиши билан ваъдасини унутарди...

Композитор Ян Френкель оранжировка қилишга уста әди. У қайта ишлаган Шарқ халқарининг қатор яхши қўшиқлари, биринчи бор конференцияда Ботир ва Луиза ижросида янгради. Икки қитъа адиблари икки ёш талантни узоқ олқишлидилар. Ҳатто ҳиндистонлик адиблар Ботир ижросига ҳинд санъаткорлари билан тенглаштириб баҳо бердилар. Айрим чет эллик журналистлар улардан интервьюлар олди. Шунда Луиза ижро этган индонезияча қўшиқни эшитган индонезиялик кекса адиблардан бири уларга шундай савол берди:

— Жуда хурсанд бўлдик. Раҳмат сизларга. Айтинглар-чи, қўшиқ сўзларининг мағзумнига тушунасизларми?

— Йўқ.

— Унда сўзларнинг маъносига тушуниб, кейин куйлаш керак. Мана, масалан, сиз, — деди адиб Луизага юзланиб.— Саҳнада — қайиқда қўшиқ айта туриб ҳаракатларингиз билан гитарачи йигитга севги изҳор қиласиз. Афсуски, қўшиқ севги ҳақида әмас, бу индонезиялик оналар «алла»си-ку!

Ака-сингил хижолат тортиб, гуноқорлардай бир-бига қараб олишди. Лекин бу воқеа уларга бир умрлик сабоқ бўлди...

Москвада ўтказилган декадада эса машҳур араб композитори Дориш Ал-Аттошнинг (Ян Френкель қайта ишлаган) «Араб тангоси» қўшиғи биринчи марта янгради. Янгради-ю, чақмоқ янглиғ Ботир Зокиров номини қўшиқсеварлар қалбига олиб кирди. Бу кутилмаган катта омад, шуҳрат ва келажакка ишонч эди. Кейинчалик бу қўшиқ хонанда репертуарининг муқаддимаси бўлиб қолди. Концертларда, гастролларда агар шу қўшиқ янграмаса томошибинлар бараварига: «Араб тангоси!» «Араб тангоси!» деб қатъий талаб қилишарди. Мазкур қўшиқ номи билан минглаб нусхаларда унинг пластинкалари чоп әтилди. Қўшиқ унга оламшумул шуҳрат келтирди...

Декададан қайтгач, оркестр бадний раҳбари ва дирижёри Альберт Малахов тўсатдан вафот этди. Эстрада санъати жонкуярининг бевақт ўлими Ботирни қаттиқ изтиробга солди. Оркестрга бадний раҳбарлик қилиш унинг зиммасига юкланди. Бу эса ундан тинимсиз изланишни, яна ҳам тер тўкиб меҳнат қилишни талаб этарди.

— Ботир доимо ишлашини яхши кўради,— деб хотирлайди композитор Энмарк Солиҳов.— У меҳнат қилгани сари роҳатланарди, илҳомланарди. Бирор бошлаган ишини поёнига етказмагунча тинмасди. У қисқа вақт ичидаги оркестр шуҳратини иттифоққа олиб чиқди. Москва, Ленинград шаҳарларига устма-уст гастролларга борди. Нур бор жойда соя бўлганидек, ўзимизда оркестр душманлари пайдо бўлди. Улар турли баҳоналар билан оркестр фаолиятини ерга уришга кўп бор уринидилар. Маданият министрлигининг ўша пайтдаги собиқ раҳбарлари репертуарни тасдиқламай уни кўп қийнашарди. Турли ташкилотларга югуртиравериб овора қилишди. Чунки Ботир санъатни тушунмайдиган «раҳбарлар»га

бўйин эгишни ёмон кўрарди. Ундаиларни «санъат чиновники» деб атарди. Ҳеч қачон уларга ялинмасди. Буларнинг ҳаммаси унинг соғлигига ёмон таъсир қилди. Оқибатда касаллик уни операция столига ётқизди...

Саҳрода илк бора чиққан йўловчига ҳамиша қийни. Е у азоб-уқубатлар билан йўл очади, ё ҳудудсиз саҳро қўйнида ном-нишонсиз йитиб кетади. Ботир Зокиров ҳам 60-йилларда бечора йўловчининг аҳволига тушиб қолди. Бир томондан санъатдан йироқ кимсалар ғашига тегса, иккинчи тамондан ўпка хасталиги ҳадеганда хуруж қилавериб унинг тинка-мадорини қуритарди. Лекин у касалга, таслим бўлишни истамади. Ажал билан олишгандек касаллик билан олишаверди. Шу боис гоҳ Москва касалхоналарида, гоҳ Қрим санаторияларида тез-тез ётиб даволанишга мажбур эди. Даволаниш баъзан ойлаб, йиллаб чўзиларди. Бундай пайтларда у кўпроқ картиналар чизиш билан машғул бўларди. Унинг ўша даврларда чизгап «Москва манзаралари», «Қрим манзаралари» деб номланган туркум асарларини кўрсангиз, ҳаётга ташна қалбнинг бетакрор рангларидан завқланасиз.

Ботир Зокиров қўшиқда сўз, оҳанг танлаганидек, картинада оҳори тўкилмаган рангларни танларди. Хасталик азобини тортиб юрган кезларида чизган турли картиналарида кўпроқ қора бўёқ ажralиб туради. Лекин у қора бўёқни тушкунлик аломати эмас, балки ҳаётга муҳаббат тарзида талқин этади. Масалан, бир картинасида қалин дараҳтзор оралаб кетаётган кишини тасвирлайди. Дараҳтлар қора, одам қора. Лекин олисда яшил, қизғиш ранглар қоришимаси кўзга ташланади. Уша ёруғ ранглар қора одамни ўзига чорлаяпти...

У Кремль касалхонасида ётганида ўша пайтда Москвада яшаган таниқли ўзбек композитори Икром Акбаров билан яқиндан танишди. Бу танишув Ботир

Зокиров ижодида ўзига хос ёрқин саҳифалар очди. Бу саҳифалардан иккى санъаткорнинг ўзбек эстрадасига асос солган ўлмас миллӣ қўшиқлари абадий ўрин олди.

— Ботиржон, бирйўла тузалиб олинг. Кейин бафуржа ишлаймиз. Ҳозир жуда қийналяпсиз,— деди бир куни Икром ака иш жараёнида Ботирнинг тоби қочиб қолганини кўриб.

— Бу лаънати касал ҳеч қачон тузалмайди. Мен эса куйлашим шарт. Сиз мени ўйламасдан янги куйларни ёзаверинг. Вақтни бой бермаслигимиз керак, Икром ака,— деди у оғриқ бир оз босилгач.

— Мен врач сифатида қаттиқ талаб қиласманки, олдин соғлиқ, кейин қўшиқ!— деди унинг ранг-рўйини кўрган Икром акапинг турмуш ўртоғи Нина Сергеевна.

— Вой, онажоним-ей, соғ одам қандай қилиб қўшиқ айтади?— деди Ботир одатдагидай ҳазил қилиб. Сўнг «Бир куни Афанди...» дея гапини латифага улаб юборди. Бир зумда Икром ака ҳам, Нина Сергеевна ҳам унинг касаллигини унтишиди. Завқ-шавққа тўлиб латифагўйлик қилаётган Ботирни кўрган киши сира бемор деб ўйламасди. У шундай пайтда ҳақиқий қизиқчиларга ўхшаб кетарди.

У нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам касали ҳақида ўйлашига, гапиришга йўл қўймасди. Концертларни ҳаяжонланиб тинглайдиган минглаб қўшиқ мухлисларининг кўпчилиги унинг хасталигидан бехабар эди. Ботир касалликни яхши қўшиқ, самимий кулги ва кучли ирода билан енгарди.

Бир гал Томск шаҳрига гастролга борганида концертдан сўнг бир гуруҳ томошабинлар уни саволга тутиб: «Ўпкангизнинг ярми йўқми?» деб сўрашган эди. Бу савол унинг суяқ-суякларигача зирқиратиб юборганди. Эй, одамзот! Қўшиқни тинглаб тинчгина кетавер Саволинг нимаси? Шу-шу, томошабинларга рўбарў

келишдан чўчийди. Чўчиниди эмас, уларнинг ноўрин саволларига юраги бардош беролмайди.

1961 йил уни биринчи марта операция столига ёт-қизишди. У ўша кунларни кундалигига шундай қайд этган: «Операциядан кейинги тўртинчи кун. Яхши ва ёмон. Ёмон ва яхши. Ширин ва аччиқ. Азоб ва ёқимли... Доимо хонам тўла дўстлар. Яхши! «Албатта, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, албатта!» дея билдирилаётган самимий тилаклар. Асло тоқат қилиб бўлмайдиган оғриқлар хуруж қилганида эса, илк бор саҳнага чиқкан кунин хотирлаш кўнгилга таскин-тасалли беради».

У қанчалик уринмасин, саҳнага илк бора чиқиб қўшиқ айтган кунини эслолмайди. Эсида фақат Кўкча дарвозасидаги ҳовлиси, олма, ўрик, поклар ғарқ пишган палла. У чорпояда юлдуз тўла осмонга термулиб ётибди. Кечакийдин. Юлдузларга термулган сари юраги ҳаприқади, вужудида нималардир тўлқин уради. Унга тинчлик бермаётган, ярим тунда уйқусини ўғирлаб, юлдузларга ошно қилиб сеҳрлаган нарса нима бўлдийкин? Лекин тилига келмаётган, номини тополмаётган ўша тўйғулари, юрагини қинидан чиқармоқчи бўлаётган ҳис-ҳаяжонлари ўз-ўзидан қуюлиб бўғзига келаверади, келаверади... келаверади... Аста-секин лаблари қимирлай бошлайди. Юлдузлар ҳам гўё унинг қалбини тушунгандек, сен куйлашинг керак, қўшиқ айтишинг керак, деяётгандек туюлади. Сўнг юлдузлар билан қўшиқ бир-бирига қўшилиб кетади.

Қани менинг юлдузим? Қани менинг қўшифим?

У кўп марта адашди, қийналди, изланди, йўлидаги тўсиқларни енгил, қайта-қайта куйлади, охири ўз қўшигнин топди. Лекин қанчалик куйиб-ёнмасин, кўзлари тўрт бўлиб ахтармасин, ҳали-ҳануз баҳт юлдузни учратганий йўқ. Тўғри, бир сафар Москвада концерт берадётганида уни залда томошибинлар орасида тасодифан кўриб қолди. Ушанда гастролининг охирги концерти эди. Кўриб қолди-ю, ўзини саҳнада бир зум йўқотди.

Унинг кўзларига юлдуздан бўлак ҳеч ким, ҳеч нарса кўринмасди. Юлдуз бўлса залнинг бешинчи қаторида ўтириб, соchlари елкаларида паришон, ўзини батамом унутган, фақат, хонанданинг мунгли қалб фарёдини тингларди. Хонанда эса ундан кўзларини узмай, фақат у учунгина ёниб куйларди:

Қайдасан, азизим, қаро кўзлигим,
Севгили юлдузим, ширин сўзлигим,
Қўлимда сенга деб қўйилган шароб
Кўзларим йўлингда, анор юзлигим...

Концертдан сўнг юлдузини излади. Тополмади...
бир неча марта унинг суратини чизишга уринди. Чизолмади. Яна қалбларни соғинчларга тўлдириб куйлади:

Қайдасан, азизим, қаро кўзлигим...

1964 йили Ботирни Кремль касалхонасида иккинчи марта операция столига ётқизишди. Азоб-уқубатларга тўла ўша оғир кунларни у кундалигига ёзиб борди. Бу мураккаб операция уни ҳастга қайтарди. Ажал бу гал ҳам суюкли хонандани мухлислар қалбидан юлиб ололмади.

15 ЯНВАРЬ:

«Афсус! Операцияни жумага қолдиришди. Салом, яна бир кўнгилсизлик! Кечаги рентген сурати ёмон чиқибди. Қимирламай ётишимни қаттиқ тайинлашди. Қўшиқни ёзиш эса чиппакка чиқяпти. Тинимсиз машғулотлар ҳайф кетди. Мана, сенга қувонч учун мукофот.

Ўпкадаги кичик тешникча катта бўлиб қолибди. Бу сўнгги машғулотлар оқибати. Барибир янги қўшиқни ёзиб ололмаяпмиз. Бунга Икром ака эмас, мен айборман. Чунки биз бекорга ҳаяжонландик, хавотирландик. Қўшиқ ёзилмаса майли. Ахир мен нималарни



Автопортрет.



Ботир Зокиров мухлислар даврасида



Ижол жараени.



Нигоян



Ботир Зокиров рафиқаси Галина ва қизи Рухшона билан.



Күшик.



Ботир Зокиров Узбекистон ССР халқ рассомлари Немат Қўзибозн
ва Қутлур Башаров билан.



Хаёл оғумида.

истамайман? Даңнати касал менга бүйсунмайды. Лекин уни ўз ихтиёрига қўймаслигим керак.

Оқшом Икром ака келди. Менинг сиҳат-саломатлигимни кўриб хурсанд бўлди. Қўшиқ ёзишга йигилган барча оркестр ижрочилари менга салом айтибди...

16 ЯНВАРЬ:

«Эртагаям операция бўлмайды. Лев Константинович Богуш касал. Қейинги сешанбагача қнимирламай ётиш керак.

Кечқурун Икром ака келиб, операцияга рози бўлма, деди. Чунки ўтган сешанбада ёнимда ётган беморни олти соат операция қилишди. У нобуд бўлди. Икром ака, отамни чақириш, маслаҳатлашиб керак, деди. Икром акага мени операция қилиш зарурлигини тушунтирудим.

Ира (Эркли Маликбоева) телефон қилди. Ҳаммаси жойида, яхши дедим.

Шарқ тарихини ўқияпман. Жуда кўп нарсаларни билмаслигим аён бўлди. Ўз тарихимни ғуурланиб, фахрланиб ўқиб-ўрганишни бошладим. Қанча-қанча очилмаган тенгесиз ҳазиналар. Ўз маданиятимизни ҳали жуда юксакларга кўтаришимиз керак. Албатта кўташиб керак! Қандай қилиб? Ҳамма гап шунда.

Яна кўп нарсалар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритишга ҳали имкониятим бор.

Бир нарсани англадим. Шу пайтгача олган билимларим ҳеч нарсага арзимас экан. Ҳаммасини имкон қадар қайтадан бошлашиб керак...»

10 ФЕВРАЛЬ:

«Эрталаб кўнгилсизлик бўлди. Кўчада бир одамни машина уриб, ўлдириб кетибди. Бугун касалхонага келганимга икки ой бўлса, шу муддат ичида бу иккичи воқеа.

Аҳволим яхши эмас. Кундузи ҳикоя ёздим. Эҳтимол бу менинг илк ҳикоямдир. Бу ҳикояни ичимдан тўқи-

мадим. Ҳикоянинг номини «Кутиш» ё «Охунбобоев ҳайкали ёнида» деб аташ мумкин. Ҳикоя кўпгина яхши, очиқкўнгил, камтар танишларим ҳақида...»

15 ФЕВРАЛЬ:

«Худога шукр! Рентген яхши чиқибди. Операцияга ярайман. Ниҳоят эртага операция! Лекин улар анифни айтишмаялти. Чунки Богуш, операциядан фақатгина бир фоиз умид бор холос, дели.

Куни бўйи Э. Межелайтиснинг «Инсон» китобини ўқидим. Китоб яхши безалган. Красаускаснинг гравю-
ралари табиий. Поэмадаги кўп фикрлар менинг дарл-
ларимга ҳамоҳанг. Ўзим очган дунёни «кўриб», ўзим
уялиб кетдим, Межелайтис менга руҳ бағишлиди. Нега
энди ўзимдан-ўзим уялишим керак?..

Бекор хурсанд бўлдим. Ҳароратим 37.8° . Бундай
иситма билан операция қилмасликлари мумкин. Барни-
бари жонга тегди!»

16 ФЕВРАЛЬ:

«Тонг оқарди. Кун ўтияпти. Шафқатсиз савол эса
момақалдироқдек турибди. Қашча ўй-хаёллару қашча
ҳаяжонлардан сўнг! Нега ҳаяжонланяпман? Бугун
бўлмаса, эртага бўлар, улгураман-ку... Эҳтимол, йўқ!
Балки врачларнинг ўзлари чўчишаётгандир?

Соат 4.30. Дам олиш вақти тугади. Ниҳоят мени
чақиришди. Уколга олиб кетишиб... сўнг... хайрият,
чиқ бир қарорга келишди. Елкамдан тоғ ағдарилгандек
бўлди.

Соат бешда операция столида ётардим. Тепамда
хамшира Наталья Ивановна. У қўлларимни ушлаб ол-
гаю кўзларимга қарашга қўрқади. У ҳадеб Сергей
Яковлевич Лемишевнинг томогидаги рак туберкулёзни
операция қилишгани ҳақида галиради. У бошимни си-
лаб ҳаяжонланяпти, нуқул «Молодец, Ботир», деб
қайта-қайта пичирлади.

Атрофимда жарроҳлар иш бошлашди. Гўё мен ҳам
уларга қўшилиб ишлай бошладим. Ўн иккигача сана-

дим. Кейин нима бўлганини билмайман. Бу ҳолат умр-бод эсимдан чиқмайди.

Кейин врачлар айтиб беришди: «Операция ўта мурракаб, жиддий ва ҳавфли эди... Операциядан сўнг Бугуш йиғлаб юборди...»

19 ФЕВРАЛЬ:

«Боксдан палатага ўтказиши. 10-палата. Тўрт кишишимиз».

26 ФЕВРАЛЬ:

«Эрталабдан хушхабарлар: рентген яхши, уколлар бошқа қилинмайди. Ҳар қалай ваъда беришди-ку! Сағир қилиш мумкин. Тоза ҳавода. Фақат қирқ минут. О, баъзан нимадан озиқланаштаганимизни унутиб қўямиз. Ахир баҳорнинг илиқ, салқин табиий ҳавосини хонадаги кислородга алмаштириш мумкинми?»

Нафас олиш қандай бахт!..»

6 АПРЕЛЬ:

«Високий Горида бир юзу қирқ кун. Тамом! Соат бирдан бери озодликдаман!»

12 АПРЕЛЬ:

«Салом, Тошкент! Салом, ўғлим!

Тошкентни баҳор нафаси тутган. Ўрик гуллабди. Отам ҳар сафар мени ҳар хил ҳолатда кутиб олади. Назаримда у киши анча қартайиб қолибди. Онам эса ўша-ўша, шаддот ва чаққон.

Укаларим анча улғайибди. Жамшид — студент, хурсанд. Моцартдан чалади. Фаррухга қўшилиб қўшиқ ҳам айтади. Навфал билан Фаррух гитарани ажабтовор чалишиб, яхшигина куйлашяпти. Онам Навфалга ажойиб қўшиқ ўргатибдилар...»

У туғилган тупроғига соғ-омон қайтиб келганидан, ота-онаси, укалари, умр йўлдоши, дўстлари ва жажжигина ўғли Бахтиёрни кўрганидан, улар билан яна дийдорлашганидан минг бора хурсанд эди. Ҳаммалари унга ҳайрат ва ҳаяжон билан термулишар, бири қў-

йиб, бири аҳвол сўрар, хуллас, унинг ҳаётга қайта келганидан олам-жаҳонга сифишишасди.

У операциядан сўнг бир оз рангини олдирган бўлса ҳам, лекин кўзлари оловдай чақнаб турарди. Бу кўзлар ҳаётга чексиз муҳаббат ва букилмас ироданинг рамзи эди.

У ўша йили тутган кундалиғини қўйидаги умид ва ишонч сўёлари билан якунлади: «Уч йиллик оғир ҳасталик ва сукут... Упкани тинимсиз машқ қилдиришим керак. Мен эстрадага қайтишим шарт! Шарт! Шарт! Мен қайтаман! Ҳаёт... унинг ҳар лаҳзаси қаҳрабодек гўзал... Жудаям қўшиқ айтгим келяпти!..»

Ботир жони жаҳони бўлган қўшиқни соғинган эди. Қўшиқка бўлган буюк соғинч туйғуси бу гал ҳам қаттол жарроҳ қўлидан уни омон-эсон олиб чиқди. Ҳатто профессор Лев Константинович Богуш: «Мен бу дилбар ўзбек йигитининг ҳаётдан кўз юмишини асло тасаввур қилолмайман. Уни операцияга тайёрланглар. У жонини худога эмас, менга, Богушга топшира қолсин!»— деган эди бир оз умидсизликка тушиб. Гарчи профессор фамилиясини худога уйқашлигини сўз ўйини қилаётган бўлса-да, беморнинг операциядан тирик чиқишига аниқ кафолат беролмади. Операция саккиз соат давом этди. Гўё бу дақиқалар Богуш учун ҳам, врач ва ҳамширалар учун ҳам саккиз йилга чўзилди. Энг сўнгги имкониятлар, тажрибалар ишга солинди. Уни операция қилишाटганини эшитган касалхонанинг ўйлаб беморлари, ҳамширалари йўлакда туриб йиғлашарди. Ҳеч ким унинг ҳаётдан бевақт кўз юмишини, тўғрироғи, қўшиқнинг ўлимини истамасди. Умид ва ишончсизлик исканжасида оғриқ азобидан инграётган қўшиқнинг ҳам юраги уриб турарди...

Ботирнинг тўйиб-тўйиб, ёниб-ёниб қўшиқ айтгиси келарди. У операциядан олдин Икром Ақбаров билан ҳамкорликда янги қўшиқлар яратишни кўнглига тугиб қўйганди. Энди чинакамига ишга киришиши керак!

У ҳар бир янги қўшиқ устида узоқ машқ қилар, тоқи қўшиқ қалбини пўртанаға келтирганича айтмасди. У билардикни, хонандаги юракдан ёниб куйламаса, тингловчи қалбини забт этолмайди. У ҳар бир янги қўшиқни камидаги етти-саккиз вариантидан сўнг қиёмига етказарди.

— Ботиржон, тобингиз йўқ. Чарчаяпсиз. Сизга кўп уриниш мумкин эмас-ку! — дерди унинг тинимсиз машқ қилаётганини кўрган Икром ака.

— Кўнглимдагидек чиқмаяпти, Икром ака. Томошабинни алдашга виждоним чидамайди. Келинг, тағин бир марта такрорлайлик-чи? — деб яна машғулотга киришиб кетарди.

У қўшиқ сўзларига катта эътибор берар, баъзан шеърлардан ортиқча сўзларни олиб ташлар, агар маъқул келмаса, шеърни қайтадан ёзарди. У айниқса 60-йилларда қўшиқ бол яхши шеърларга зор эди.

— Икром ака, эътибор беряпсизми, шонир зоти кўпайган сари чинакам яхши шеър камайиб боряпти, — дерди баъзан куюниб...

Операциядан сўнг орадан иккиси йил ўтгач, биринчи марта гастролга яна Москвага борди. У концертга профессор Л. К. Богуи бошчилигига врачлар ва ҳам шираларни таклиф қилди. Концертга эса юзлаб мухлислар билет топишолмади. Чунки қўшиқсевар Москва Ботир Зокировни жуда-жуда соғинган эди.

... У қўшиқ куйлаётуб, залга қаради. Қаради-ю, бир нуқтага термулиб куйлайверди. Бу сафар ҳам унинг етолмаган юлдизи ўша қатор, ўша ўринда ўтириб уни тингларди. Шалоладай соchlари елкаларини тутган. Тимқора кўзлари қўшиқ сеҳридан ёнади. Вужуди қулоқ бўлиб саҳнага айланган. Саҳнада эса севимли хонандаси одатдагидай бўғзида дард билан хониш қилиб, уни чорляяпти:

Боғимга ноз ила, ёр, кел,
Қувноқ овоз ила, ёр, кел,

Сеники бу чаман, бу гуллар,
Сеники күйлаган булбуллар
Күй ила, соз ила, ёр, кел.

Ү ҳам учиб бормоқчы, лекин қанотлари йўқ, югуриб борай деса мадори етишмайди, жавоб қиласай деса нафаси тиқилиб қолаверади. Қўшиқ уни батамом сеҳрлаб ташлаган. Ҳонанданинг саволларига хаёлан жавоб беришдан ўзга чора йўқ.

«Соф-омон тузалиб қайтдингми, қўшиғим? Сени кутавериб кўзларим йўлларингда сарғайдай, қайта кўрармиканман, деб шўрлик қалбим яна пора-пора бўлди. Қайдасан, қайлардасан жони жаҳоним — қўшиғим? Ёлғиз пластинканг ҳамиша қалбим малҳами. Уни эшитавериб-эшитавериб овозингни томирларимга пайванд этдим. Лекин сени қайта кўраман, сени тинглаб яна қирғоқларига сиғмаган дарёдай бўламан деб сирасира ўйламагандим. Ҳозир оламда мендан баҳтли, мендан баҳтиёр инсон йўқ. Чунки сенинг ўтли кўзларингга термулиб, нолаю афғонларингни, дарду ҳасратларингни қайтадан томирларимга, қалбимга жо қиляпман, қўшиғим. Мен бугун қайтадан дунёга келдим. Келиб яна сени кўрдим, фақат сени топдим, қўшиғим!..»

Дилимда ғазалим сен, ёр,
Мен айтай, гўзалим сен, ёр.
Сўзимиз порласин оташдай,
Ишқимиз яшнасин қуёшдай,
Сеники бу чаман, бу гуллар,
Күй ила, соз ила, ёр, кел...

Концерт тугаши билан Ботирни врачлар ўраб олишиди. Бу сафар ҳам уни кўролмади, дийдорига тўёлмади. Соғинч ҳисларини баён этмоқчи, мириқиб-мириқиб дардлашмоқчи эди. Бўлмади...

— Ниманг билан қўшиқ айтдинг? Сен ҳақиқатан инсонмисан ё сеҳргармисан? Наҳотки, бу ўзинг бўлсанг, Ботир?— деди Лев Константинович Богуш кўзларига ёш олиб.

Ҳамширалар уни қучоқлаб, қўлларини юзларига босиб йиғлашарди. Қаршиларида тирик мўъжиза тургандек, унга қайта-қайта ҳайрат билан тикилишарди.

Бу ҳақиқий мўъжиза эди. Рўй берган мўъжизага хонанданинг ўзи ҳам ишонмасди...

Ботир ўша оқшом дам олишдан олдин Тошкентга телефон қилиб таъби бир оз хира бўлди. Саҳнадаги қувончидан асар ҳам қолмади. Республика маданият министрининг муовини яна янги репертуарни тасдиқламабди. Чунки яқин-орада оркестр қардош Болгария, Венгрия, Чехословакия мамлакатлари бўйлаб гастролга бориши керак эди. Бир хаёли санъатни тушунмайдиган ўша қалтабин муовинга телефон қилмоқчи бўлди. Лекин кўзи ожиз одамга нуқул кўрсан, дейишдан нима фойда?

У узоқ вақт ухлай олмади. Асабийлашди. Врачларнинг жуда қатъий тақиқлашига қарамай, ҳамроҳларидан яширипча секин айвонга чиқиб сигарета тутатди. Барибир алами босилмади. Кўз олдига Маразнинг жирканч башараси келаверди.

Ҳа, бу ўша Маразнинг иши. Санъатни, санъаткор қалбини тушунмайдиган Маразнинг. Санъат остонасига қадам қўйибдики, ўша Мараз унинг қадамини пойлайди, ижод йўлларига тўсиқ бўлади. Иложини топса, ундан қуёшининг нурларини тўсади, ойни беркитади, яна иложини топса нафас олдирмай қўяди. Нега? Нима учун?. Иўқ, фақат у эмас, жамики миллий маданият ва санъатнинг талантлари Маразнинг дастидан ҳамиша озор чекади. Кимки хушомад, лаганбардорлик қилса, ўша «яхши», «истеъододли», мукофоту унаонлар ҳам ўшаники. Эсида, қайсиdir йили Ашхободга бир групpla ўзбек санъаткорлари концертга борнишди. Концертнинг

тантанали очилиш маросимида программа бўйича биттадан қўшиқ айтиш керак эди. Таниқли ҳофиз Ко-милжон Отаниёзов саҳнага чиққанида зал оёқга турди. Хонанда бир қўшиқ билан саҳнадан чиқиб кетолмади. Яна бир қўшиқ куйлади. Шунда ҳам зўрға-зўрға саҳнани тарқ этди. Тарқ этди-ю, ортида қўлларини белига қўйиб, безрайиб турган Маразга дуч келди.

— Нега иккита айтасиз? Нега «қонун»ни бузасиз?— Ушқира бошлади у хонандага юзланиб.

— Авваламбор, бу қонун эмас. Иккинчидан, олсанг номерингни оласан, қўлимдаги торни олармидинг? Ҳа, сани...— деди хонанда жаҳл билан. Ва ўша куни самолётга ўтириб жўнаб кетди.

Қилғилиқни қилган Мараз эса хонандани сўрған юзлаб мухлисларига: «Қасал бўлиб кетди», дея ёлғон гап тарқатди. Шунаقا юэсиз, имонсиз бу Мараз!

Мана, неча йилдирки, Мараз унга ҳам тинчлик бермайди. Гоҳ репертуарни, гоҳ гастроль планларини тасдиқламайди. Минг азоб-уқубат билан тасдиқлатгандарини икки кундан сўнг яна кўраман, эшитаман, деб йўққа чиқаради. Санъатни тушунса, тўғри маслаҳат берса яхшику-я, лекин тушунмай ҳаммани қон қиласди. Шуниси ёмон.

Ботир санъатни тушунмайдиган бундай маразнусха «чиновник»лардан безор бўлган эди. Улар нафақат эстрадани, балки миллий қўшиқ санъати ривожига ҳам кескин тўсқинлик қилишарди. Қизиқ! Сени ўзга шаҳарларда, ўзга юртларда роса эъзозлашса-ю, ўз юрtingда қадр топмасанг. Ҳар қадамда изингни, сўзингни пойлашса, ҳаракатларингдан хато излашса, тўғри сўз учун таъқиб этишса... Бу аҳволда қандай қилиб на маданиятни, на санъатни ривожлантириб бўлади? У баъзи «санъаткор»лар каби катта-кичик раҳбарлар ҳузуринга тез-тез кириб қуллук қилмас, бўлар-бўлмас хизматларини бажаравермас, тинглоғчилар номидан хатлар уюштирмас, унвону мукофотлар учун

елиб-югурмас, умуман, уларга ялиниб-ёлвормасди. Бундай «фазилатлар» унинг қонида йўқ эди.

Ботир Зокиров энг қийин пайтларда ҳам санъатдан йироқ раҳбарлар олдида бўйин эгмади. У инсон сифатида ҳам, санъаткор сифатида ҳам имонига, эътиқодига ҳамиша содиқ қолди. Бу хислатлар унга кўпроқ отасидан ўтган эди. «Уғлим, тўғри бўл, ҳалоъ бўл. Шон-шуҳратга, мукофотга ҳирс қўйма. Санъатнингни халқ эътироф этса бўлди», дерди ҳамиша отаси.

Бир куни унга республика Марказий Комитети фан ва маданият бўлимининг ўша даврдаги мудири телефон қилди.

— Кечқурун Ҳукумат боғида меҳмонлар бўлади. Шунга битта концерт қўйиб берасизлар. Ўзингиз албатта бўлинг,— деб жиддий тайнинлади.

У трубкани қўяр экан, «меҳмонлар» сўзини одатдагидек чет элдан меҳмонлар келган, шуларга концерт бериш керак, деб тушуниди. У бундай концертларга ҳамиша пухта тайёрланиб, миллий санъатимизни чет элликларга манзур қилишга иштиёқманд эди.

Оқшом бўлим мудири тайнинлаган жойга боришича, ҳеч қандай меҳмон йўқ. Суриштириб билишса катталардан бирининг ўғли уйланаётган экан. Катта, тўйда шахсан Ботир Зокировнинг қўшиқ айтишини тайнинлабди. Буни эшишиб хонанданинг фирони фалакка чиқди. Бу ҳақоратдан бўлак нарса эмас! Ахир санъатни шунчалар оёқости қилиш мумкинми?

— Ингиштиринглар! Қетдик!— деди у чолғучиларга овози титраб.

— Қаёққа?— дея дағдага билан бўлим мудири унга юзланди.

— Кечирасиз, ҳали отарчилик даражасига кўтарилиғанимизча йўқ!— деди Ботир аччиқ киноя билан.

— Қайтинг. Кейин пушаймон қиласиз.

— Отарчилик қилиб виждан қийналгандан кўра,

минг марта пушаймон еган яхши,— деди у жаҳл билан машина эшигини ёниб.

— Кўрамиз!..

Худди шундай «Кўрамиз!» воқеаси у билан бир йил муқаддам Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари орасида ҳам содир бўлган эди.

Секретарь дастлаб чақиртирганида у касал эди. Боролмади. Тузалиб боргач эса, ҳеч нарсалан ҳеч нарса йўқ. Опа ўшқириб берди:

— Нега чақиртирсақ келмайсиз?!

— Касал элим.

— Бошқа баҳона ўйлаб тополмэдингиэм?

— Баҳона эмас, тўғрисини айтялман.

— Сиз артистларни биламиз. Нуқул осмонда юрасизлар. Айниқса, сизга ўхшаганлар катта идораларни назар-писанд қилмайди. Сал пастроқ тушинг, оқибати яхши бўлмайди.

Унинг дабдурустдан совуқ пўписалари Ботирнинг ҳамиятига тегди.

— Илтимос, қўрқитманг, опа. Қейин бақирманг. Шуни билиб қўйингки, санъатда буйруқ ҳам, бюрократизм ҳам кетмайди. Бу жойда ўтирган одам аввало маданиятли бўлиши керак...

— Сиз ҳали аёл кишини ҳақорат қиляпсизми?— Опа шартта унинг сўзларини бўлди.— Йўқ! Мен бунга йўл қўймайман. Бу гапларингиз учун керакли жойда жавоб берасиз!

— Мени урушиш ё насиҳат қилишга чақирган бўлсангииз, эшиштишга вақтим йўқ,— деди у ўрнидан туриб. Чунки гапи тўғрими, нотўғрими, нуқул ўзиникини маъқуллайдиган бу аёлга бирор гапни уқтириш қийин эди.

Шундай кўнгилсиз воқеа, орадан бир неча йиллар ўтиб, у республика Ленин комсомоли мукофотига тавсия қилинган йили ҳам рўй берди. Бир куни Опа уни

яна ҳузурига чақирди. «Мукофотни сизга лозим топяпмиз, энди шу сочингизни, кийим-бошингизни сал-пал тартибга олсангиз», деда одатдагидай унга пасиҳат қила бошлади. Ботирнинг яна жаҳли чиқди.

— Агар сочим билан уст-бошимга мукофот берадиган бўлсангиз керак эмас,— деди.

Опа бирдан ловиллади... Бу хабарни тегишли жойларга етказди... Мукофот унга эмас, укаси Навфал Зокировга берилди. Бундан у заррача хафа бўлгани йўқ...

Ҳа, катта-кичик идораларда, кабинетларда бирдек таҳлика билан айтилган «кўрамиз»лар бир умрга унинг соғлиғига, ижодига, энг муҳими, яхши қўшиқларига зомин бўлди. Унинг назарида шу сўз фақат ўзбекларга чиқаргандай. Ахир биргина шу совуқ сўз туфайли қанчадан-қанча тоза юраклар, ҳур фикрлар, ноёб талантлар маломатларга учрадилар, баъзилари бадном бўлдилар. Нимани кўрсатади? Манманлигиними, саводсизлигиними, зўравонлигиними... Қачонгacha кўрсатади? Нега ҳануз-ҳануз айрим раҳбарларда зўравонлик, ҳокими мутлақ бўлиш, маънавий маниманлик психологияси йўқолмаяпти? «Кўрамиз»лар дастидан миллий маданият ва санъатимиз аксарият оёқости қилингапти. Бизда истеъодод билан фахрланиш, уни унибўсиши ва бошқа халқларга кўз-кўз қилиш туйғуси етишмайди. Шулар-ку, етишмас экан, одамни ўз ҳолига қўйишса бўларди.

«Нега шундай? Нима учун? Қачонгacha?»

У вужудига қуюндай қўйилиб келаётган бундай саволларга жавоб тополмай қийналарди.

«Ўзимиз ўзлигимиз плдизини қирқсак, маданият ва санъатимизни оёқости қилсак, ғуруримизни бемаъннilarча топтасак, истеъодод бошида бюрократларча қилич яланғочлаб турсак қачон халқ бўламиз? Қачон қад ростлаймиз? Қачон?..»

Бетизгин, бежавоб саволлар карвони аста-секин йў-
қолиб, вужудига беихтиёр янги шеър оқиб кела бош-
лади. Кўлига қалам олиб, кундалигининг ёзилмаган
саҳифаларини очди.

Бой берилди йиллар жуда кўп!
Жудал
Узоқ яшадим мен, тун денгизида
Олис юлдузларнинг ёнишларидек —
Ёлқин топурманни энди ўзимдан!

Пешонамга юз йил яшаш битгандай!
Бу эпсиз, бебошвоқ кўрликда мубҳам,
Гуллар очилишин бой бердим қандай,
Инсон табассуми, таваллудин ҳам,

Ва боқиб энг сўнгти шуъла изидан,
Фасли ҳазон дарди ила сўйлайман:
«Мен энди ҳар кеча бепарво кезган
Шошган йўловчимасман», фақат ўйлайман.

Демак, тап бундоқ, ўз қўшиқларимда
Куйладим мен — соя ва якс садони!
Қўшиқлар не ҳақла? Не бор дардимда?
Одамларга айта олурман нени?»

...Халқа хизмат қилмоқ учун
Овозим ҳам, ўзим ҳам ярайман ҳали,
Куйламоқ бу — мен учун яшамоқ демак!
Бироқ бошқаларнинг илҳоми ила
Кўнгилхушлик қилмоқ менга керакмас!
Изламоқ ва яратмоқ истайман бу кун
Ўз санъатимни!..!

¹ Б. Зокиров қаламига мансуб шеърларни шоир Шукур Қурбон таржими қилган.

ПАРИЖ. «ОЛИМПИЯ» САҲНАСИДА

Париж!

У бу номни кўпроқ Шарль Азнавур, Эдит Пиаф, Жак Брель сингари машҳур хонандаларнинг қўшиқлари орқали тасаввур қилас ва бу номни эшитиши билан кўз олдида суратларда кўрган Эйфель минораси намоён бўларди. Айни пайтда француз маданияти ва санъатига оид адабиётларни, тарихий китобларни ўқиб яхши билардики, бу шаҳар буюк композиторлар Ф. Лист, Ф. Шопен, жаҳонга машҳур адиллар О. Бальзак, Э. Золя, Г. Флобер, Г. Мопассан, В. Гюго, бетакор мўйқалам усталари Т. Руссо, К. Коро, О. Роден, Г. Курбе, П. Пикассо каби улуғ санъаткорлар ватани. Лекин кунлар келиб Парижга гастролга боришни, уни қўшиқлари билан забт қилишини асло хаёлига келтирмаган эди. Яна қаерда денг? Жаҳонга машҳур Олимпия эстрада театри саҳнасида...

Ботир Зокиров 1966 йили Москва «Мюзик-холл»и билан Парижга қилган ижодий сафарини кундалигида шундай қайд этган.

6 АВГУСТ:

«Салом, Париж!

Бурже аэропорти. Муҳташам кўчалар. «Pasavieг» меҳмонхонаси. Марказда. Учинчи қават. 87-хона. Соат иккidan ўн беш минут ўтганда «Олимпия»да репетиция бўлди. «Олимпия» раҳбарлари мени тинглашди. Саҳнадан тушганимдан сўнг русчалаб: «Молодец!» деб қўлларимни сиқишиди...

Париж — ўзга сайёral»

7 АВГУСТ:

«Парижда илк тонгим. Соат ўн бирга «Олимпия»да яна репетиция бошланди. Шу куни Колизей кинотеатрига бордик. У Елисей майдонида жойлашган. Чиройли.

Оқшом. Пигаль майдони — әртаклардаги бозорга
үхшайды...»

9 АВГУСТ:

«Премьера муваффақиятлы ўтди. Ҳаммамиз хурсанд.
Бараварига: «Ура!» деймиз».

10 АВГУСТ:

«Париждеги биринчи дастхатим».

11 АВГУСТ:

«Севастополь бульварига бордик. Поляк савдогарн
бозорига тушдик. Вой худойим-еї, шунча латта-пут-
та!..

Учинчи концертдан сўнг дам олдик. Дастрлаб «Ёр,
кел», «Маро бебус»ни айтдим. Тўғриси, кун сайин кон-
церкларимизга томошибинлар оқиб келишяпти...»

12 АВГУСТ:

«Луврга саёҳатга боришга кечикиб, қолиб кетдим.
Елғиз ўзим шаҳарнинг у ер-бу ерини айландим.

Редакциялар биз ҳақимизда гуриллатиб ёза бош-
лашди. Мени газеталардан бирин Шарль Азнавур билан
тенглаширибди. Бу даҳшатли даражада ёқимли. Мен
микрофон ёрилиб кетмаслиги учун микрофондан узоқ
турриб куйлармишман».

13 АВГУСТ:

«Эрталаб ва куни билан ҳаво димиқиб кетди. Теле-
визорда Энрико Массиас қўшиқларини эшитдим. Зўр!»

14 АВГУСТ:

«Бугун иккита концерт бўлди».

15 АВГУСТ:

«Раҳбарларимизнинг айби билан гастролимиз қис-
қарди. 28 августда охириги концерт бўлади. Шу куни
мехмонхонада палов қилдик...»

16 АВГУСТ:

«Версалга бордик. Уни албатта кўриш керак экан.
Тўғриси, у ҳақда батафсил ҳикоя қилиш қийин. Фав-
всралар, ҳайкаллар, гулзорлар, буталган дарахтлар...

Оқшом «Казино ди Рафи» «Мюзик-холл»ининг меҳ-

мони бўлдик. Франциядаги машҳур музика колективларидан бири».

18 АВГУСТ:

«Кунни билан дам олдим. Оқшомги концертда «Маро бебус»ни ёмон айтдим, лекин томошибинлар яхши қабул қилишди».

19 АВГУСТ:

«Шаҳар бўйлаб сайд қилдик. Елисей майдони, Завфар арки, Эйфель минораси, Бастилия майдони, Люксембург боғи, Нотр-Дам, Сарбонна... Тунда Черво бозорини кўрдик...»

20 АВГУСТ:

«Охири гулимини харж қилдим.

Оқшомги концерт яхши ўтди. Парижликлар ўта тинч ва осойншалик билан концерт тинглашди.

Импрессионистлар тасвирий санъат музеини кўрдим. Қизиқарлиси кам. Ҳамма яхшилари «гастрол»да экан».

21 АВГУСТ:

«Кундузги концерт яхши бўлди. Мени жуда зўр қабул қилишди. Концертдан сўнг Франция эстрада юлдузи Лина Рено ўз таассуротлари ва ҳаяжонларини сўзлаб берди. Менга «Гранд артист» («Катта артист») деб баҳо берди.

Оқшомги концертда циркчилар бўлмади. Ёмон ўтди. Концертдан сўнг Марина Влади келди. Жуда оддий кийинган, камтарин, хушмуомала. Самимий фикрлар айтди».

22 АВГУСТ:

«Кун ёмон бошланмади. Импресарио Хеллер билан учрашув бўлди. У «Олимпия» саҳнасида якка ўзимни концерт беришга таклиф қилди. Сўнг ўзим ва репертуарим ҳақида кўп сўраб-суриштирди. Мен фақат концертнинг бир бўлимига рози бўлдим.

У мени кўп мақтади. «Сизнинг парвозингиз юксак. Сиз ҳодисасиз. Саҳнада чинакам ҳаёт яратасиз. Сизни

бошқа машхур санъаткорлар билан тенглаштириб бўлмайди. Демак, Сиз саҳнага чиққандা саҳна яшайди. Раҳмат! Раҳмат! Раҳмат!» деди у ҳаяжонланиб.

О, наҳотки яна Парижга келсам! Ахир шунчада санъаткорлар орасидан ёлғиз менинг таклиф қилинишим баҳт эмасми?!

О, мен нақадар баҳтлиман!»

24 АВГУСТ:

«Мепано сюиз» машинасозлик заводида учинчи смена ишчилари билан учрашдик. Концерт бердик. Сўнг сухбат бўлди...

Парижда фақат сайёҳ бўлиб яшаш яхши».

28 АВГУСТ:

«Парижда охирги кун! Охирги концерт. Алвидо, туни Гарибий! Алвидо! Ёки хайр».

Париж сафари унинг ҳаёт ва ижод йўлидаги ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолди. У дилрабо қўшиқларини нозиктабб француздар қалбига муҳрлаганди, унинг халқи пахта ишқи билан яшар, туну кун пахтани ўйлар, бир фарзанди халқ номини ўзга элларда машхур қилиб юрганидан бехабар ҳам эди. Эй, ғофил халқ, эгатлардан бөшингни бир нафас кўтар, қаддингни рост тутиб атрофга боқ. Бир жигарбандинг сенинг номингни тарих саҳифаларига қайд этажтанидан огоҳ бўл. Ва бунингдек соҳиби истеъодларингни қадрига ет! Наҳот умринг далаларда завол топса!. Орадан йигирма йил ўтиб, ўзбекистонлик адиллардан бири Франциядаги сафари чоғидаги бўлган учрашувда: «Ўзбеклардан кимларни биласизлар?» деб сўраганида, «Шоир Алишер Навоийни, хонанда Ботир Зокировни», деб жавоб беришди француздар.

Ўз халқининг номини ўзга қитъаларда, ўзга мамлакат халқлари хөтирасида қолдириш фақат чинакам истеъод соҳибларигагина насиб этади. Ботир Зокиров ана шундай баҳтга муяссар бўлган буюк санъаткор эди.

У гастролда француэларни фақат ўзбек, араб, рус, әрон ҳалқ қўшиқлари билан эмас, балки француэча қўшиқлари билан ҳам лол қолдирди. Жаҳон эстрада юлдузлари Эдит Пиаф, Шарль Азнавур, Жак Брель, Мирей Матье куйлаган «Олимпия» саҳнасига фақат — угина икки марта кўтарилди. Машҳур францууз композитори ва қўшиқчиси Энрико Массиниинг ўзи ёзиб, куй басталаган «Дўст ҳақида қўшиқ», «Ўлкам қизлари» қўшиқларини айни француэзга ўхшаб куйлади. Бири шўх, бири дардли оҳанглар билан йўғрилган бу қўшиқларни тинглаган бир қария концертдан сўнг уни тўхтатиб: «Сиз ҳақингизда фильм олишганми?.. Афсус! Сизни кечиктирмасдан фильмга олиш керак. Чунки сиз ҳам ўзбек, ҳам араб, ҳам францууз бўлиб куйладингиз. Ҳамманни лол қолдирдингиз. Талантнингиз олдида таъзим қиласман. Катта раҳмат!» — деди. Бу машҳур санъаткор Эдит Пиафнинг устози экан.

Орадан узоқ йиллар ўтгач, Жак Брелнинг «Мени ташлаб кетма» қўшигини куйлади. Бу ҳақда у «Труд» газетасида (1976 йил 13 июнь) босилган сұҳбатида шундай дейди: «Нега мени шундай қилдим? Ахир Жак Брелни такрорлаш мумкни эмас, бунга уринини эса бемаънилик. Мени унинг қўшигини бир материал сифатида қабул қилдим, холос. Брель ўз маҳбубаси билан қаҳрли, ҳатто ситамли оҳангларда сўйлашади. Мени Шарқ қўшигини. Бизнинг қўшиқ ва шеърларда аёлларга мурожаат қилиш анъаналари ўзгача. Яъни мени францууз қўшигини ўзгартирган деб тушумаслик керак. Энг муҳими — бу қўшиқ новеллани шахсий драмадек қабул қилиб, бегонанинг кўз ёшлини ва дардлари эмас — ўз дардим каби куйладим. Гарчи бу қўшиқни Франциялик машҳур хонанда ўзи ёзиб, ўзи куйлаган бўлса ҳам, барибир бу — менинг қўшиғим».

Бошқа қатор қўшиқлари каби бу қўшиқ ҳам унга шуҳрат келтириди. «Мени ташлаб кетма» унинг ижро-

сида Москвадаги Эстрада театрида, «Россия» концерт залыда, Лужники ва Сокольникида янграганда одамлар қўшиқни тинглаб йиғлашарди. Франциялик сайдёхлар куп ҳолларда айшан шу қўшиқ учун унинг концертига киришар ва қайта-қайта шу қўшиқни куйлашини илтимос қилишарди.

Ботир Зокиров шомига келган хатлардан бирида шундай дейилади: «Мени ташлаб кетма» қўшиғини Жак Брель ёзган. Лекин Ботир Зокиров куйлаган. Сиз сеҳргарсиз. Сизни тинглагач, кўз ўнгимда ҳақиқий мўъжиза рўй берди» (А. Белова. Кўйбишев шаҳри, 1973 й.).

У бошқа халқлар қўшиқларни куйлашдан олдин ўша халқнинг тарихи, турмуши, маданияти ва санъатига онд ҳар хил адабиётларни ўқиб, ўрганарди. Шунинг учун ҳам кўпгина хорижий тилларда айтган қўшиқларни унга катта шуҳрат олиб келди. Уни ҳиндулар — «ҳинд», руслар — «рус», араблар — «араб», француузлар — «француз» деб аташарди. Ваҳоланки, у ўзбек хонандаси эди.

Бир гал чет эл сафарида кечки концертдан олдин олий ўқув юртларидан бирининг маданият саройида бўлган учрашувда унга шундай савол беришди: «Сиз Ўзбекистондансаниз, шундайми?.. Лекин Ўзбекистонни қолоқ, маданиятдан анча орқада қолган, ҳалиям феодал республика деб эшиштамиз. Бунинг сабаблари нимада?»

У саволни ўқиб узоқ жим бўлиб қолди.

— Ҳозир саволингизга жавоб бермайман! Яхшиси, концертилизга киринглар. Эҳтимол саволларнингга жавоб топарсизлар,— деди ҳеч бир муболағасиз.

Концерт узоқ давом этди. Уни қайта-қайта саҳнага тақлиф қилишди. У ўша оқшом асосан репертуаридаги миллӣ қўшиқлардан куйлади. Қарсаклар, гуллар, давомли олқишлилар...

Концертдан сўнг эшик олдида уни ўрта ёшлардаги эр-хотин қарши олдилар.

— Савол учун узр. Сизни тинглаб Узбекистонни, ўзбекларни қанчалар юксак маданиятга кўтарилигини тасаввур қилдим. Энди юрtingизни албатта ўз кўзим билан бориб кўрамиз. Агар мумкин бўлса, дастхат қолдирсангиз,— деди у бир оз хижолат бўлиб, қўлидаги блокнотининг оппоқ саҳифасини хонандага тутиб.

— Илтимос, уни албатта кечиринг,— деди хотини алоҳида майнин овозда.

«Кечирдим. Бошқа ҳалқининг камчилигини айтишдан олдин, ўз ҳалқининг камчиликларини билиб олиш ҳам маданият белгиси»,— деб дастхатига измо қўйди.

Шундай кезларда қўшиқчи бўлганидан, тақдиридан мингдан-минг бора рози эди. Ҳалқини, юртини дунёга ташитишда озгира хизмати сингаётганидан кўнгли тоғдай кўтарилади. Касаллигини мутлақо унутиб янги қўшиқ яратишга киришарди. Касаллик эса соя каби доим изма-из эргашиб, ҳар қадамда, ҳар дақиқада таъқиб қилиб унга панд бермоқчи бўларди. У эса касалликнинг барча ҳийла-пайрангларига чап берар, қўйлаётганида хасталигини батамом унтарди. У хасталик ва ажалии прода ва қўшиқ билан енгиб яшади.

У кундаликларидаи бирида хасталик умрига, ижодига ҳамиша тўсик бўлиб келганини шундай ифодалайди: «Лаънати хасталик! Қанчалар кеча ва кундузларим елга совурилгацек изсиз кетди. Қилинмаган қечча беҳисоб ишлар қалашиб ётибди. Улгурниш керак!..

Истардимки, граната янглиғ ўчсинлар сўзлар,
Бомбалардек портласинлар юракларининг тубида
парчаларин сачратиб ҳар ён.

Истардимки, нақ авжиди узилган Гарсна Лорка
Қўшигни,
Гитара жўрлигига давом эттирсам.

Чилилик жувонмарг жигарим умрини
яшасам дейман,
Яшасам улинг ёргу тушларини!
Бахтли ва озод Ҳиротда — куйласам,
Афғон хонандаси билан жўрликда
Ҳазрати Навоий ғазалларини!..»

ИҚРОМ АКБАРОВ ҳикояси: Мен Ботир Зокировни 1957—58-йиллардан, яъни саҳнага дастлабки чиққан пайтларидан бошлаб биламан. У 1959 йилда кинорежиссёр Комил Ёрматов суратга олган «Гуллар очилганд» бадний фильмида мен ёзган музикага биринчи марта қўшиқ айтган. Ҳам шу фильмда қаҳрамонлардан бирининг образини яратди. Бу унинг кинодаги илк қадами эди. 1963 йилда кинорежиссёр Равиль Ботиров билан Альберт Хачатуров ёзуви Пиримқул Қодиров сценарийси асосида яратилган «Сепинг изларинг» бадний фильмида шоир Туроб Тўла шеъри билан Ботир ижросида «Газли қўшиғи» янгради. Бу ижодий ҳамкорлигимизнинг бошланиши эди.

Мен 1960—70-йиллар орасида неча марта йиллаб Москвада яшадим. Бу орада Ботир йиллаб Москва қасалхоналарида ётиб даволанди. Шу орада ҳам ижодий ишларимиз, ҳам дўстлигимиз мустаҳкамланиб, қатор қўшиқлар яратдик.

Ботир билан ишлаш ҳам мароқли, ҳам машаққатли эди. У янги қўшиқ устида деҳқон ерга тер тўкиб ишлагандек, катта заҳмат билан ишларди. Танланган шеъришининг сўзлари ёқмаса қайтадан ёзарди. Қераксиз сўзларини олиб ташларди. Баъзи қўшиқларни ўн вариантда ишлаган пайтларимиз бўлган. Масалан, русча «Ошиқ булбул» қўшиғини ўн саккиз вариантдан сўнг куйлаган. Умуман, у ўзига ёқмаган, юрагини жизиллатмаган қўшиқни айтмасди. Агар қўшиқ ёмон чиқса,

«жошим» бўлиб қолибди-ку, Икром ака»,— дерди кулиб.

Иккинчи операцияга тайёргарлик кўриб юрган кезларда ҳам нуқул «ишлайлик», дерди. Баъзан шаинбаякшанба кунлари врачлардан рухсат сўраб уйимизга олиб келардик. «Эй, сорбон» қўшиғи шу даврда яратилди. Узоқ ишладик. У сўз музика оҳангларига тушмагуна қайтараверарди.

Ботирнинг қўшиқларини асосан Бутуниттифоқ радиосининг эстрада оркестри ёзиб оларди. Оркестр дирижёри, СССР халқ артисти Юрий Силантьев уни беҳад севарди. Истаган пайтда Ботир учун оркестрни тайёрлаб берарди. Баъзан касалхонадан чиқолмай ё тоби қочиб оркестрга келолмай қолган кезларида сира хафа бўлмасди. Шунингдек, Бутуниттифоқ «Мелодия» грампластинка фирмаси эшиклари доимо унинг учун очиқ эди. Музика бўлими редактори Анна Качалина ёзууга уни доимо навбатсиз қўярди. «Янги қўшиқни ҳеч қачон кечиктирмасдан олиб келинглар. Ботир Каримовичнинг дилбар овозига ҳамиша муштоқмиз»,— дерди у. «Эй, сорбон» қўшиғини ёзаётганимизда фирманинг овоз режиссёри Володя Бабушкин бошини чангллаб йиғлаган ва чидолмай хонадан чиқиб кетган. Ботирни Москвада ҳаддан ташқари севишар, орзиқиб кутишар, ҳурмат қилишар ва унга катта санъаткор деб қарашарди. Афуски, унга ўзимизда бундай муносабат кам бўлган. Бўлганлари ҳам ё жанжал, ё узоқ кутишлардан сўнг амалга ошган. Тўғриси, уни ўзимизда тушундиганлар, қалбига, дардига қулоқ соладиганлар йўқ ҳисоби эди. Баъзи санъатимиз «ҳоммийлари» рўйхатлардан унинг номини ўчирад, майдafeъллик қилиб турли томонлардан тазийклар ўтказишар, хуллас, уни ялишиб-ёлворишга, бўйин эгишга мажбур қилишарди. У ҳеч қачон, ҳеч маҳал санъатни тушунмаган маънан саёз кимсалар олдида эгилмади. У ҳавас қиласиган даражада ҳар жиҳатдан мард эди...

«Эй, сорбон» қүшигии ёзиб улгуrolмадик. Операциядан кейинга қолдя. У операция хонасига ҳастини эмас, ёзилмай қолған қүшигини үйлаб кириб кетди. Уци йиғлаб кузатиб қолғанлар эса қайтиб чиқишини үйламаганди. Чунки биз врачлар билан гаплашганимизда «умид йўқ», дейиши. Уйга — ота-онасига, оиласига телефон қилишга Ботир ҳеч рози бўлмади. Вужудларимиз қон бўлиб операциядан нажот кутганмиз. Уша куни бутун касалхона — ҳамширалардан тортиб касалларгача мотамсаро бир ҳолатда, тик оёқда туриб уни қай ҳолатда олиб чиқишиларни кўрниш учун операция хопаси атрофидан нари кетишмади...

У бахтимизга тирик қолди! Эртасига касалхонага бориб, у ётган палата деразасидан қарадик. Катта миқдорда берилган наркоз таъсирида у беҳуш ётарди. Унинг нафас олаётганини кўриб йиғлаб юбордим... Кейинчалик бошқа палатага ўтказишиб, ёнига киришга рухсат берилди.

— Соғлиқ қалай? — деб сўрадик.

— Зўр! — деб жавоб берди гўё ҳеч нарса бўлмагандай. Кутимаганда латифа айтиб ҳаммамизни кулдирди. Бешинчи куни тўп камерасига нафас тўлдириб ўнкасини машқ қилдира бошлади. Бир оз оёққа тургач, бир кунни мўлжаллаб қўшиқни ёзадиган бўлдик. Оркестр тайёр, уни кутиб турибди. Мен машинада касалхонага бордим. Борсам яна мазаси қочибди. Иссиғи қирқ. Қон кетган. Ранги оқариб, катта-катта кўзлари ости осилиб қолғанга ўхшайди. Мени аста имлади.

— Энди нима бўлади? — деб хаста овозда секиниги на сўради.

— Ҳеч нарса бўлмайди. Мутлақо үйламагин. Уларга тушунтираман. Қўшиқ албатта ёзиб олинади, — дедим тасалли бериб.

Врачлар кўп ўтиришимга рухсат этмади.

Радиога бориб, бўлған воқеани айтдим. Улар Бо-

тирнинг аҳволини тушуниши. Орадан бирон ҳафта ўтгач, уни касалхонадан «ўғирлаб», охири радиога олиб бориб қўшиқни ёзиб олдик.

Кўп қўшиқлар ана шундай қийинчилликлар, машақ-қатлар эвазига тингловчиларга етиб борарди.

...У оҳиста чайқалаётган карвон қўнғироғи садола-рига монанд оҳиста куйларди. Гўё саҳнадами, залда-ми бир-бир босиб карвон кетаётир. Карвонда унинг юлдузи, кечалари ой бўлиб, кундузлари қуёш бўлиб излаган юлдузи, юзларини бекитиб юм-юм йиғлайди, елкалари титрайди. У эса сорбонга юзланиб, юракларни парчалаб нола қиласди:

Эй сорбон, оҳиста юр, ороми жоним борадур,
Тандии дилу жоним олиб, ул дилситоним борадур.

Қолурмумен олис бўлиб, бечораю маъюс бўлиб,
Қалбим фироқ тифи тилиб, то устихоним борадур...

Юлдузнинг эса қайрилиб қарашга, бошини кўтариб бир қиё боқишга мадори йўқ, фақат чайқалиб бораётган елкалари дир дир титрайди. Қўшиқ эса саҳрога айлангаш нужудни қайтадан ёндиради:

Эй сорбон, оҳиста юр, ороми жоним борадур...

Бу қўшиқни Шарқнинг кўлгина таниқли хонандлари куйлаганлар. Лекин Ботир Зокиров уларнинг бирортасига тақлид қилмади, эргашмади.

У тақлид қилишни, тақлидчи қўшиқчини жинидан ёмон кўрарди. Бирордан сира олмасди. Ҳамма-ҳаммаси ўзинники, табний бўлишига интиларди.

Унинг ҳеч қачон концертмейстери бўлмаган. Мен билган санъаткорлардан бу жиҳатдан ягонаси у.

Маълумкип, Ботир кўп қиррали ижод соҳиби эди. Фақат у музика ёзмади. Аслида, ёзса бўларди, қудрати етарди. Баъзи номдор композиторлардан яхши ёзарди. У музикани, куйни муқаддас деб билгани учун ҳам бунга қўл урмади. У мусиқани, қўшиқни илоҳий деб билар ва бунга хиёнат қилганларни кечирмасди.

— Суваракка ўхшаб ўртамиёна, саёз композиторлар ва уларнинг «қўшиқ»ларини айтадиган чала хонандалар кўпайиб кетяпти. Улар ҳалқнинг дидини бузадилар. Миллий мусиқа санъатимиизни ҳалокатга бошлайдилар,— дерди куюниб.

1970 йили Ботирни учинчи марта операция қилдилар. Бу гал ҳам уни профессор Лев Богуш операция қилди. Операцияга бу гал ҳам уни узоқ вақт тайёрлашди. Ҳар кунни ўпканинг операция қилинган ўрни — кичик «ойна» орқали тампон қўйишарди. Бу чинакам азоб эди. У қўлларини деворга тираб, тишларини тишларига босиб — ҳаммасига чидарди. Қутилмагандага ўша «ойна» кичрайиб қолди. Шундай бўлса ҳам уни йиртиб, очиб тампонни босишарди. Бундай азоб-уқубатни кўриб юраги чидамаган ҳамширалардан бири ҳушидан кетган. Уф, қўйинг, буни таърифлаш ўёқда турсин, эслашнинг ўзи азоб. Азоб эмас, даҳшат!

Операция қилинавериб у саккизта қовургадан айрияган эди. Оммавий транспортда юролмасди. Доим таксида юрарди.

Унга янги ва энг кучли дориларни бериб, синаб кўришарди. Шунинг учун ҳам Ботир Зокировда қўлланилган мураккаб операция Катта медицина энциклопедиясидан ўрин олган.

Операциядан сўнг Қрим санаторияларида дам олиб қайтгач, менга телефон қилди.

— Спитамеп ҳақида опера ёзмоқчиман. Либретто учун баъзи қораламалар тайёр. Шунга нима дейсиз?— деб сўради.

— Жуда яхши. Фақат муваффақият тилайман,— дедим қувөниб.

Орадан ҳеч вақт ўтмай у операнинг биринчи қисмини ёзиб, олиб келди. Менга маъқул бўлди. Кейин қолган қисмларини ҳам ёзиб, 1972 йилнинг май ойида тутатди. Уни Александр Гинзбург билан бирга учаламиз ўқидик. Сўнгра Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат Академик Катта театррида ўқилди. Театрдагилар «ўзбек тилида бўлсин», дейишди. Операни таниқли адаб Асқад Мухтор таржима қилди. Ботирнинг бу ёзувчига ҳар жиҳатдан ҳурмати баланд эди. Таржима жуда яхши чиқди. Кейин театрдагилар, «Операни икки тилда қўямиз»,— деб қолишиди.

Узоқ тортишувлар, баҳс-мунозараалар, кераксиз машмашалардан сўнг 1977 йил 10 июль куни «Сўғд элининг қоплони» операсининг премьераси бўлди. Операни Ленинград Давлат опера театри бош режиссёри, СССР ҳалқ артисти Роман Эринархович Тихомиров саҳналаштириди. Лекин постановка биз ўйлаганчалик яхши чиқмади. Музикага ҳар жиҳатдан қўйма бўлиб тушадиган актёрлар йўқ эди. Бунга театр маъмурияти ҳам эътибор бермади. Шошилиб саҳналаштирилгани учун камчиликларга йўл қўйилди. Бир оз ўйналгач, репертуардан олиб ташланди. Ниҳоят, 1984 йил ноябрда опера яна тикланди.

Биз операни яна бир бор қайта кўриб, янги картиналар қўшмоқчи эдик. Ботир Спитамен образини чуқурроқ очиш учун ўн бем саҳифадан иборат «Стан» деб номланган боб ёзмоқчи эди. Насиб этмади. У яна касал бўлиб қолди.

Ботир Зокиров билан сўнгти ижодий ишимиз шу опера бўлди.

60-йилларнинг ярмидан кейин умуман қўшиқ ёзмадим. Чунки Ботирга ўхшаб айтадиган, Ботирдай юракдан ёниб куйладиган хонанда йўқ эди. Униш касаллиги жуда кўп ижодий ишларимизга панд берди.

Ботир, охирғи марта касалхонада ётганида, мендан бир қўшиқ ёзиб беришни илтимос қилди. Хурсанд бўлиб, куйни иккни вариантда ёзиб қўйдим. Агар Ботир тузалиб чиқса, куй унга маъқул бўлса, бирга шеър ташламоқчи эдик. Афсус...

Уни сўнгги марта кўргани касалхонага 1985 йил 20 январь куни бордим. Олтинчи операциядан кейин аҳволи оғир, ранги синиқсан, кўзлари ҳорғин ётарди. Бу гал ҳам уни саккиз соат операция қилишибди. Ориқ, кичрайиб қолган қўллари боғланган. Бўртиб чиққан томирларини кўриб этим увишиб кетди. Азбаройи укол қилинаверганидан томирларининг тешиммаган жойи қолмаган эди. Куриб қолган лабларини аста қимирлатиб гапира бошлади:

— Менга магнитофон олиб келишди. Ундан Луиза-чинг қизи Наргизанинг қўшиқларини эшидим. Яхши. Худо хоҳласа, тузалсам, у билан ўзим шуғулланаман.

Бу — унинг мен эшилган сўнгги сўзлари эди. Чунки шундай иродали, ҳаётга ташна одамнинг севгани оламдан кўз юмишига асло ишонмасдим. Ишонмаганим учун ҳам унинг тобути устида гапиролмадим. Мен учун у ҳамиша барҳаёт...

ЮРАҚ БЎРОНЛАРИ

(Сўнгги сұхбат)

— Ботир ака, мана бу мактубларининг кўйчилиги санъат мухлисларидан. Улар санъатимизнинг, айниқса, эстрада қўшиқчилигимизнинг истиқболи ва муаммолари тўғрисида куюниб ёзишган. Улар ўз мактубларида, бугунги кунда эстрада қўшиқларининг оммавийлашиб бораётганлигини тан олган ҳолда, баъзи ёшларимизнинг классик қўшиқларимизни назар-писанд қилмаётганликларидан ташвишланиб ёзалилар. Эстраданинг

оммавийлашиб бораётгалиги ҳақида Сиз қандай фикрдасиз?

— Қаранг, қандай жонли хатлар. Томошабин, тингловчи талаби жиддий. Уларни алдаб бўлмайди, ёлғон айтсанг сезишади. Шундай бўлса-да, мен бунинг биринчи сабабчиси ёшларнинг ўзи деб биламан. Уларнинг кўпчилиги маданий меросни, узоқ тарихга эга бўлган мусиқа санъатимиз илдизини яхши билишмайди. Баъзи бир тонфа ёшларимиз нуқул бақириқ-чақнириқдан иборат енгил-елпи куй-қўшиқларнинг гадоси. Шовқин ва бемаъни ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган бундай қўшиқ ёки кайдан лаззат олиб бўлмайди. Уларнинг умри ўткинчи. Ўткинчи бўлиши билан бирга ёшлар тарбиясига, уларнинг маънавий дунёсининг шаклланишига, миллӣ маданиятиш чуқуроқ англашига салбий таъсир ўтказади.

Энди эстраданинг оммавийлашиб кетаётганилиги ма-саласига келсак, бу тӯғри. Лекин эстрадада ҳам эстрада бор. Бу ҳали биз учун маълум маънода янги санъат. Шунинг учун ҳам у, аввало ҳалқимизга манзур бўлиши ва сингиб кетниши керак. Гапнинг сирасини айтганда, у кўпроқ ёшларимиз орасида оммавийлашиб боряпти. Масалан, «Ялла» ансамблининг кейниги йиллардаги бир-икки қўшиқларни ҳалқимиз орасида шуҳрат топди. Бунинг сабаби ўша қўшиқларнинг музикаси ва айтилиш йўли миллӣ оҳангларимизга, услубларимизга яқин. Ҳар қандай санъат асари ўз миллӣ, тарихий заминин билан мустаҳкам чатишиб кетмас экан, у санъат профессионал бўла олмайди. Шу жиҳатдан «Ялла»нинг изланишларини қўллаб-қувватласа арзинди.

Иккинчидан, эстрада пималигини билмайдиган «ўртамиёна хонанда»лар кўпайиб кетяпти. Ҳатто улар тўрт-бешта бўлиб «ансамблъ» тузиб олишяпти. Бу аҳволда ҳақиқий эстрада санъати қандай ривожланади? Бундан ташқари мазкур жанр тақдирни билан жиддий

ШУГУЛЛАПАДНГАН бирор ижодий ташкилот йўқ. Борлари ҳам қизиқмайди. Тўғрироғи, ўша идораларда ўтирганлар эстрадани яхши тушумайдилар. Э, айтаверсак сабаблари кўп.

Фикримиз янада тушунарлироқ бўлсин учун операдан бир мисол келтирай. Маълумки, Европада бу санъат ниҳоятда оммавийлашиб кетган. Бизнинг ўзбек санъатимизга ҳам бу жанр кириб келди. Дастрраб, томошабинилар уни яхши қабул қилмади. Чунки у ҳали янги санъат эди. Бундай санъатни халқ бирдан қабул қилиши қийин. Хўш, операни халқимиз орасига олиб кириш учун нима қилиш керак эди? Бу саволга Сулаймон Юдаковнинг «Майсарапанинг иши» операси жавоб бўлади, деб ўйлайман. Шу асар саҳнага чиқиши билан халқ театрга гурра-гурра кира бошлади. Чунки бу опера миллий оҳанглар ва топилмалар билан бойитилиб, халқимизнинг руҳига мос бўлиб тушди. Агар ҳозир ҳам шундай халқчил, миллий оҳангларга йўғрилган опера асарлари яратилса, аминманки, театр залларидан ўрин топиш амримаҳол бўлиб қолади. Ва шундай қилсанкина бу санъат халқимиз орасида яна ҳам оммавийлашиб кетади. Ёки музиканинг симфония жанрини олайлик. Бу санъат тури ҳам бизга Фарбдан кириб келган. Ҳали уни халқимиз орасида жуда оммавийлашиб кетди, деб айтольмаймиз. Бунга асосимиз йўқ. Чунки бизнинг кўпчилик композиторларимиз ўтириб ижод қилади. Ўтириб деганим — музика мактабию консерваториядан олган таълими билан. Ахир, бу билимлар билан симфония яратиб бўлмайди. Россияда, Европа мамлакатларида симфониянинг улуғ намуналари бор. Бу жанрни ҳам халқимиз орасида оммавийлашадига йўлларини топишимиз лозим. Назаримда, симфонияда халқ «ҳазем» қиладиган ўзига хос оҳанглар етишмаяпти...

Хуроса қилиб айтганда, эстрадамизнинг халқимизга сипгиб бораётганлиги яхши. Бундан кейин ҳам бу

Жараён чуқурлашиб, ривожланиб ва оммавийлашиб боради. Аммо ҳали эстрадада кўп изланишлар олиб борилиши керак.

— Агар янглишмасам, сиз бир пайтлар «Мюзик-холл» группасини тузиб, бадиий раҳбар бўлиб анча шуҳрат қозонган эдингиз. Сўнг группа тарқаб кетди. Бунинг маълум сабаблари бўлса керак, албатта?

— Мен 1957 йилда биринчи Ўзбек Давлат эстрада оркестрини тувишда қатнашганман. Бу оркестр Ўзбекистонда эстрада санъатининг ривожланишига катта асос солди. Гарчи «Мюзик-холл» сал кейинроқ, 1972 йилда тузилган бўлса-да, бироқ бунга ҳам ўша эстрада оркестри туртки бўлди. Бу Урта Осиёдаги биринчи ва Иттифоқимиздаги учиичи «Мюзик-холл» эди. «Мюзик-холл» — бу эстраданинг энг юксак чўққиси ҳисобланади. У эстрада ансамбли, яккахон қўшиқчи ва раққосалар ансамбли, драматик актёр, цирк артистлари сингари бир қанча жаирларни ўзида мужассамлаштиради.

«Мюзик-холл»нинг «Синдбод» денигизчинининг саёҳатлари помли доимий программаси сценарийсини таникли режиссёр Марк Захаров ва актёр Александр Ширвиндт билан ҳамкорликда ёзганмиз. Программа «Шарқ бозори. Шарқ эртаги» ва «Тошкент тўйи» деб номланган икки катта бўлимдан иборат эди. Томошибинлар яхши қабул қилди. Дастлабки муваффақиятларимиз ёмон бўлмади. Айниқса Москвадаги «Россия» ва Ленинграддаги «Октябрь» Катта концерт залида ойлаб концертлар берганмиз. Ҳатто билетлар уч ой олдин сотилган пайтлар бўлган. Лекин республикамизда группага моддий-маънавий ёрдам кўрсатилимади. Тўғриси, «Мюзик-холл» юқоридаги айrim раҳбарларга ёқмади. Масалан, машгулот ўтказиш учун жой берилмади. Кейин, минг афсуски, турли сабаблар, нотўғри кўрсатмалар билан группа тарқатиб юборилди. Жуда кўп меҳнатларимиз зое кетди...

— Уни қайта түклаш мумкинми?

— Албатта, мумкин. Эстрада оммавийлашиб, халқимиз орасидан ўз ўрнини топиб бораётган бир пайтда бизга «Мюзик-холл» жуда керак. Баъзилар эстрадани сингил санъат дейишади. У қанчалик енгил санъат бўлса, шунчалик мураккаб!

Айни пайтда республикамизning турли жойларида қанча артистлар, масҳарабозлар, дорбозлар ва кулги усталари бор. Улар бир четда ўзлари билан ўзлари овора бўлиб ётибди. Агар шулар бирлаштирилиб, яхшигина бир «Мюзик-холл» тузилса ёмон бўлмайди. Ҳақиқий миллий санъат аввало ўз юртида кўкаради, ўсади, сўнг у интернационал санъатга айланади.

— Ботир ака, сўнгги йилларда телевизорда кам кўринадиган бўлиб қолдингиз. Нега?

— Телевизорнинг кўп яхши хусусиятлари бор. Айниқса, у ёш санъаткорни элга тез танилади. Лекин нуқул телезран атрофида ўралашиб қолиш хавфли. Ёшлигимда менда ҳам шундай қусурлар бўлган. Томошабинга айтадиган дурустроқ нарсамиз бўлмаса ҳам телевизорга чиқишга қизиқиб айтаверганимиз. Бундай чиқишларининг умри қисқа эканлигини ўша вақтларда тушунмаганимиз...

Ҳозир телевизорга чиқишдан олдин узоқ мулоҳаза қиласман. Чунки бугунги томошабин талаби бошқача. Уни енгил-елпи қўшиқлар билан алдаб бўлмайди.

Телевизор санъаткор билан томошабин ўртасидаги мулоқот воситаси. Шунинг учун ҳам телетомошабинни зериктириб қўйишдан қўрқаман. У экранга шунчаки лоқайд қарашини истамайман.

Умуман, санъаткор телевизордами, саҳнадами, қаерда бўлмасин, юрагидаги бўронларни (агар у юракда бўлса), томошабин қалбига кўчириши керак.

— Сиз «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган қатор бадиий фильмларда роллар ҳам ижро этгансиз. Кино ижодингизда қандай роль ўйнайди?

— Тұғрсиппін айтсам, киңе мениңг ижодимда унча катта ақамиятга әга әмас. Агар мен у билан жиддий шуғулланғанимда бошқа гап әди. Үмуман, кинодаги иштироким тасодиғий ҳол.

— Ботир ақа, баъзи ўзбек эстрада қўшиқчилари халқ қўшиқларини бузиб қўйлашади. Айниқса, бу ачинарли ҳол ёш хонандалар ижросида кўпроқ сезилади. Уларнинг ҳатто сўзларни тўғри айта билмаслиги кинининг ғашига тегади. Ёки эстрадала шундай қилиш мумкини?

— Йўқ, сира мумкин әмас. Менимча, санъаткор айтиётган қўшиғининг сўзларини тушуниб, тўғри талаф-фуз қилмагунча айтмаслиги керак. Бизда кўпчилик ижрочилар қўшиқ айтиётганда текстдаги фикр ё сўзга әмас, музикага кўпроқ эътиборни қаратадилар. Баъзида эса майда-чуйда жиҳатларига аҳамият беради-ю, сўзини эсидан чиқариб қўйишади. Оқибатда у инманн айтиётганини ўзи билмайди. Бу хонанда учун, қўшиқ учун — оғат!

Бизда сўздан кўра, куйга эътибор кучли бўлгани учун ҳам кўпгина эстрада қўшиқларимиз халқ қалбидан жой ола билмайти.

Телевизорга чиқаётган ва саҳнада қўшиқ айтиётган баъзи санъаткорлар ҳақида бу фикрни айтиш мумкин. Шундоқ экранга ё саҳнага чиқади-ю, қаққайиб туриб «қўшиқ» айтаверади. Юзида ё туришида ҳеч қандай ифола сезмайсиз. Томошабинни ҳаяжонга солиш мумкин бўлган сўзларни, сатрларни шунчалик ҳиссиз, лоқайд айтишадики (юқорида айтиган ҳолатда туриб), томошабиннинг энсаси қотади. Оқибатла қўшиқ унга юқмайди. Классик ё мақом қўшиқлари бўлганда бошқа гап. Бу қўшиқлар санъаткордан вазминликни, босиқликни (бу ҳам меъёридан ошмаслиги керак) талаб қиласди.

Назаримда ҳар бир қўшиғининг тақрорланмас ўз рағги, ўз хушбўй ҳилли бўлади. Ана шун бўёқларни, ис-

ларни тиңгловчи қалыпта етказиш керак. Үшандагина санъаткор ўз вазифасини бажаради. Тўрт қатор шеърни пала-партиш ёдлаб, уни бирор ўткинчи музикага амаллаб мослаштирган кишини санъаткор деб бўлмайди.

Мен французча, арабча, афғонча ва ҳиндча қўшиқлар айтганимда, аввало, ўша қўшиқларнинг мазмунини, сўзларини тўла тушунишга ҳаракат қиласман. Таржимон топиб, таржима қилдириб кейин машқ қила бошлайман. Чунки айтилаётган қўшиқнинг мазмунини тушунмасдан томошабинга рўбарў бўлсангиз, кулгили аҳволга тушиб қоласиз. Буидан худо асрасин!

Менимча, ҳиссиз, дардсиз айтилган қўшиқдан томошабин ҳеч нарса олмайди.

— Ботир ака, ижоднинг кўп турлари билан қизиқасиз. Мухлисларингиз Сизни рассом сифатида ҳам танишади. Тасвирий санъат биллаш шуғулланиш ижрочилик фаолиятингизга таъсир қилмайдими?

— Мен ёшлигимдан тасвирий санъат билан шуғулланаман. Анча-мунча картиналар чизиб қўйдим. Рассомлик менинг ижрочилик фаолиятимга ижобий таъсир кўрсатади. Қўшиқларимда ўз ифодасини тополмаган фикрларимни, туйғуларимни бўёқларда акс эттиришга уринаман. (У киши қўшни хонага чиқиб, ўз картиналаридан бир нечтасини олиб келди.) Булар турли йилларда ишланган «Оқшом», «Автопортрет», «Бухоро манзараси», «Саратон» сингари картиналарим. Ҳозир «Анор пишганда» деб номланган триптих устида ишлапман. Ҳар бир картинанинг чизилиш тарихи бор. Масалан, «Саратон» картинасини бир кўйга қаттиқ берилганда чизганман. Кўпчилик «Манзаралар» бетоблигимда қоғозга тушган.

Мен тасвирий санъатга қизиқишим туфайли баъзи нарсаларни айтишни истардим. Бир неча йилдирки, Ҳамид Сулаймонов номидаги Узбекистон Фанлар академияси Қўлләзмалар институти төмонидан «Шарқ

классиклари меросидан» деб номланган китоблар нашр этилмоқда. Бу жуда хайрли иш. Лекин китобларда эълон қилинаётган расмлар Шарқ миниатюрасига сира ўхшамайди. Китоб мазмунига тўғри келмайди. Порнография, холос. Ахир, эгнингда бироннинг бесўнақай кийими бўлса, қанчалар кулгили аҳволга тушасан киши. Масалан, Умар Хайёмининг соқолини олиб, унга костюм кийдириб, бўйнига галстук тақиб бўлмайди-ку? Бу ўтмиш меросимизга катта ҳурматсизлик белгиси. Миниатюра — нозик туйғулар санъати. Уни тасвирий санъатнинг олий чўққиси деб атагим келади. Шундай экан, буни жiddий ўйлаб кўриш керак.

— Юморга қандай қарайсиз?

— Юморни жуда яхши кўраман. Улфатлар билан йигилгандан, дўстлар даврасида аскяя айтишини ёқтираман. Менимча, самимий юморни, кулгини тушунган одамнинг дили пок бўлади.

— Ботир ака, сизнинг проза билан ҳам шуғулланишинги китобхонларга маълум. Дастрабки ҳикояларинги эълон қилингандан буён орадан анча вақт ўтди. Агар сир бўлмаса, айтишгчи, ҳозир ҳам ҳикоялар ёзяпсизми?

— Тўғри, прозада унча-мунча машқлар қилдим. «Она», «Мўйсафид», «Паҳлавон», «Етакчи», «Табассум» деб номланган ҳикояларим «Шарқ юлдузи» журналининг 1965 йил 2-сонила эълон қилингаш. Айримлари «Гулистан» журналида чоп этилди. Машқларим ўқувчига маъқул тушдими-йўқми, бу менга қоронги. Лекин энди прозага бошқача ёшдашиб, бошқача ёзиш керак. Мен баъзи ёш прозанк дўстларимнинг ҳикоячиликда қўллаётган экспериментларини кўриб шунга амин бўлдим. Аммо эксперимент доим ҳам оммавийлашиб кетмаслигини унутмаслигимиз лозим. Жимжимадор сўзлар билан проза яратиб бўлмайди.

Маълумки, «Сўғд элиниң қоплони» (Композитор Икром Акбаров билан ҳамкорликда) операсининг либр

реттосини ёзғанман. Асар ҳақида қисқа қилиб шуни айтиш мүмкінкі, унда одамзотнинг тақдирини одамзот ҳал қиласы, деган бир ғоя ётади...

Хозир эса ўзимни драматургияда ҳам синааб күриш учун баъзи изланишлар олиб боряпман. Агар юракда чипакам иштиёқ бўлса, қилаётган ишинингга ишонсанг, санъатининг барча турларида (истеъодод ва имконият ҳисобига, албатта) ўз кучингни, билимнингни синааб кўрсанг бўлади. Бунинг учун билимдон, ҳақиқатгўй, эътиқодли, энг муҳимни — имонли бўлиш керак. Ҳақиқий санъаткорлик истеъодод ва меҳнатни виждан билан уйғуллаштирган кишигагина насиб қиласы...

— Ботир ака, яна шу ўринда эстрадага қайтсак.

— Марҳамат.

— Маълумки, сўнгги йилларда республикамизнинг бир қатор облости ва шаҳарларида эстрада ансамблари тузилмоқда. Уларнинг баъзилари халқ тилига тушмоқда. Лекин негадир бу ансамблларда кескин ўсиш бўлмаяпти. Сизнингча, бунинг сабаблари нимада?

— Менимча, «Ялла»дан бошқа эстрада ансамбллари ҳали изланишда. Ҳатто қўшиқ мухлисларининг эътиборини анчагина қозонган «Садо» ва «Наво» ансамбллари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Лекин бу коллективларнинг изланишларида ютуқлар бор. Ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлаш лозим. Қайсики, янги тузишлар ансамблда изланиш, ўрганиш пухта бўлмаса ўсиш ҳам бўлмайди. Бошқа соҳаларда бўлганин каби эстрада санъати ҳам тинимсиз тер тўкишини талааб қиласы.

— Кўпчилик эстрада мухлислари истеъододли хонанда Наталья Нурумхамедова ижоди билан қизиқадилар. Бу хонанданинг ижрочилик фаолияти ҳақида фикрингизни билишни истардик.

— Ҳақиқатан ҳам, у истеъододли хонанда. Унинг ижоди менга яқин. У бир вақтлар «Мюзик-холл»да қатнашган. Унинг услуби кўпроқ жаз жанрига яқин бўлиб,

ўз овози билан музика товушларини уйғулаштириб билади. Лекин унинг репертуарида халқ қўшиқлари кам. Репертуарни шу жиҳатдан бойитиш устида Наталья ҳам ишлаши, ҳам изланиши керак назаримда.

Менга яна классик қўшиқларни маҳорат билан ижро этаётган Муножот Йўлчиева ҳам ёқади. Унинг ҳар бир чиқишида янгилик бор. Бўлар-бўлмас қўшиқларни айтмайди. Энг муҳими — унинг овозида тингловчи қалбини сел қиласидиган дард бор. Катта санъаткор бўлади...

— Инсон хилма-хил туйғулар ва кечинмалар оғушида яшайди. Ана шундай инсонга хос бўлган туйғулардан бири — ҳасад туйғусига сиз қандай қарайсиз?

— Ҳар доим ҳар бир санъаткорнинг ёмон ишидан хулоса чиқараман, яхши ишидан қувонаман. Иложи борича ҳасаддан узоқ юраман. Ҳасадчи одам юзиңга қоракуя суртиб олгаига ўхшайди.

— Қайси рақамни яхши кўрасиз ва нима учун?

— Ўн тўрт ва етти рақамларини. Ўн тўртда кўп марта ишларим ўнгидан келган. Ҳаётимдаги яхши воқеалар ҳам ўн тўрт рақами билан боғлиқ. Еттини нега яхши кўришимни айтмолмайман. Лекин ҳар гал саҳнага чиқишидан олдин еттигача санайман. «Етти — кетди», дейману саҳнага чиқиб кетаман.

— Қайси ҳикматли иборани яхши кўрасиз?

— Ҳикматли сўзларни, мақолларни халқ тафаккуришинг юксак меваси деб биламан. Менгя айниқса кўнгли очиқ, саҳий одамлар тўғрисидаги ҳикматли иборалар, мақоллар ёқади. Ҳаётда ҳам шундай хислатларга эга бўлган одамларни қадрлайман.

— Ботир ака, кўпроқ қайси санъаткор, рассом, адаб ва шоирларни ёқтирасиз?

— Қийин савол. Лекин жавоб беришга ҳаракат қиласман. Санъаткорлардан отам ва устозим Карим Зокиров, Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурхонов, Ҳалима Носирова, Мутаваккил Бурхонов, Шарль Азнувур, Эдит

Пиаф, Михаил Ульянов, Умму Кулсум, Рашид Беҳбудов... Рассомлардан Беҳзод, Рембрандт, Леонардо да Винчи, Үрол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров... Ёзувчилардан Толстой, Чехов, Достоевский, Тагор, Абдулла Қодирний, Ойбек, Чингиз Айтматов, Абдулла Қаҳҳор... шеър — жони таним. Шарқ классик шеърияти намояндаларини, Пушкин, Зулфия, Миртемир, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский, Марина Цветаева ва Абдулла Орипов шеърларини яхши кўраман. Яқинда унинг газетада босилган «Оломонга» деган шеърини бир-икки ўқишида ёдлаб олдим. Жуда зўр! Эшитинг:

Машраб осилганда қаёқда эдинг?
Лорка отилганда қаёқда эдинг?
Суриштирганимдинг Қодирийни ё
Қалқон бўлганимдинг келганда бало?

Ҳукмлар ўқилур сенинг номингдан.
Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.
Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?
Нечун томошага бунчалар ўчсан?
Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,
Қачон халқ бўласан, сен эй, оломон?!

Ҳақиқатан яхши ёзилган. Шеър шунаقا бўлса-да. Үқиганда юрагингга ёпишиб қолса, кейин ўша оломонни ўйғотса...

— Қандай янги қўшиқлар устида ишляяпсиз?
— Тугамаган иш ҳақида олдиндан бир нарса дейиш қўйин. Ҳозир катта программа устида ишляяпман. Бу программадаги қўшиқлар бир неча туркумдан иборат. Бу программадан, асосан, Шарқ халқларининг қўшиқлари ўрин олади.

Ҳозирча программани «Шарқ монологи» деб номладим.

КИПРИҚДАГИ ЕШ

Юрагим қонидан юз хона вайрон,
Уввос тортиумдан қўрқинч юз чандов.
Ҳар бир киприкимда қон дунёси бор,
Киприклар юмилса бошланур тўфон.

Умар Хайдем

Ўнг томондан бехосдан санчилган оғриқ гоҳ биқинига, гоҳ ошқозонига ўтиб, унинг танини кундан-кунга зирқирата бошлади. Қанча-қанча катта-кичик операциялар ва йиллаб чўзилган касаллик азобларини бошидан кечиргани учун ҳам у бундай оғриққа парво қилмади. Ҳар галгидай ўтиб кетар, деб ўйлади. Лекин қурғур дард унга елимдай ёпишиб олди.

Оғриқнинг кун сайин зўрайиб, мураккаблашиб бораётгани юрагига ваҳима солди. Ҳали олдинда унинг амалга ошмаган озмунча режалари, ишлари, дилига туғиб қўйган орзулари бор-ку? Биринчи галда янги қўшиқлар куйлаши, янги картиналар чизиши керак. Бунинг устига «Ўзбекфильм» киностудиясидан янги фильмга — асосий роллардан бирига суратга тушишта таклиф қилишган. Яқин-орада композитор Икром Акбаров билан «Сўғд элининг қоплони» операсининг янги варианти устида иш бошлашни режалаштирган. «Ялла» ансамбли билан гастроллар... гастроллар олдиндан репертуарни янги қўшиқлар билан мустаҳкамлаш. Ўзини драматургияда ҳам синаб кўрмоқчи...

Келгуси йили у эллик ёшга тўлади. Уша кунларга омон-эсон стиб борса, юбилей сценариисини баҳоли қудрат ўзи ёзишини ният қилиб қўйибди. Салкам ўттиз йиллик ижодий фаолияти давомида куйлаган қўшиқларидан саралаб, «Шарқ монологи» деб номланган программа тузмоқчи. Унда асосан Шарқ халқарининг қўшиқлари ўрини олади. Юбилей концерти бериладиган залнинг фойесида картиналари кўргазмасини ташкил

қилмоқчи. Агар соғлиги қўйиб берса, ҳали унинг ҳаётда ушалмаган орзу-умидлари, халқи олдида узолмаган қарзлари кўп — ҳамма-ҳаммасига улгuriши керак.

У оғриқ бир оз босилган дақиқаларда, аста ўриндан туриб, баланд кўзгу қаршишига ҳоргин чўқар ва аксига узоқ тикилиб қоларди. Тикилиб туриб кундан-кунга ёзгариб бораётган кўринишидан навбатдаги «Автопортрет»и учун зарур деталлар, характерли белгиларни изларди. Изларди-ю, совуқ кўзгуда кўриб турганларини қоғозга тушнишга юраги дов бермас, қўли қаламга бормасди. Уддалай олармикин? Рангларнишг сеҳри ва қудрати етармикин? Кўллари толиб қолмасмикин?. У баъзида қудуқ тубидаги юлдузлар каби чўкиб бораётган ўтли кўзларини, кун сайин кичрайиб бораётган сўлгин юзларини кўриб бенхтиёр хўрсннади. Хўрснниқ гоҳида оғриқ билан қўшилиб аъзойи баданини музлатиб юборади...

Йўқ! У шу дақиқаларгача на дардга, на оғриққа ён берди. Ҳар қандай оғир касаллик ҳам уни тўшакка михлай олмади. Эҳ-ҳе, у бундан ўн чапдон даҳшатлироқ оғриқларга, ажал «соя» ташлаган азобларга юзма-юз келган, лекин ҳар сафар барчасини метиндеқ мустаҳкам ирода билан енгган. Уни ҳамиша қўшиқ ва мусиқага бўлган чексиз меҳру муҳаббат, бетакрор рангларга бўлган абадий ташналиқ асраб қолаверган. У гўё ёруғ дунёга ўтли қўшиқ бўлиб келгану, яна қўшиқ бўлиб кетишни доим орзу қилас ва бу буюк орзу йўлида ҳар қандай тўсиқлар, дардлар, оғриқларни енгиб ўтишга иродасини собит деб билади. Уша Москва касалхоналарида «ана кетди-мана кетди» бўлиб қийналиб ётган дақиқаларда, санъатдан йироқ кимсалар йўлига ғов бўлган кезларда ҳам ҳаётдан сира ноумид бўлмади. У ҳар гал операция столига ётаркан, фақат қўшиқни ўйлади, қўшиқни соғинди ва ҳар сафар врачларга: «Мен барибир қўшиқ айтаман!» деб қатъий сўз бераверди. Ахир у қўшиқсиз яшай олмасди-да!

Адабиёт ва санъат майдоннинг кирган ҳар бир истеъ-
додшинг йўлида катта-кичик ғовлар бўлиши табиий.
Азалдан уларнинг тақдирига битилгани шу. Ҳамма гап
ўша тўсиқларни мардонавор енгишда, баъзида сариқ
чақага ҳам арзимайдиган майда-чуйда ташвишларга ва
ғийбатдан иборат гап-сўзларга ўралашиб қолмасликда.
У ҳаммасини ҳамиша яхши қўшиқ билан енгиб келди.
Ҳар бир даврининг ўз «моцартлар»и ва «салъерилар»и
бўлишини у яхши биларди...

Ботир Зокиров беихтиёр илк бор чизган «Мажнун»
суратини эслади. «Хамса»даги бу образни бениҳоя сев-
гани учун ҳам ўзини бир оз унга қиёслаб чизган эди.
Янглишмаган экан. Ёши бир кам элликка етиб билдики,
умр ва ижод йўлларининг мураккаб сўқмоқлари ҳам
кўп жиҳатлари билан Мажнун ҳаётига бениҳоя ўхшаб
кетаркан. Мажнун қалбини англамаганлариdek, уни ҳам
кўп ҳолларда тушиунмадилар, унинг қалб нолаларини
аңглаб етмадилар. Лекин у ишқ саҳросида зору сар-
гардон кезган Мажнун каби қўшиқ саҳросида доимо
ёнисб фарёд қилди. Қўшиқларда айтилмаган дарду қу-
вончларини турфа рангларда «куйлади». У аста ўрни-
дан туриб, «Қундалигиги»ни олиб яқинда ёзган Мажнун
қисматига бағишлигарни навбатдаги қўшиғини яна бир
карра овоз чиқариб ўқиди:

Қайдапдир наво —
Келтирап бу тун
Кублагай гўё
Оҳ уриб, Мажнун.
Қалбимни буткул
Олиб амрига
Қайгу гирдобига
Солмоқчи (ул). Нечун?

Лайли, Лайли, Лайли,
Сендан хабарму бу фифон?

Лайли, Лайли, Лайли,
Хаёллимда сен, ҳамон, ҳамон...

Мен үзим Мажиүү
Топмай иложим,
Тикладим мангу —
Сенга ишк тожим...

Лайли, Лайли, Лайли,
Умид рухи, сафо, рүё.
Лайли, Лайли, Лайли,
Күйимда сен мангу зиё!

Яратилажак бу қүшикқа мос музика ёзишни Икром Акбаровга айтиб қўйган...

Айни авж пардаларда куйлаб юрган кезларида ҳам «Автопортрет» чизган эди. Унда кўпроқ кўзларида букилмас иродани акс эттиришга, тўғрироғи, ёниб турган қўшикни тасвирлашга уринган.

Қўз — инсоннинг қалби. Ундан ҳеч бир нарсани яшириб бўлмайди. Бўлажак картинадаги асосий характеристики кўзлар орқали очиш керак.

Ботир Зокиров ойна қаршисида ўтириб, охпра шу қарорга келди. Келди-ю, қўлига кўмир-қаламини олиб оппоқ қофоз юзига чизиқлар торта бошлади.

Оғриқ дам-бадам безовта қилиб, зўрайган кезларида аста ўрнидан туриб диванга чўзиларди. Оғриқ бо силгунча тишини тишига қўйиб узоқ ётарди. Бир маҳал телефон жиринглади. Трубканни кўтарса, укаси Жамшид. Унинг соғлигини, ҳол-аҳволини сўраб телефон қилаётган экан. Бу очиқкўнгил, хушфөъл укаси доим акасига куюниб юради. Қелнни Гавҳар ҳам шундай.

У трубканни қўйиб, яна мольберт қаршисига чўқди. Дардини укасига айтгиси, айтиб безовта қилгиси келмади. Ҳатто касалини опасни Шоҳиста опага ҳам сезидиргани йўқ. Рафиқаси Галинага ҳам, укаларига ҳам қаттиқ тайнинлаб қўйган: «Калооппо (у опасни эркалаб

шундай дерди) билмасинлар!» Унинг азалдан одати шу. Дардини бирорга айтишини ёмон кўради. Баъзи дардини дастурхон қилиб юрадиган эркакларни жини ёқтири-майди.

Оғриқ безовта қила бошлади. Қалбини жимирлатиб турган рангларни қоғозга туширолмади. Амаллаб тў-шакка етиб олди...

Эрталаб яна ўша оғриқ... Дўсти Анвар Мақсудовга телефон қилди. У тезроқ врачга учрашиш кераклигини қайта-қайта тайинлади.

Врач дори-дармон ёзиб берди.

Оғриқ тўсатдан тоғ жигари, тоғ ошқозони атрофидагимирлаб қоларди. Шунда у бетоқат бўлиб, кўмир-қаламни аста қўйиб тагни диванига чўзиларди. Иши чала қолаётганидан юраги баттар сиқиларди. Нима бўлган-даям хаёлидаги композицияни қозогга туширишга интилиши керак. Унинг одати шундай — бошлаган ишини ниҳоясига етказмаса, асло тинчимайди.

Оғриқ зўрайгач, ниҳоят профессор ҳузурига йўл олди.

Даволовчи врач дардни жигарда, профессор эса ошқозонда, деди. Икки хил диагноз, икки хил даволаниш йўллари, икки хил дард учун дори рецептлари... Лекин у буларнинг бирортасига парво қилмай, картина устидаги ишини шижоат билан давом эттирди. Чунки уни касаллик ҳам, врачлар ҳам, даволаш ҳам қизиқтирмай қўйганди. Энди у учун кўп нарсаларнинг қизиғи йўқ эди. Жумладан, врачлар ёзиб берган аптекаларда йўқ дориларни излашга ҳам тоқати қолмаганди...

«Автопортрет» аста-секин «жон»ланиб борарди. Чизиқлар кўпайган сайнин унинг вужуди титрар, ўзини ўзин ранглар дунёсида кўришдан гўё даҳшатга тушаётгандай эди. Рассом автопортретини ёшлигида, ҳаётининг жўш-қини дақиқаларида ишласа яхши экан. Ёшинг бир жойга борганда (бунинг устига касаллик), ҳаётининг аччиқ-чучукларини озми-кўпми тушуниб етганингда «Автопортрет» чизиш ниҳоятда оғир бўларкан... Кутилмаган-

да ранглар уни ўз гирдобига торта бошлади. У оғриқни ҳам унутнб, ранглар билан «баҳслашиш»га киришиб кетди. Эҳ-хе, ақлини таниганидан буён ранглар билан ҳамдард. Гоҳида ранглар унга янги қўшиқнинг оҳангларини топиб берса, гоҳида қўшиқларида айтолмаган дарду қувончларини бўёқлар қаърига сингдиради.

Ранглар уни ҳеч қачон ёлғиз ташлаб қўймади. Боснга оғир кунлар тушиб, хасталаниб ётган кезларида ранглар унга ҳамдард бўлди. Ҳар гал операция столига ётганида ранглар гўё сеҳрли бир қудрат бўлиб, уни бир неча бор ҳаётга қайтарди.

Қийинчилик билан бўлсаям картинани ниҳоясига етказишга аҳд қилди. Энди у оғриқ зўрайган кезларда ҳам қўлидан мўйқаламини қўймади. Қалбини тўлқинлантираётган туйғуларини ифодалашга киришиди. Бир маҳал кўз ўнги қоронғилашди. Мўйқалам уни аллақа-ёқларга олиб учиб кетаётгандай эди. Озод қуш сингари юксакларга парвоз қилиб боряпти-ю, лекин қаёқларга учиб кетаётганини билмайди. Қаёқка?.. Олислардан юракларни эзиб бир наво таралади. Тапиш овозда қўшиқ янграяпти. «Ким у куйлаётган?..»

Кўзларини очса, касалхонада ётибди.

...Ботир Зокировнинг ён томондан ишланган қиёфаси: оғзиң юзлар, чўнқайган бурун, аёвсиз ажинлар қоплаган пешона, соchlари гўё безовта тўлқинлардай тарам-тарам. Чап тирсагига ўнг қўлининг узун-узун бармоқлари чирмашган. Бармоқлар орасидаги ўчай-ўчай деб турган сигарета чўғи бир томчи қонга ўхшайди. Сигаретадан билинар-билинмас эринчоқ тутун аста-секин ўрламоқда. Гавдани гўё туман қоплаган... Ўнг кўз салгина қисилган. Унда жишдай беларволик, бир оз қувноқлик, ҳаётнинг яхши ва ёмон кунлари устидан аччиқ кулги бор. Чап кўзнинг ости салқиган. Бир томчи ёш кўзининг қинидан чиқиб киприкларга қўнмоқчи. Агар ўша сўнгги томчи ёш безовта киприклардан узилиб кетса борми?..

У қачонлардир Мирзо Бедил ғазалларидан ўқиган бир мисрани эслади. «Бар сари мижгон чу ашк истодан ҳушёр бош!» («Ҳушёр бўл! Киприкдаги ёшдай омонатсан».)

Ботир Зокировни яна операция столига ётқизиши. Бошқа илож йўқ эди...

Ўша куни Москвадан унинг рецептларига топилган дориларни олиб келиши. Афсуски, кеч бўлган эди...

Бир томчи ёш фақат «Автопортрет»да чизилган киприкларда мангуму хорланиб қолди.

ҚУШИҚ УМРИ БАРҲАЕТ

Куй авжида узилмасин тор
Шеър ярмида синмасин қалам.
Яшаб бўлмай умрини зинҳор
Бу дунёдан кетмасин одам.

Эркин ВОҲИДОВ

Яна Ботир Зокировнинг уйнадаман.

У ўтирган кресло, диван бурчаги бўш. Жавонларда тартиб ва дид билан терилгани китоблар, деворларга осилган турфа картиналар, бежирим мебеллар — ҳаммаси сукутда. Гўё «Саратон» картинасида тасвиirlанган дарахт яна ҳам қорайиб кетгандек. Хона бурчагидаги пианино мунғайиб қолганга ўхшайди. Юнглари қўнғироқ, қулоқлари узун, кулранг хонаки ит Френк хонадан-хонага бетоқат кезади. Қелган одамни ҳидлаб кўради. Сўнг уни ўз эгаси эмаслигига ишонч ҳосил қилгач, кишинга жавдираб қарайди.

Бу гал ҳам суҳбатни нимадан бошлишни билмай аччагина қийналдим. Чунки орамизда йўқ одам тўғрисида ёзиш, унинг ҳақида оиласи, қариндош-уруглари ва яқин дўстларидан сўраб-суриншириш қанчалар оғир!

Энди бу хонадонда ундан фақат ширин хотиралар,

у сўзлаган қизиқ ҳангомалар, ичакузли латифалар ва у ҳақида ажойиб ҳикоялар қолган. Юрагингиз бардош берса эшитиб кўринг-чи!

1. «СИЗЛАРНИ ТАШЛАБ КЕТЯПМА»

ШОҲИСТА СЛИДОВА ҳикояси: Биласизми, мен болаларимнинг санъатга қизиқини, санъаткор бўлишини сира-сира истамасдим. Тақдир экан, Карим ака ҳам, мен ҳам санъатнинг нонини еб улгайдик. Бундан болалар ҳам бебаҳра қолмаган, албатта. Ботир билан Луизага биринчи қўшиқни ўзим ўргатганман. Қўшиқнинг шеърини ҳам, куйини ҳам ўзим ёзганман. Сиз ҳайрон бўлмансиг. Мен «Қирққиз» эртаги асосида опера ҳам ёзганман. Лекин тугатолмадим. Бирин-кетин болалар туғилди. Уларнинг тарбияси, кийим-кечаги дегандек... Турмуш ташвишлари... Бу орада уруш бошланди. Сўнг ҳаммаси қолиб кетди.

«Нега фарзандларингизни санъаткор бўлишини хоҳламадингиз?» деб сўрадингиз. Тилимни қичитиб нима қиласиз, ўргилай, Карим ака ҳам, ўзим ҳам жуда қийналганмиз. Санъатни тушунмайдиган одамлар билан ишлашга тўғри келган. Карим ака ниҳоятда покиза, содда эди. Ана шу характеристи билан кўп марта қоқилган. Э, истеъдолга барибир қийин экан. Қўйинг, ҳаммасини гапириб ўтирумай. Шу учун болаларнинг ҳам қийналишини истамаганман... Кўриб турибсиз, болалар бизнинг хоҳишимиизга қулоқ солишмади... Ҳаммаси элга танилган санъаткор бўлди. Улар учун ҳам кўп идораларга кирдим, ҳали айтганимдек, санъатдан йироқ кишилар билан олишдим. Уф!.. Буларнинг тарихи узоқ. Келинг, яхиси, сизга бир ҳангома айтиб берай. Биринчи космонавт-учувчи Юрий Гагарин Тошкентта келганда мен касалхонада ётгаидим. Ботирни Гагарин келишидан икки кун олдин тезда Бухорога гастролга жўнатишиди. Кутимаган гастроль. Бир маҳал Гагарин Ботирни кўрмоқчи бўлиб суриштирибди. Унинг гастрол-

далигини айтишган экан, унда онасини кўраман, дебди. Бир вақт деңг, палатани врачлар, «казо-казо»лар босиб кетди. Бирори мени текширган, бирори кўрпа-тўшагимни алмаштирган, яна бирори хоналарни тозалаган... Ётганимга бир ҳафтадан ошуви. Лекин ҳеч ким ҳолимдан тузукроқ хабар олмаганди. Ҳатто бўлим мудирига Ботир илтимос қилгандайм келиб кўрмаганди. Жаҳлим чиқиб ҳаммасини ҳайдаб солдим. «Мени-ку, Гагарин келиб кўрадиган бўлибди. Бошқа беморларнинг ҳоли нима кечади?» деб бўлим мудирига савол бердим. У қизарди, бўзарди, кейин менга бир ўқрайиб жўнаб қолди... Ана шунаقا, жуда бетгачопарман. Шу одатим кўп марта панд берган. Лекин начора, сал қинғирликни, ноҳақликни кўрсам чидаб туролмайман... Гагаринни ёса уйда кутиб олганман.

Умуман, фарзандларимнинг орасида Ботир бўлакча әди. У ҳеч қачон ўзини аяган эмас. Агар касал бўлиб қолса, менга билдирамасди. Лекин кўзларидан тоби йўқлигини билардим. Умуман, бошқаларга ҳам дардини достон қилмасди. Сал ўжарроқ ва тортичоқ феъли бор әди. Охири марта касал бўлганида дори олишгаям пули қолмабди. Тортиниб, ҳеч қайсимизга айтмаган. Сезиб қолиб пенсиямни элтиб бердим. Ушанда жуда хижолат бўлди болагинам... Ҳаётда яхши одамлар бор экан, ёрдам беришди. Начора, ўлим ҳақ бўлиб чиқди... Лекин мен фарзандларимни пулга, бойликка ўргатмаганидан, уларнинг ўзиям бунга ўрганмаганидан ҳамиша фахрланиб юраман...

Мен бирор марта ҳам Ботиржонимнинг концертларига кирмаганман. Унинг овозига, ноласига юрагим бардош беролмайди. Қачон овозини эшитсан, кўзларимга ёш дарёдай оқиб келаверади. Ҳамон эшикка термиламан. Ҳудди болажоним кириб келадигандай...

Ленин мукофоти лауреати, СССР халқ артисти СЕРГЕЙ ОБРАЗЦОВ: Мен машҳур хонаида Ботир Зокиров қўшиқларини эшитиб юардим-у, лекин унинг

концертига тушмаган эдим. 1966 йил 12 июнь куни та-
содифан Минск Катта концерт залыда унинг концертига
тушдим. (У ҳам, мен ҳам ўша кунлари Белоруссия бўй-
лаб гастролда эдик.) Тўғриси, унинг катта қўшиқчилик
санъатига тан бердим. Унинг ҳар бир қўшиғи юксак
ақл билан йўғрилган. Ақл эса қалб ва хотира мулки!

ЭРКЛИ МАЛИҚБОЕВА ҳикояси: Мен Ботир Зоки-
ров билан 1958 йилдан 1974 йилга қадар турмуш қур-
дим. 1962 йилда катта ўғлимиз Баҳтиёр, 1965 йилда
Баҳодир туғилди. Ҳозир уларнинг бирни киноактёр,
иккинчиси ҳам тарихчи, ҳам отасига ўхшаб расм чиза-
ди. Кўпинча болаларни ҳам гастролларга олиб борар-
дик. Концерт тугаб, парда ёпилиши билан болалар чолғу
асбобларига ёпишиб олишарди.

«Ира, булар жинни бўлганми?»—дерди Ботир кулиб.
У ҳеч қачон болаларни уришмас, алдамас, уларга худди
кattалардек муомала қиласади. Болаларга расм чизниш-
ни ўргатди. Ҳатто уларга ўқиш учун китобларни ҳам
танлаб берарди. Фарзандларнимиз вояга етгач, уларнинг
енгил йўлдан юришларига, ота ёрдами билан бирор
нарсага эришишларига мутлақо йўл қўймади. «Нимай-
ки яхши мақсадларинг, орзуларинг бўлса фақат ўэ
кучларинг, билимларинг билан эришинглар. Таниш-би-
лиш орқали кун кўрадиган одам омонат уйга ўхшайди.
Сал шамолга ҳам қулаб кетиши мумкин. Мустақил,
тўғри одамни дўл ҳам йиқитолмайди»,— дерди у.

Ботир Зокиров ўзига хос санъаткор ва шахс эди. У
баъзан мен ишлайдиган Ҳамза номидаги Ўзбек Дав-
лат Академик драма театрининг янги спектаклларини
келиб кўрарди. Яхши саҳна асаридан қувонарди. Ўрта-
миёна ва саёз спектаклларни кўриб ранжирди. Айниқса
актёрларнинг саводсизлигидан кўпроқ куюнарди.

У Москвада биринчи марта операция бўлиб ётганида
радиодан Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичик шаҳ-
зода» асари инсценировкасини СССР халқ артисти
Мария Бобонова пжросида эшитиб қаттиқ ҳаяжонланган.

Тузалиб Тошкентга қайтгач, бу машҳур әртак-қиссани ўзбек тилига таржима қилиб, ҳам инсценировка, ҳам режиссерлик қилиб радиоспектакль яратди. Мен кичик шаҳзода ролини ижро этдим. Қейин у Евгений Шварцнинг «Соя» асарини таржима қилди.

Ботир Зокиров умуминсоний қўшиқларни куйлаган хонанда. Ўз концертларидан ҳеч қачон кўнгли тўлмасди. Айниқса, баъзи раҳбарлар томонидан уюштириладиган концертларга борганида (аслида бундай концертларга жуда кам борарди) қаттиқ қийналарди.

«Улар пишиллаб овқат еяётганларида қўшиқ айтиш азоб!» — дерди хуноби ошиб.

У умрининг охирида яхши қўшиқлар, истеъододли халқчил композиторлар йўқлигидан кўп қайфуради. «Ялла» ансамбли репертуари уни доим ҳам қониқтирамасди.

Үндан иккита картина ёдгорлик қолди. «Ёлғизлик» деб номланган картинасини касалхонада ётганида чизган. «Қўча» картинасида ўзи туғилиб-ўсган Интизом кўчасини чизган. Қоронилик. Фира-шира ёруғликда тор кўчанинг охиридаги болохоналик уй кўриниб турибди. Болохонада ягона дераза. Деразада ичкарида ёниб турган чироқнинг ўткир шуълалари акс этган.

Назаримда Ботирнинг чироғи ўчмаган. Унинг умри фарзандлари умрида, мерос қолган ўлмас қўшиқларида, чизган кариналарида давом этяпти...

СССР халқ артисти ТАМАРАХОНИМ: Мени Ботиржон «она», деб чақираварди. У билан ҳамкорликда декадаларда, фестивалларда қўшиқлар ижро этганимиз. Унда нафақат қўшиқ айтиш таланти, балки саҳнага чиқиши билан зални ўзига сеҳрлаб олиш қобилияти кучли эди. У қўшиқни образга кириб куйларди. Унинг ўртамиёна, саёс қўшиқлари йўқ ҳисоб.

Ботир чинакам буюк санъаткор. Бунақаси қайтиб туғилмайди. У ўзбек халқининг катта қалбли фарзанди, юксак истеъодод ва маданият эгаси эди. Ботир кетиб

гүёс Тошкент ҳам, Ўзбекистон ҳам ҳувиллаб қолганга ўхшайди...

Тўғрисини айтиш керак, Ботирнинг эрта ҳаётдан кўэ юмишига санъатни, эстрадани билмайдиган баъзи раҳбарлар ҳам сабабчи бўлди. Унга аллақачон СССР ҳалқ артисти унвонини бериш керак эди. Бу хатони асло ке чириб бўлмайди.

Шундай раҳбарлар курсисидан фойдаланиб, санъаткорни қийнайди, баъзан умрига зомин бўлади. Афусуки, ҳалқ ҳурматини бойлик билан ҳам, буйруқ билан ҳам олиб бўлмайди. Ботир аллақачон ҳалқимиз қалбидан чуқур жой олган улуғ артист.

Улимидан бир йил олдин, қиши пайти бизникига келди. Қиши. Қор чархпалак қилиб ёғяпти. Эшикни очсан, остоңада кулиб турибди. Ҳаммаёғи қор. Қўлида бир даста чиройли гул.

— Осмондан тушдингми?

— Космосдан тушдим,— деди ҳазиллашиб.

Гулларга оппоқ қор қўнган. Назаримда Ботир Зокиров ўлмагану гулларга айланиб қолганга ўхшайди.

ЛУИЗА ЗОКИРОВА ҳикояси: 1955 йили Венгрияда бўлиб ўтган Совет Ўзбекистони санъати кунларида қатнашдик. Биринчи кунги концертда ҳинчча «Мечали» қўшигини айтдик. Бу қўшиқ ўн кун ичida Венгрияни тутиб кетди. Гўё бутун мамлакат бизга жўр бўлгандек «Мечали»ни куйларди. Бундай қувончли ҳол кўп гастролларда юз берган.

Акам машҳур хонанда бўлиши билан бирга, сўзни юксак дид билан англайдиган шоир, мусиқани юракдан ҳис этадиган истеъододли бастакор эди. Токи сўз билан музика бир-бирига мос тушмагунча ўзи ҳам қўшиқ айтмасди, менга ҳам рухсат этмасди. Сўз масаласида менга кўп танбеҳ берарди...

Бизни кўп марта тўйларга таклиф қилишган. Лекин бормага ёмиз. Айниқса юқори лавозимларда ишлайди-

тап баъзи раҳбарларнинг тўйига бормагани учун акамни ёмон кўришарди. Тошкентда бўладиган концертларни ҳеч бир сабабсиз олиб ташлашарди. Ҳатто бир министр: «Концертингни бир кунлик пулинин икки баробар тўлайман!» деганда Ботир акам қаттиқ ранжиб: «Сиз бугун борсиз, эртага йўқсан. Бойлигингиж ҳам сизга насиб этмайди. Лекин мен қўшиқларимга, санъатсевар муҳлисларимга хиёнат қилмайман. Улар бебаҳо!» деб жавоб берди. Афсуски, бундай кўнгилсиз воқеалар унинг ҳаётида кўп марта бўлган.

Республика бўйлаб гастролларга чиққапимизда у қишлоқлардан талантларни изларди. Ёшлар билан, ота-оналари билан суҳбатлашарди. Лекин улар эстрада санъатини яхши тушуниб етмагани учун унинг таклифларига ҳадеганда рози бўлишавермасди.

Тошкентда «Мюзик-холл» тузишда Ботир акам кўп куч сарфлади, узоқ изланди, катта-кичик идораларга елиб-югурди. Лекин унинг ҳаракатлари беиз кетмади. «Мюзик-холл» узоқ йиллар Москва, Ленинград, Киев, Тошкент ва Иттилоқимизнинг бошқа йирик шаҳарларида қатор концертлар бериб, катта муваффақият қозонди. Афсус! Ботир Зокировнинг бу орзусига ҳам тўсиқ қўядиганлар топилди. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари Оқил Умрзоқович Салимовнинг нотўғри кўрсатмаси, тўғрироғи, бир оғиз сўзи билан «Мюзик-холл» барҳам топди. Ӯшанда акам жуда қаттиқ касал бўлиб қолди. Кейин унга иш беришмади. Қаранг, Ботир Зокировга-я! Хуллас... Яна бир бор афсус! Бошқа иложимиэ йўқ!

Вафотидан бир кун олдин касалхонага кўргани бордим. «Жуда ҷарчаб кетдим»,— деди у ҳоргин товушда. Бу унинг умрида биринчи марта афсус билан гапириши ёди.

ССР ҳалқ артисти ИОСИФ КОБЗОН: Ботир мен учун туғишгандек қадрдон эди. У эстрадада ўз мактабини яратган санъаткор. Ва унинг ўлмас санъати олдини-

да ҳамиша таъзим қиламан. Унинг ҳаётдан эрта кетиши ҳаммамиз учун қайгули.

БАХТИЁР ЗОКИРОВ ҳикояси: Мен отам билан режиссёр Элёр Эшмуҳамедовнинг «Даҳонинг ёшлиги» бадиий фильмида суратга тушдим. Мен ёш Ибн Сино ролини, отам унинг отаси Абу Абдуллоҳ ролини ижро этдик. Шу фильмда Абу Абдуллоҳнинг ўлими саҳнаси бор. Яъни отаси ўлими олдиндан касал бўлиб ётганда Ибн Сино унинг юрагини массаж қилиши керак. Шу саҳна қайта-қайта суратга олинса ҳам режиссёрга ёқмади. У: «Ҳақиқий массаж қил», деб туриб олди. Отамни қаттиқ массаж қилиб бўлмас, чунки юраги атрофидан бир қовурғаси йўқ эди. Отам ҳам: «Режиссёргининг айтгапини қилгин», деди. Иложсан здим... Отам тишларини тишларига қўйиб чидадилар. У киши санъатнинг чинакам фидойиси эди.

БАҲОДИР ЗОКИРОВ ҳикояси: Отам менинг ҳаётдаги идеалим. Охири марта касалхонада ётганларида деярли ҳар куни ёнларида эдим. Жон бераётганларида қўлларини ушладим. Сўнгги марта пичирлаб: «Сизларни ташлаб кетаман», дедилар. Бу отамни охирги сўзлари эди. У киши жисман бизни ташлаб кетган бўлсалар ҳам руҳан ҳар куни, ҳар дақиқада биз билан бирга...

ГАЛИНА ЗОКИРОВА ҳикояси: Ботир Каримович самимий инсон, чин дўст эди. Мен 1974 йил республика хореография билим юртни тугатиб, у киши раҳбарлик қилаётган «Мюзик-холл»га ишга келдим. Бир-бiri-мизга кўнгилларимиз тўгри келди шекилли, турмуш қурдик. 1976 йили қизимиз Рухшона тугилди. Кейин мен саҳнага чиқмай қўйдим. Чунки Ботир Зокировнинг санъати олдида ўз «баҳоим»ни билдим. Мен унга факат яхши аёл бўлишим мумкинлигини англадим. Қўлимдан келгунча бунга ҳаракат қилдим... Охири марта икки ой касалхонада ёнида бўлдим. Умри қисқа экан. Тақдирга тан бериндан бошқа иложимиш йўқ. Мен

шундай буюк санъаткорнинг ҳаётдан кўз юмганинга ҳали-ҳануз ишонмайман...

ФАЙЗУЛЛА ХУЖАЕВ (киносценарист) ҳикояси: Ботир Зокиров билан узоқ йиллардан бўён яқин дуст эдик. Москвада касалхонада бир сафар Совет Иттилоғи Қаҳрамони, машҳур синовчи-учувчи Сергей Николаевич Анохин билан бир палатада ётиб даволантган. У Юрий Гагариннинг устози эди. Шу сабабли Ботирни жуда кўп космонавтлар яқиндан танишарди. Даволаниб бўлгач, икки буюк инсон, икки томонга — бирни самога, бирни қадрдан саҳнасига парвоз қилдилар. Мен шу воқеадан сўнг Ботир Зокиров ҳақида 1967 йили «Учиш синови» номли икки қисмдан иборат ҳужжатли фильм учун сценарий ёзиб, «Ўзбеккинохроника»га топширдим. Лекин фильм студия раҳбарларининг айби билан суратга олинмади. Чунки улар Ботирнинг тузалиб, қайта қўшиқ айтишига ишонишмаган эди.

Социалистик Мөҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти МИХАИЛ УЛЬЯНОВ: Мен Ботир Зокиров концертини ҳузур қилиб тингладим. Эҳтимол бу ҳаётимдати энг унутилмас концертдир. У шунчалар буюк санъаткорки, назаримда, эстрадани яна бирретро-юксакликка кўтарған. Шунинг учун ҳам унинг санъати умрбоқий.

ЖАМШИД ЗОКИРОВ ҳикояси: Акамизнинг катта санъаткор, улуғ инсон эканлигини вафотидан сўнг билдик. Афсус!.. Ҳаётлигимиизда ҳамиша ҳам бир-биримизнинг қадримизга етавермас эканмиз. Начора?.. Ботир акам ҳаммамизга бирдек меҳрибон, жонкуяр эди. Биз, укалари, у кишидан кўп яхши фазилатларни, айниқса, санъатга содиқликни, фидойиликни ва ўзлигимизни топишни ўргандик. Акам биргина «Мюзик-холл»ни тузиш учун тўқиз йил идорама-идора, кабинетма-кабинет юргурган. Келажакда уни эстрада театрига айлантиро-моқчи эди. Бўлмади... Акам ҳақиқатни, тўғри сўзни кишининг юзига шартта-шартта айтарди. У кишининг

бу одати, айниқса, юқоридаги баъзи раҳбарларга ёқмагани учун вафот этганларида «Советская культура» газетасига таъзиянома бернишга рухсат этишмади. Ҳатто акамнинг жасадини касалхонадан уйга олиб келганимизда, ўша даврдаги раҳбар опалардан иккитаси келиб: «Тезроқ дағи қилишимиз керак», деган. Нега ва нима учунлигиши ҳозиргача тушунмаймиз. Ҳақиқатни айтган кишига шунчалар жабр-ситам қилиш мумкинми?.. Ҳаёлимда Ботир акам концерт бериш учун узоқ гастролга кетган-у, ҳадемай қайтиб келадиганга ўхшайди.

УЧҚУН НАЗАРОВ ҳикояси: Ботир билан болаликдан бирга ўсанман. У турмуш ўртоғим, музикашунос Диљбар Раширова билан ҳам яқин дўст эди. Диљбар унинг пластинкаларига сўзбоши ёзган. Хуллас, биз у билан оплавий дўст эдик. 1984 йилнинг айни баҳори эди. Ботир, Фарруҳ билан бирга ТошГРЭС томондаги далаларга айлангани чиқиб кетдик. Илгариларним бу жойларга келиб турардик. Үрикзор бир чорбоғни тандик. Дараҳтлар оппоқ гулга бурканган. Тикилиб тўймайдиган манзара. Айниқса, Ботир бу манзарани кўриб ҳаяжонланиб кетди.

— Бир қўшиқ айтмайсанми, Ботир. Кўп бўлди овозинигни эшигапнимизга,— дедим унинг офтобдай чарапвлаб кетган кўзларига тикилиб.

Фарруҳ ҳам менинг сўзларимни тасдиқлагандек акасига умидвор тикилди.

Ботир бир зум жим бўлиб қолди. Сўнг туруч ювилгани тогорачани олиб, кўм-кўк майсазорга ўтириб, тогорачани тиззасига тўнтариб ўзича «куй» чалиб, кутимаганда «Қаро кўзим»ни бошлаб юборди:

Қаро кўзум келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил...

Мен ҳам, Фарруҳ ҳам ҳайратдан қотиб қолдик. Чунки биз, унинг биринчи марта классик қўшиқ айти-

шини эшитишимииз эди. Шунда билдимки, у фақат эстрада әмас, балки халқ ва классик қўшиқларнинг ҳам моҳир ижрочиси экан. Бундай қўшиқларни саҳнада айтмаганилигининг боиси, отасига ва унинг санъатига бўлган юксак ҳурмати эди. Вужуд-вужудига сингиб кетган отаси овозини, бетакрор қўшиқларини бузиб қўйиншдан қўрқар экан...

Бир маҳал қарасак, атрофимизни одамлар ўраб олишибди. Кейин Ботир қўшиқни тугатди. Одамлар илтимос қилса ҳам айтмади. Хижолат бўлиб одамлардан узр сўради. Бу Ботирининг мен эшитган сўнгги қўшиғи, сўнгги овози эди...

Шонр Туроб Тўла ҳам санъаткорининг ярим асрлик тўйига атаб қутлов ёзмоқчи эди. Афсус! Қўллари қалтираб, қалби титраб: «Ботир Зокиров тобути устида» деб марсия ёзди:

Кўшиқни ўлдириб бўлмас, дейдилар,
Кўшиқни ўлдириб бўлмайди, бу — ҳақ!
Не учун бўлмасни кўлоб дийдалар,
Наҳотки мисонга ўлим муҳаққақ.

Иўқ, у ўлгани йўқ, қўшиқ айтмоқда,
Кўшиқ айтмоқда у, ёниб-ўртапиб.
У бу оп энг баланд авждан қайтмоқда,
Ватани, халқининг меҳрига қопиб!..

ССРР халқ артисти ЖЎРАБЕК МУРОДОВ: Улур санъаткор Ботир Зокиров нафақат ўзбек халқининг, балки тоҷик халқининг ҳам азиз фарзанди, севимли хонандасидир. У Шарқимизни умрбод ёниб куйлаган бетакрор қўшиқчи. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларига гастролларга борганимда унинг тўғрисида қизиқиб сўрашади. Бу ҳамма санъаткорларга ҳам насиб этавермайдиган баҳт. Ботир Зокиров бизга шарқона куйлашни, маданиятни ва дўстликни мерос қолдирди. Унинг руҳи олдида санъатимиизга ҳам, маданиятимиизга ҳам гард юқтирумайлик.

Шоирамиз Ойдин Ҳожиева ҳам унинг порлоқ хоти-расига атаб «Күйчига гулчамбар» дея дардли мисралар битишни сира-сира ўйламаган эди.

Пўқ, йўқ, ухлаб қолди бунда нафосат,
Ўйғотмоққа шошар юртим гуллари,
Саҳнада турғандай жилмайиб, хушбахт
Баҳорга узатар ҳозир... қўлларин...

Унинг сўзларида гул унгани фақат,
Орзулари ғунчалаб, чўллар гуллаган.
Ү кирган даврада — хаёл ва ҳайрат,
Ү ҳалқ санъатини гулга белаган...

2. «СИЗНИ ТИНГЛАШ — ҲАМИША БАХТИ»

Ботир Зокиров номига келган ўнлаб, юзлаб мактуб-лардан айримларигина сақланиб қолган.

«Ҳурматли Ботир Зокиров!

Тақдир сизга дилбар овозингиз учун яна
минг йил умр берсин. Сиз Иттифоқимиздаги
энг яхши ва истеъодди хонандалардан бири-
сиз.

Сиз куйлаган «Араб тангоси» менин ҳами-
ша ҳайрат ва ҳаяжонга солади. Бу қўшиқ
минглаб тингловчиларни шундай ҳолатга со-
лишига ишонаман.

Сиз Шарқни ёниб куйлайсиз. Катта раҳ-
мат!

*Ник. Абхазович КОБУЛАДЗЕ
1954 йил».*

«Польшадаи алангали салом!

Ушбу мактубни польшалик муаллима Га-
лина Йосифовнадан деб билгайсиз.

Утган йили Ўзбекистонга саёҳатга бордим. «Дўстлик» меҳмонхонасида турдим. Кейин Самарқанд, Бухоро тарихий шаҳарларида бўлдим. Умуман, қалби очиқ, сахий ўзбек халқини яхши кўриб қолдим. Кўп одамлардан Сиз ҳақингизда сўрадим. Улар ўз хонандасини яхши билишар экан, фахрланиб, ҳаяжон билан сиз ҳақингизда сўзлаб беришиди. Афуски, қўшиқларингиз ёзилган пластинкаларни излаб бирор дўкондан тополмадим. Ноилож «Ўзбек халқ қўшиқлари» ёзилган бошқа пластинка олдим. Уларни радиога қўйиб тез-тез эшиштаман. Ва ҳар гал эшиштанимда Ўзбекистонни, Сизни кўргандай, тинглагандай бўламан. Сизни тинглаш эса — баҳт!

*Хурмат билан Галина.
1975 йил 22 январь».*

«Салом, азиз Инсон!

Сизни безовта қилаётганим учун минг бора узр. Мен 1964 йил ўзбек йигитига турмушга чиқиб, бир неча йил Каттақўргон шаҳрида яшадим. Сизнинг сеҳрли овозингизни илк бор ўша ерда эшиштдим. Ва бир умрга унинг шайдоси бўлиб қолдим. Турмуш ўртоғим билан қанча изламайлик, пластинкаларингизни тополмадик...

Ҳозир Украинада яшаемиз. Сизни, Ўзбекистонни унунишнинг ҳеч бир иложи йўқ. Иккита фарзандимиз бор. Бирининг исми Ботир, иккинчиси Зокир. Фарзандларимнинг сиздек ажойиб инсон бўлишларини истайман.

Агар сизга малол келмаса, битта пластинкангизга дастхат ёзиб юборсангиз. Сизнинг овозингизни эшитиш биз учун байрам.

*P. Шарипова,
Украина ССР, Житомир области».*

«Салом, азизим, салом, бебаҳо құшиғим!

Менга етолмаганиңдек, сенға ҳам етолмасам керак. Тақдир бизни шундай яратғаш экан. Начора? Сенинг бетоблигигүйгіні эшитиб, касал бўлиб қолдим. Бошимни күтаролсам, ҳузуриңгга қушдек еламан. Ҳар сония пластинканғни қўйиб, юрак-бағрим сел бўлиб эшитаман. Ҳозир ҳам ёниб «Мажнун мопологи»ни чинакам Мажнундек куйлаяпсан.

...Аё ҳакими доно
Ҳар ҳукмда ҳокиму тавоно!..
Дерлар манг: «Ишқни унугил,
Лайли ғамидин канора тутғил».
Оллоҳ-оллоҳ, бу не сўз ўлғай,
Ул қавмиға тангри узр қўлғай.
Лайли ишқин танимда жон қил,
Лайли шавқин рангимда қон қил...

Оҳ, қанийди, қон бўлиб томирларингда оқиб юрсам, нола бўлиб бўғзингда чарх урсам, малҳам бўлиб дардингни олсам? Армопним йўқ эди!..

Бир неча марта концертларингга кирдим. Сени кўрдим, овозингни эшитдим дегунича эсҳушимдан ажралиб, ўзимни батамом унутаман. Мени ҳар гал концертдан ҳушсиз, қалбсиз олиб кетишади. Агар сен билан юзма-юз кўришсам, юрагим ёрилиб кетади, деб қўрқаман. Агар кўришолмасак...

Етар. Сени толиқтириб қўймай. Омон бўл. Соғайиб кетсанг, албатта кўришамиз. Мен бунга ишонаман. Биз яна дийдорлашамиз, қўшиғим. Агар...

*Сени соғинган Фарангис.
Ленинград шаҳри».*

1985 йил 25 январь. Қиши. Совуқ. Қор ёғарди. Мактуб эса йўлда эди. На шиддатли поезд, на тезучар самолёт бу мактубин эгасига етказолмади. Ўша куни жигаргўшалари, дўстлари, қариндошлари ва хабар топган маданият, адабиёт ва санъат аҳли буюк санъаткор Ботир Зокиров билан видолашниб, уни ҳеч қачон мактуб етиб бормайдиган жойга — сўнгги йўлга кузатабтган эди. Мотамсаро осмон унинг тобути устнига тинимсиз қор эларди. Видолашаётган қалблар фарёдиннинг чеки йўқ...

Пойтахт Тошкент кўчалари мотам зарбидан оғир сукутга чўмган, бу мотам она заминни зир-зир титратадек эди. Афсуски, мотам кунида уни сўнгги йўлга кузатиш ҳам ҳалқига насиб этмади. Чунки у яна дала-да, яна пахта экиш дардида эди. Эшилди. Лекин жуда кеч эшилди. Одатдагидек кечга қолиб йиглади. Ўз юртига қўшиқдан ҳайкал қўйган... тобут эса армонда кетди...

У эллик йиллигининг сценариини ўзи ёзмоқчи, репертуаридан маҳсус программа тузиб, ҳар бир қўшиғига шарҳ — тўрт қатор шеър битмоқчи эди. Суратларидан саралаб сайлаб биринчи марта шахсий кўргазмасини ташкил этишини ният қилгани эди. Афсуски, у қалбида айтилмаган қўшиқларини, чизилмаган картиналарининг оҳори рангларини, кинода яратмоқчи бўлган ёрқин образларини ва яна қанча-қанча ушалмаган буюк орзуларини ўзи билан олиб кетди.

Унинг: «Она ҳалқим олдида жуда қарздорман. Бир фарзанд ва хонанда сифатида шу қарзларни узишим шарт. Ҳали ҳалқимга кўнглимдагидек хизмат қила олганим йўқ. Бошқача куйлаш, бошқача чизиш керак», дея ўз ижодидан қониқмаслик ҳислари билан тўлибтошган сўзларини эслайман. Чинакам санъаткор асли шундай бўлмоғи керак эмасми, ахир?! Бу ҳалқ қалбидаги қола биллиш санъати ҳамдир.

ҲИҚОЯЛАР

ТЕГИРМОН ҚАРШИСИДАГИ ҮЙ

У киприклари бирлашиб кетишидан чүчийді. Мабодо құзларини юмса, дастлаб янғы үй пайдо бўлади: беш қаватли чиройли бинонинг иккинчи қавати, йўқ, учипчи, аммо унга бешинчи қават ҳам бўлаверади. Агар ҳиммат кўрсатиб тўққиз қаватлисининг охирги қаватидан беришса-чи? Бу унтуилмас яхшилик учун розилигини қўз ёшлари билан изҳор этишдан ҳам тоймас эди. Лифтсиз бўлсаям амаллар, хотини ўғилчасини, у эса бир қўлида хўжалик сумкасини, иккинчи қўлида қизчасини кўтариб, азбаройи севинчидан тўққизинчи қаватга дам олмасдан кўтариilar эди. Эмин-эркин...

Ана, беш қаватли бино. Йўқ, тўққиз қаватли... Бешинчи қават, иккинчи қават! Аммо унга тўққизинчи қават ҳам бўлаверади. Бўри ерниди уни? Бунча раҳмдил бўлмаса одамлар... Қаранг, азоб чекмасин деб, марказдан беришибди... Уч хонали. Иссикқина. Деворларига чиройли гулқоғозлар ёпиштирилган. Шинамгина. Энг муҳими, иссиқ сув, совуқ сув. Вания. Оппоқ ванина. Ҳузур қилиб чўмилади. Бу чекаётгани азобли кунларининг ҳаловатини ана шу ваниндан олади. Ҳузур қи-либ...

— Ҳе, қуриб кет-ей, балогинага йўлиққур-ей,—қаердандир хотинининг одатдагидай ваҳима аралаш овози звитилди.

— Қаламуш?.. Тўққизинчи қаватда-я?! — асаблари қақшаб, кўзларини очди у.

Хайрният, ўзишининг эски уйнда, эски диванда ётган экан. Лаънати махлуқ. Яна бир оз кўринмай турганда, мазза қилиб «чўмиларди»...

* * *

Нормурод район ижроия комитети квартира бўлими бошлиғининг қабулидан ҳар галгидай кўнгли хижил бўлиб, бирор сўзи ўзгармаган одатий «қоп-қоп» ваъдадардан «тўйиб» чиқди. Чиқди-ю, ҳар сафаргидай ишхонага — комбинат директори ҳузурига йўл олди. Кейинги икки йилдан буён гоҳ квартира бўлими бошлиғи ҳузурига, гоҳ директор қабулига бўзчининг мокисидай қатнагани қатнаган.

— Мумкиними? — деди у эшикни секин очиб.

Директор уни кўрган бўлса-да, гўё ҳеч нарса эшитмагандай кўзларини столи устидаги қофоздан узмади. Тўғриси, директор унинг турқи тароватини кўришга асло тоқати йўқ эди.

Нормурод ичкарига кириш-кирмаслигини билмай, оstonада бир зум серрайиб қолди. «Бемаҳал келибман шекилли», деб ўйлади.

— Мумкиними? — деди қайтадан овозини сал баландлатиб.

— Ҳа, сенми? Киравер. Ҳўш, нима гап? — деб сўради директор столидаги қофозлардан кўзини узмай.—Имилламай гапир, қулоғим сенда!

Юзларин йилтироқ бу одамнинг ёши элликларда. Аммо ёшига нисбатан тетик кўринади. Абжир ҳаракатлари билан ғайратли йигитларга ўхшаб кетади. Ажиғимидай оқ оралай бошлаган сочларини бўятниб, силлиқини қилиб тараф юради. Мода ишқибози, цех бошлиғи Илес ака доим янги чиққан мода журналини директор учун излайди. Бир сафар директорга тор келиб қолган бир тўда ажнабий кийимларни аллақайси базага өлтиб алмаштиргунича тентаги чиққан эди бечоранинг. Ана

шұнақа, директор — «ұзим қары — күнгілім «әш»лардан...

— Квартира масаласида,— деди Нормурод иймапиб. Директор чақалоқлигидаям бутын маҳаллапи бошига күтартған бўлса керак, ҳозир ҳам «секин» гапирганда қулоғинг уч кун шанғиллаб юради. Бу сафар ҳам Нормуроддиниг қулоғи остидан милтиқ отилгандай бўлди.

— Яна квартирами? Сенга минг марта айтганиманку, рўйхатни раийсполкомга берганмиз, деб... Утган йилги рўйхатдан қолиб кетган бўлсанг бу йилгисида борсан. Нима, ҳадеб бошимни қотираверасанми? Сенинг квартирангдан бошқа иш йўқми, бу комбинатда? Ё сенинг лешонангда ойишг борми, ука?

— Сизга ким ойи бор, деди?

— Навбатда сендан бошқалар ҳам бор-ку! Жимгина кутишяпти. Квартира сенга хотинларнинг капрон пай-поғи эмас,— одатдагидай «фалсафа» сотишга ўтди Акобиров.— Прилавканнинг остидан марҳамат қилинг, деб жуфтнии узатса!.. Ҳали ёш экансан, кутгин!

— Қеча ўғлимизнинг бармоғини сичқонми, каламушми тишлиб кетди...

— Ҳа, тишлиб кетдими? Ўғилчангизнинг бармоғиними?— У яна Нормуроддиниг сўзларини бўлиб, кичкина кўзларини пирпиратиб, айланма креслога бемалол суюниб, кесата бошлади:— Бай-бай, жуда чатоқ бўлибди-да, а?— Гўё афсусланаётгандай, бошини қимирлатди. Сўнг кресло суюнчиғида осилиб турган қўлларини чаққонлик билан олиб, роль бажараётган актёрдай қимирлата бошлади.— Аша шұнақа, бу одамлар, биттасининг ўғлини бурга чақади, биттасининг ўғлини таракап еб қўяди. У кишига дарров янги уй бериш керак. Мабодо, сени пашаша чақсаям, янги уй беринг, деб келарсан, а? Тавба, сичқонми, каламушми тишилаган бўлса, мен нима қилай, ука? Ё мен айборманми? Йўқ! Бунга ўзинг айбдорсан. Давним-давно ҳал бўладиган нарсани чўзиб юрибсан.

Нуқул «навбат-навбат» деган билан иш битмайды да. Келиб-кетиб, сўраб-сурештириб турниш керак. Навбат-даям, навбат бор, друг. Уй менинг чўнтағимда эмас, бориб райисполкомининг квартира бўллимига учрашгин. Дардинги ўшаларга айт!

— Ҳозир ўша ердан келяпман. Улар сизга юбориши. — Нима, мен ордер ёзиб бериш им керакми кан? — Ҳеч ким сизга ордер ёзиб беринг, дегани йўқ. Факат биз яшаб турган барак, ун заводининг тегирмоси ёнида, аварийний ҳолда экаплиги ҳақида справка керак экан. Уёқда врачларниңг справкаси бор. Вазиятни сизга қайта-қайта тушунтияпман-ку.

— Вазият эмиш! Бизининг вазиятни ҳам эшигдининг-ку,— деди директор пахта гулли чойнакдан пиёлага ярим қилиб чой қуяр экан. Сўнг чойдан истар-истамас, бир қултум ҳўплаб, давом этди.— Рўйхат райисполкомда! Агар квартира беришмоқчи бўлса, бир парча справкасиз ҳам беришаверади. Арзин додигни ўшаларга бориб айт, дедим-ку!

Нормурод нуқул ўзишикини маъқуллайдиган бу ялтироқ одам билан адидади айтиб ўтириш бефойдалигини тушуниди. Унинг «вазияти»дан келиб чиқадиган талабини бажаролмаслигини айтмоқчи бўлди-ю, индамади. Дириектор хонасидан одатдагидай шалвираб, ноумид бўлиб чиқиб кетди. Қаёққа боради? Кимга учрашади? Дардини кимга айтади?.. Айтди ҳам дейлик... Қейин-чи? Масала барибир директорга келиб тақалади-ку! Дириектор эса тўтиқушга ўхшаб нуқул «вазият» дейди. Уёқда эса каламушлар... яна оворагарчилик...

* * *

Хотини ўғилчасига укол қилдириб қайтди. Унинг динанда чўзилиб ётганини кўриб, астагина сўради:

— Яна ошқозонингиз оғрияптими?

- Оғригандан күра тешилиб кетгани яхшийди. Ҳам-
масидаң қутулардим,— деди у зардаси қайпаб.
- Райисполкомдагилар нима дейнишди?
- Нима дейди? Яна Акобировга жұнатди.
- Ҳозир остановкада нариги баракта турадиган Та-
марани күрдим. Шу ҳафта ордер олар экан. Эрингга
айт, озроқ чұза, ҳал бұлади, дейди.
- Нимани чұзасан? Қаердан чұзасан?.. Худди Жа-
лойирда отанғыннің сурев-сурев қўйлари ўтлаб юрган-
дай оғиз күпиртирасан. Ҳозир ўзиям шунга шама қил-
ди. Чүзганлар чұзаверсии. Лекин мен чўзолмайман.
- Қийналиб, сарсон-саргардон бўлиб, болапи бун-
дай аҳволда олиб юргандан кўра хешлардан сўрасак
йўқ демас... Берса, шу пайтгача берарди-да. Уч йилдан
буен судрайди. На бу чалdevорни бузади, на уй берарини
айтади. Томоқлари тақиллаётган бўлса керак-да...
Ҳеч бўлмаса қарз олайлик, кейин аста-аста узармиз.
- Тавба, қарз олармиш! Сенга шу замонда қарз бе-
радиган қариндош қолдими? Нима, мен институттинг
ўқитувчиси ё катта столнинг әгасимидимки, улар қарз
берса... Майли, шу баракда турсак турибмиз, лекин
қарз сўрамаймиз. Ахир пора бериб олинган уйда қандай
яшаб бўлади? Худди тўшагимиз остида илон ётгандай
домм қўрқиб яшаймиз. Тамараниннің йўли бошқа. У сўқ-
қабош, чұза, чұзаверсии. Ҳозир ундаиларнинг ошиғи
олчи.
- Хотини бу ўжар эрга гап уқтириш қийинлигини ту-
шунди.
- Нормурод ағройиб турган ўғилчасини ўрпидаң ту-
риб кўтариб олди. Сўнг каламуш тишлиаришинг ўрни
қолган бармоғини қўллари орасига олиб, аста силади.
- Уф-фа бўлдими?
- Уф-фа! Уф-фа!— деди ўғилчаси ҳам бармоғини
қимирлатиб.
- Ҳали ўлдирамиз ярамас махлуқларни. Қўлнимиз-
га тушнаб қолса, дабдаласини чиқарағын!

Үғилчаси отасининг нима деяётганини тушунмай, бегубор кўзларини катта-катта очиб, бармоғини кўрсатиб: «Уфа-а, уфа-а»,— дерди...

* * *

Нормурод ошқозоп оғриғи бир оз босилгач, раийжрокомга йўл олди.

Қабул куни бўлгани учун одам кўп. У навбатга асо тутган кампирдан кейин турди. Шу пайт кимдир қабулхона эшигини шитоб билан «қарс» этказиб ёпди-да: «Квартиранг билан қўшмозор бўл. Нуқул алдайди-я»,— деганича қоқсуяқ елкасини осилтириб чиқиб кетди.

— Сал буёғи чатоқроқ шекилли,— деди турганлардан бири кўрсаткич бармоғини бошига нуқиб.

— Қатнайвергандан шу ҳолга тушиб қолган бўлса керак, бечора,— деди бошқаси.

Нормуроднинг бу ерда юраги сиқилиб кетди. Ташибарига чиқди. Узун тераклар остидаги скамейкага бориб ўтириди.

— Ҳа, болам, яна келдингми?— деди қоровул чол, тераклар остидаги сув кранини беркитаётib.

У арин уясидай ғувиллаётган бошини кўтариб, овоз келган томонга қаради. Ҳар доим келганида шу чолнинг навбатига тўғри келади. Ўрнидан туриб чол билан салом-алик қилди.

— Болалар эсон-омонми ишқилиб?

— Уйсиз жуда қийин бўляпти-да, ота. Фалокат босиб ўғилчамизини бармоғини каламуш тишлаб кетибди.

— Уйингдами? Вой, қисталоғ-э! Докторга олиб бордингларми? Ҳозир дурустми ишқилиб?

— Кеча тунда, ухлаб ётган жойида. Ҳозир укол оляпти, яхши.

— Баракларини тегирмоннинг ёнида-я? Дон бор жода албатла каламуш бўлади. Жуда ғаламис ҳайвон... Үндай бўлса тўғри катта хўжайининг олдиларига кир-

тии. Ҳа, яхши одам. Оббо, у киши ҳозир отпускада, ошқозонларини даволатгани кетган... Анави квартир бўлимидаги хотинга тушунтириб бўлмайди. У сендақалар билан гаплашмайди, болам. Одамини топиш керак.

Чолиниг гапи оғзида қолди. Нормурод навбатда ўзидан олдин турган кампирнинг кетаётганини кўриб:

— Менинг навбатим келибди, ота. Омон бўлинг,— деди.

— Яхши. Лекин ҳаммасини ётиғи билан гапир. У ҳам одам, тушунар ахир. Болани эҳтиёт қилинглар...

Нормурод қабулхонага кирганида арзимаган нарсаларга бақириб юрадиган квартира бўлими бошлиғи, телефонда ким биландир хушчақчақ гаплашарди:

— Ҳм-м, яхши-яхши! Ўтказиб олдик. Ўзинглар яхши ётиб бордингларми?.. Яшаётпти... Бугун келинни олиб айланишга кетган. Ҳа, эшиятпман... Ҳм, ҳм. Ўйлари янгииди-ю... Ҳа, кичигигами? Ўйланадими? Яқиндами тўй? Анави ким эди, ҳа-ҳа, Руфик! Хорошо! Центрандими? Хўп-хўп... Лекин озгина кутади. Иложили қиламиз... Келаётган сешанбада менга ҳужжатларипи қолдириб кетсин. Рўйхатга илнитириб қўяйлик... Бўлади. Бўлмай қаёққа ҳам борарди? Импортий бўлса олиб қўйинг. Эллигинчисидан... Ўзимни бор-у, жигарранг. Қизилидан бўлса яхши бўларди. Менга бўлмаса овсигимга бераман. Ҳа, айтгандай, сизларда жинси-пинси бўлиб турадими?.. Юбкаси бор, агар шимидан келиб қолса, хабар қиласиз. Хўп-хўп... Омон бўлинг, салом денг. Бўлмаса, хайр.

— Акобировга учрашдингизми?— деди бошлиқ телефон трубкасини қўяр-қўймай, қиёфаснiga жиддий тус бериб. Товуши ҳам ажабтовур ўзгарди. (Артист бўлиб кет-еъ, баччагар!)

— Учрашдим, лекин справка бермади. Райисполкомдагилар ҳал қиласи,— дейди.

— Справка бермагани чатоқ бўлибди. Энди, ука, шунча кутганингизга яраша бир оз сабр қиласиз. Шу

яқни күнларда сизлар яшайдыған тегирмөннинг қарши-
сидаги баракки текширишга раиссполкомдан комиссия
боради. Сизнинг хонағизни ҳам күради. Лекин барибир
Акобировга учрашиб, справкани олиб, ҳужжатларин
тахт қилиб қўйининг,— деди бошлиқ, сиз билан бошқа га-
нимиз йўқ, дегандай қараш қилиб. Буниси «справка»,
дейди. Униси «вазият», дейди. Шоир айтганидек, «ўрта-
да сарсон илик».

Ошқозонининг оғриғи зўрайгани ва бошлиқ ҳар га-
нида Акобиров, «справка» деявергани учун ғиди-биди
қилиб ўтирумади. Чунки Нормурод бу гал ҳаммасини
тушунгани эди.

* * *

Нормурод туш кўрди. Тушнда унга янги уйнининг ор-
дерини беришибди. Лекин негадир ордер Акобировнинг
қўлида эмиш. Нормурод хурсанд бўлиб Акобировнинг
ёнига борса, у ордерни худди коптоқдай квартира бўли-
ми бошлиғига иргитармиш. Бошлиққа яқиплашса, у
жонҳолатда Акобировга отармиш. Нормурод икки орада
югуравериб, охири чарчабди. Ҳаммасига қўл силтаб
жаҳл билан кетаётган экан, бир пайт ордер оҳиста оёқ-
лари остига келиб «қўнибди». У севинчдан энтикиб,
чарчоқларини уннутиб, ордерга қўл чўзган экан, кутилма-
ганда ордер бир даста пулга айланниб қолибди. Ток
ургандай қўлларини тортиб олиб, пул-ордерни тепиб
юборибди. Шунда кутилмаган мўъжиза рўй берибди.
Хазон япроқларидай сочилиб ётган пуллар (орасида ор-
дерлар ҳам бор эмиш) ўрнида, гўё тоғ ўсиб чиққандай
тўққиз қаватли янги уй пайдо бўлибди. Нормурод олдин
кўзларига ишонмабди, сўнг ўзинга келиб разм солса,
юқори қаватлардан бирининг айвонида хотини ўғил-
часини кўтариб турганмиш. Улар баробарига қўллари-
ни силкиб Нормуродни чақиравмиш. Во ажабо! Наҳот,
унга янги уй беришган бўлса?.. Нормурод саросимага

тушиб ҳовлиққаңча ұзини яңғы үйінінг подъездіга урибди. Урибди-ю, тұхтабди. Чунки лифтдан асіл ва әркакпинг: «Ердам беринглар, ердам!»— дея уввос солиб ёлвораётгани әшитилибди. Таниш товушлар. Тұхтаб қулоқ солса, Акобиров билаш квартира бўлими бошлиғи ҳам лифт ичидағи темир қафасда эмиш. Улар Нормуродни кўриши билаш бир-бирига гал бермай ялиниб-ёлворишга тушишибди. Лекин Нормурод ердамга иштилган ҳам экан, тұсатдан гўё темир қафасни ер ютгандай пастга, тубсиз чоҳга тушиб кетибди...

Ана шунақа, у киприклари бирлашиб кетишдан чучийди. Мабодо кўзларини юмса, туш кўради. Тушида эса янғы үй пайдо бўлади...

ҲАЁТ ҮЙИНІ

«Лагар үйінда ҳаддан ошиб кетилса ёки камҳафсалалик қилинса подоплар кулади-ю, аммо доно томошабин маъюс бўлади...»

B. Шекспир, «Ҳамлет».

— Стоп! Ҳў, кимга айтапман? Стоп!.. Мундоқ тўхтасангиз-чи, Қутбиддинов! Одамни қон қилиб юбордингиз-ку. Актёр ҳам шунақа палакмурда бўладими? Мунча чайналасиз? Бу ланж сўзларинигизга, сохта ҳаракатларингизга томошабин ишонмайди. И-шон-майди! Бузоқ ғажиб ташлаган латтага ўхшайсиз, Қутбиддинов! Ким айтади сизни эл оғзига тушган актёр, деб?.. Уф-ф! Бир ҳафтадан буён аҳвол шу! Мажлисларда томоқ йиртиб, катталар билан адп-бади айтишгунча образ устида ишласаңгиз бўлмайдими? Кошки, тўғригўйликнинг фойдаси бўлса? Бундан ташқари премьера яқни. Министрликдан ҳар куни қўнғироқ... Йўқ, шу аҳволда сизни саҳнага чиқаролмайман. Тамом!— деди режиссёр қатъий қилиб.

Актёр Иzzат Қутбиддинов бир зум саҳна ўртасида далағады күриқчидай қаққайып турди. Вужуди музлади. Юраги оғир санчди. Тищларини тишлирига қаттық босди. Томогига нимадир тиқилди. Гапиролмади. Режиссёрнинг аччиқ таъсалари, ари заҳридек кесатиқлари күнглигта тошдай тегди. Бир хаёли бу калондимоғ бодиачининг боплаб бир адабини бермоқчи бўлди-ю, лекин кечаги мажлис ёдига тушиб, режиссёр ундан боплаб ўч олаётганилигини тушунди. Тушунди-ю, шахт билан ўриндан қўзгалди. Қанчалик тез юрмасин, гўё танаси оғирлашиб, оёқлари саҳнага ботиб-ботиб бораётганга ўхшарди. Орқасидан янграган шайтоний қитмир кулгилар унинг қадамини тезлаштириди. Гўё кимдир зарда билан елкаспидан итариб юборгандек бўлди.

У тор йўлаклардан ўтиб, иккинчи қаватга кўтарилиб, гримхонасиға кирди-ю, ўзини эски креслога ташлади. Кресло оғир ғирчиллади. Бошини кресло суяничига қўниб, қўзларини юмди.

«Нега? Нима учун?— пала-партиш ўйлай бошлади у.— Яна мени бадном қилишмоқчи. Яна муҳокама, яна мажлис, яна Қутбиддинов айбдор! Бу чала файласуф, эчкисоқол режиссёр ҳам директорнинг ноғорасиға ўйнай бошлабди. Қизиқ, чаласавод чаласаводни театрда топадиган бўлиб қолди. Бирон мукофот ёки унвон ваъда қилинган бўлса керак-да. Нега шундай муқаддас даргоҳда попоклар, шум инятли кимсалар ишлайдилар, «ижод» қиласидилар?»

У қўзларини очиб, шифтга тикилди. Оппоқ рангдан бўлак ҳеч нарсани кўрмади. Хийла кўнгли ёришгандай бўлди. Чунки у оқ рангни азалдан яхши кўради. «Нега оппоқ ранглар фақат олисда ё шуқул тепаингда бўлади?— унинг хаёллари қочади.— Нега? Дунё бунёд бўлибдики, икки ранг— оқ ва қора бир-бiri билан талашгани талашган. Оқ рангнинг умри ўзини ўзи ҳимоя қилиш билан ўтса, қора рангнинг умри эса бир томчи бўлса ҳам оқ рангнинг юзига доғ бўлиб тушиш.. Аёвсиз кураш...»

У бенхтиёр Мирзо Бедилдан ёдлаган бир рубонийни
эслади:

Дили ҳасад тўла, ичи қоралар
Доим туҳмат ила покин қоралар.
Шифт бурчига оппоқ пахта илиб кўр,
Шамдондан барча ис шунга ўралар.

Кутилмаганда шамдон Зокир Мажидовичга айланиб қолди. Ундан бурқисб қора тутун чиқа бошлади. Аслида Қутбиддинов билан бу қора тутун — Зокир Мажидович ўртасидаги кескни курашнинг иплари анчагина узун эди. Эҳ-ҳе, шу кураш жараёнларида нималар бўлмади дейсиз. Қутбиддиновни театрдан йўқотишга кўп марта уриниб кўришди.

Ушанда Зокир Мажидович обкомнинг идеология секретари эди. Айборлар унинг улкан қанотлари остида паноҳ топишиди. Асли касби ирригатор бўлган бу тарвузнусха одамнинг қандай қилиб идеология соҳасига келиб қолгани ҳаммага қоронғи. Бир гал театрда саҳналаштирилган «Ҳамлет» трагедиясини қабул қилишда қатнашгач, унинг ҳақиқий башараси очилди.

— Ким ёзган? — деди у режиссёрга юзланиб. — Нега у киши муҳокамада қатнашмаяптилар? Ҷақиририш! Ҳозироқ телефон қилинг, дарров етиб келсин.

Залда кулги кўтарилидди. Зокир Мажидович ўтирганинг жаҳл аралаш қовоқ солди.

— Хўш, сиз нега тиржайяпсиз, ука? — деди у Қутбиддиновга семизгина кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб.

— Автор бу оламни тарқ этганига уч асрдан ошди. Зокир Мажидович! — деди у ҳам ўзини кулгидан тийиб.

— Хўш, унда автори ўлган деб, оғзингга келган гапни саҳнада айтаверасанми? — Зокир Мажидович бўш келмай, қўлидаги қоғозларни титкилай бошлади. — Мана, бу жойда «Дания — зиндон» дединг. Тўғрими?..

Хүш, бундай дейишга нима ҳаққынг бор? Бу гаплар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқаларига рахна солади. Халқлар дўстлиги масаласи долзарб бўлиб турганда, сенинг гапларнинг сиёсий ошибка. Уртоқ режисср, иега политикага зид гапларни саҳнага олиб чиқасиз?

Залдагилар кулишини, кулмаслигини билмай бир-бирларига қарашди. Сочлари орқага силлиқ тараалган, пакана театршунос дудуқланиб пимадир демоқчи бўлди-ю, лекин товуши чиқмади. Сўнг режисср гапирди.

— Трагедия воқеалари Шекспир даврида бўлиб ўтган. Унинг бизнинг ҳозирги жамиятимизга, сиёсатимизга мутлақо алоқаси йўқ. Қолаверса, истеъодди актёр Иззат Қутбиддинов Ҳамлет ролини маромига етказиб ижро этди. Мен уни шундай ажойиб образ яратганини билан самимий табриклайман... Уртоқлар, спектаклни томошабинларга кўрсатайлик, уларининг ҳам фикр-мулоҳазаларини эшитайлик. Коллектив меҳнатига бундай енгил-елпи баҳо бериш адолатдан бўлармикин? Менимча, трагедия ёмон саҳналаштирилмади.

— Лекин яхши деб ҳам бўлмайди,— кескин қўй силтади Зокир Мажидович. Муҳокамада биринчи бўлиб хизмат кўрсатган артист Турғунов сўз олди. У Зокир Мажидовичнинг фикрларини тўла қувватлаб, режисср ва бош роль ижроисининг камчиликларини ёмғирдай «ёғдирди». Чунки у ҳам кўпдан буён Ҳамлетни ўйнашни орзу қилиб келарди. Лекин режисср «увол бўлади», деб бу ролни унга бермади. Оқибатда, Турғунов режиссрдан ҳам, Қутбиддиновдан ҳам аламини олди. Муҳокамада бирин-кетин турғуновчилар сўзга чиқиб, спектаклинига тақдирини ҳал қилдилар.

Қайтиб «Ҳамлет» саҳна юзини кўрмади. Қутбиддинов қалбida Ҳамлет образи — бир умрлик армон бўлиб муҳрланди. Режисср бу трагедияни саҳнага олиб чиқишига кўзи етмагач, замонавий драма устида иш бошлади. Иш жараёнида бош қаҳрамонлардан бири обра-

зини ўйнаётган Турғунов билан жапжаллашиб қолди. Машғулот жараёнида унинг башарасига мушт туширди.

Шикоятни текширгани театрга яна Зокир Мажидовичнинг ўзлари ташриф буюдилар.

— Ҳў, падарқусур Турғунов, шу девдай жасадинг билан мишиқи режиссёрдан таёқ едингми? Саҳнанинг четига олиб чиқиб тортмайсанми? Бўлди, йиғлама, тур ўринингдаи. Қани, жаижални бир бошдан айтиб бер-чи, нима бўлди ўзи?

Турғунов ўршидан туриб, президиум томонга ўтиб, бўлган воқеани икнир-чниригача эзмаланиб айтиб, кўрсата бошлади.

— Мен саҳнанинг анати жойида, режиссёр залда ўтирган эди, бир қўлида микрофон, бир қўлида тўрт тийинлик пирожжака. Чапиллатиб чайнаётгани микрофондан эшитилиб турибди. Одамнинг ғашига тегади...

— Қандай мушт еганингни айт? — Унинг гапини бўлди Зокир Мажидович.

Турғунов яна чайпала бошлагач, Зокир Мажидович унга қатъий қилиб: «Ўтир», деди. Сўнг режиссёрининг хатти-ҳаракатларини жиддий танқид қилди. Театр директорига иккаласидаи ҳам «тушунтириш хати» олиб, менга зудлик билан етказинг, деб тайинлади...

Режиссёр «тушунтириш хати» ўрнига ариза ёзиб қўяқолди. Турғуновга бир ой ичида «Халқ артисти» унвони берилди. (Обрўйини сақлаб қолиш учун!)

Театрдаги ишлар аста-секин Турғуновниш маслаҳати, йўқ-йўриқлари билан ҳал этиладиган бўлди. Ҳар гал бириичи зарбага Қутбиддинов дуч келади, ё унга роль беришмайди, ё ўйнаган ролини танқид қилишади...

Кутилмаганда Зокир Мажидович секретарликдан кетиб, область маданият бошқармасига бошлиқ этиб тайинланди. Энди у театрга келиб мажлислар ўтказар, репертуардан спектакллар ўрнига кўпроқ концерт программалари ўрин олиши қераклиги ҳар сўзида таъкидланарди. У бир куни Кутбиддиновга юзланди:

— Ука, сиз ҳам иуқул пасон ролларда ўйнайвермасдан, мундоқ қўлингизга торни олиб, саҳнага чиқинг, «Бир дона гул, бир дона»дан олинг, мазза қилиб эшнтайлик.

— Қачон қўшиқ айтганимни эшитгансиз? — деб сўради у жиддий оҳангда.

— А, энди эшитамиз-да.

— Унда концерт залига боринг! Бу ер театр,— деди Қутбиддинов кескин ўриндан туриб, саҳнадаи чиқиб кетар экан.

— Менга ўргатманг. Қаерга боришини яхши биламан, ука!..

Бундай тазиიқларга чидолмаган режиссёр шартта ишдан бўшади-ю, ўша оқшом поездга ўтириб жўнаб кетди. Театр остонасидаи яна бир истеъодди режиссёрининг қадами узилди. Қутбиддинов уни қайтариш учун республика Маданият министрлигига, Театр арбоблари союзига олдин ўзи, кейин бир гуруҳ актёrlар билан илтимос қилиб хатлар ёзди. Бўлмади. Унинг ўринига министрлик ҳозиргила Қутбиддиновни ролдан маҳрум қилиб, саҳнадаи чиқарни юборган Манион Рустами режиссёр қилиб тайинлаб юборди. Аслида кипорежиссёр бўлиб, тўрт-беш ўртамиёна бадиий фильмни суратга олган бу қайсар одам театрини яхши билмайди. Шунинг учун ҳам ишга келган куниданоқ трамвайга ўхшаб, Зокир Мажидович кўрсатган «темир йўл»дан юра бошлади. Биринчи маслаҳатчи қилиб ёнинг Турғуповни олди. Чунки Турғупов унинг иккита фильмida бош қаҳрамон ролини ўйнаган эди. Энди унга худо берди. Ҳатто саҳналаштириладиган асарларни режиссёр эмас, у ташлай бошлади. Баъзан ролларни тақсимлайди. Мишмишларга қараганда театрга директор бўлишга ҳам кўп ҳаракат қилган. Кутимаганд... Ҳа, кутилмаганда, Зокир Мажидович «ўз аризасига бишоан...» вазифасидан озод этилиб, театрга — директор лавозимига тайинланди. Тайинланган куни узоқ ва зерикарли маж-

лис қилди. Үнинг бир ёнида Манион Рустам, бир ёнида Турғулов ўтириб олиб, ҳар гапига қарсиллатиб қарсак чалишди.

Бу орада Қутбиддиновга ҳамдард бўлиб юрган тўртбеш актёрлар ҳам директор томонга ўтиб кетди. Мажлисларда сўз олиб уни қоралашди. Чунки бу актёрларниң ёши бир жойга бориб қолган, ҳам на унвон, на мукофот олишган эди. Агар Қутбиддиновга эргашиб юришса, шу зайлда пенсияга чиқиб кетишлари турган гап. Мажлисларда онда-сонда Қутбиддиновга сўз берилганда у одатдагидай театрнинг тақдири, репертуар, томошабин муаммоси, актёрнинг савияси, гастроллар ҳақида куйиб-пишиб гапиради. Лекин униш қуюнишларни мутлақо инобатга олинмасди. Мажлис сўнгига ё ўйлаб кўрамиз дейиларди, ё Турғулов маҳсус сўз олиб ҳаммасини инкор этарди.

Зокир Мажидович катта лавозимларда ишлаб, анча пишган эмасми, Қутбиддинов билан ўрталаридаги муносабатни кескинлаштиrmай, уни ўзига бўйсундиришни зидан анча узоқдан бошлади. Олдин ҳузурига чақириб, юзма-юз гаплашди. Мукофот олиб бераман, деб ваъда берди. Бўлмади. Қутбиддинов қайтмади. Сўнг уни ўша ваъда қилган мукофотлардан маҳрум қилди. У ўйнайдиган спектаклларни секин-секин баҳона топиб, репертуардан чиқара бошлади. Мажлисларда Турғунов орқали уни колективга қарши қайради. Лекин Қутбиддинов барнибр бўйин эгмади. Кўксинда ҳамиша уйғоқ турган муқаддас туйғу — имони бунга йўл қўймади. Барча тазийкларга, катта-кичик азоб-уқубатларга сабрқаноат билан чидади. Чидаб келди-ю, охири кечаги мажлисада вулқондек портлади:

— Зокир Мажидович, сиз жуда кўп йиллардан бери, аниқроғи, идеология соҳасида ишлай бошлаганингиздан буси маданиятимиз гултожи — театрни топтаб, оёқости қилиб келяпсиз. Театрдек муқаддас даргоҳнинг тақдири сиздек ирригаторга қолганидан ниҳоятда ачинчаман. Ме-

ни кечириңгү, түғриси, сиз ҳақынгизда гапиришдан ҳазар қыламан, жирканаман...

— Ҳү, ука! Жуда ҳаддингиздан ошманг. Зокир Мажидович ҳам ўйнаб юргани йүк. Қашча актөрларга уй бердим, талашиңб-тортишиб бўлсаям мукофот, унвоилар бердим.

— Уй билан мукофотни сиз эмас, ҳукумат берган.

— Э, ҳукумат ўзимиз-да, ука.

— Йўқ. Сизнинг ҳукумат номидан гапиришга ҳеч қандай ҳаққингиз йўқ. Чунки ҳукуматни одамлардан, одамларни ҳукуматдан бездирадиган тўсин деворсиз. Сизга ўхшаган тоифалар жамиятни ҳам, одамларни ҳам чалғитиб, тўғри ишларни тескари қиласизлар. Фикрингиз тўғрими, нотўғрими, уни бажаришга қўл остингизда гиларни мажбурлайсиз. Бажармаганларни эса турли йўллар билан таъқибга оласиз. Урин келганда пашшадай эзғилаб ташлайсиз. Сиз...

— Шахсига тил теккизма!— деди одатдагидек Зокир Мажидовичининг ёнида ўтирган Турғунов уни сенсираб.

— ...Сиз одамларни муттаҳам қилишга, уларни ўз чизган чизигингиздан юргизишга устаси фарангсиз!— У Турғуновнинг луқмасига парво қилмади.

— Кимни муттаҳам қилибман? Эшитайлик!— кесатди директор чап қўли билан кўксилли асабий ишқаб.

— Иложи бўлса қўлинигизда ишлайдиганларнинг ҳаммасини. Бирор кичик хато ёки айб қилиб қўйса жуда қувонасиз. Ундан дарров «тушуптириш хати» олиб, «жилов» папкага солиб, бечорани бенип «боғлаб» қўясим. Вақти-соати келса, ўша хатни эслатасиз, шўрликнинг дами ичига тушиб, итоат билан топшириқларингизни бажара бошлади. Бу ҳам ҳолва. Ҳатто милицияда ишлайдиган жиянингиздан фойдаланиб, бирорларнинг тақдири билан ўйнашасиз.— Залинг у ер-бу ерида қарсак чалинди.— Ўзигиз улар билан бирга ичиб, сўнг жиянингизга телефон қилиб... яна уларни тўё ҳотамтой-

дек ҳушерхонадан асраб қоласиз. Айтаверсак, гап кўп. Сиз ва Турғуновнинг наираингларинги гизга чидай олмаган ўн бешта актёр мажбур бўлиб бошқа театрларга кетиб қолишди. Қойил-ей, артистлар саҳнада ўйнасалар, сиз ҳаётда ўйнайсиз. Ноёб талантсиз.

— Бас қилинг! Бу бемаъни гапларинги учун керакли жойда жавоб берасиз. Ичкиликка қарор чиқсан бўлса, причём здесь Мажидов! — Зокир Мажидович тарақлатиб столни муштлади. Унинг ҳали қизарниб турган юзлари оқара бошлади. Яна кўксини чанглаб, тили остига дори ташлади. Турғунов чаққонлик билан гравиндан сув қўйиб узатган стаканини нари сурди.

— Калта қилинг, Қутбиддинов! — деди кимдир залдан.

— Давом этинг, Қутбиддинов! — деди бошқаси.

Зал ғала-ғовур бўлиб кетди. Мажлис раиси унинг гапириш-гапирмаслигини овозга қўйди. Кўпчилик овоз билан яна Қутбиддиновга йигирма минут вақт берилди. Берилди-ю, Зокир Мажидовичнинг боши «гуп» этиб столга тушди.

Афсуски, Қутбиддинов озиб-ёзиб бир битини тўкмоқчи эди, бўлмади. Директорни зудлик билан касалхонага олиб кетишиди. У ё наираинг қилди, ё...

Бирорлар Қутбиддиновга еб қўйгудек бўлиб ўқрайди. Бирорлар эса пана-панада унинг қўлларини сиқишиди. Лекин ҳеч ким на тўғри, на нотўғри гапирганини баралла айтмади. Чунки театр юбилейни яқин: кўплар унвон ва мукофотларга тавсия қилинган эди.

Энди ҳаммасига чидайсан! Ҳақ деб майдонга кирдилгми, ҳақлигинги исботлайсан. Ахир бор ҳақиқатни айтиш учун шунча йил қийналиб, азоб чекиб, оғзишгга қум солиб келдинг-ку! Андиша қилдинг. Бола-чақангни, бир оз бўлса ҳам тишчингни ўйладинг. Ич-ичингдан эзилган бўлсанг ҳам ҳеч қачон сиртингга чиқармадинг. Кеча эса кутилмагандан театрда эзилнила қилдинг. Зилзиладан сўнгти ҳаёт ўзинингга маълум...

У хаёллар гирдобига чўкиб, гримхонасида узоқ ўтириди. Бир маҳал ўринидан туриб, кийинни ташқарига чиққанида қош қорайиб қолганди. Ичкарида спектакль кетяпти. План бўйича бугун у бош роллардан бирини ўйнайдиган «Қали менинг юлдузим?» спектакли бўлиши керак эди. Лекин кеча режиссёр Зокир Мажидовични касалхонага ётқизиб келгач, дарҳол афишани ўзгартириб, Турғунов бош ролини ўйнайдиган «Осмону фалак» спектаклини қўйди.

Пўк! Энди Кутбиддинов театрдаги бу найрангбозликларга, гуруҳбозликларга томошабин бўлиб ўтирмайди. Пешонасадан кўради. У турли томонларга, турли ташвишлар билан шошаётган одамлар тўдасига шашт билан қўшилди.

...Ресторан гавжум. У баъзан кўнгли ўксиб, хафа бўлган кезларида шу ерга кириб нафасини ростлади. Сархуш бўлиб узоқ-узоқ, ширин-ширин хаёлларга ботади. Дунёни, ҳаётининг икир-чикирларини бирпас унтиб қўшиқ айтсаётган мовний кўз қизни, завқ-шавқ билан ўйин тушсаётган одамларни кўриб дилининг чигили бир оз ёзилади.

Бу сафар ҳам уннинг доимий ўрни — бурчакдаги иккнишилик стол бўш экан, бориб ўтириши билан таниш официантка етиб келди. Лекин буюртма беришга улгурмади. Ердан чиқдими, осмондан тушдими — қаршисида ҳамқишлоғи, мактабдош дўстни Музаффар турарди.

— Э, Иззатвой, бормисан, жўра? — деди Музаффар овозини балаанд қўйиб, қучоқларини очиб,—ё сени фақат телевизорда кўриб юраверамизми, жўра?..

Салом-аликдаш сўнг Музаффар уни ўзлари ўтирган столга таклиф қилди. Олдии уни стол атрофида ўтирганларга таништириди.

— Ҳали хизмат кўрсатмаган, лекин ҳалқ артисти бўлишини орзу қилиб юргап дўстимиз Иззат Қутбиддинов,— деди у тантанавор оҳангда. Сўнг бўш қадаҳлардан бирини тўлдириб унга узатди.

— Бу ўтирганлар — ҳаммаси Навоийдан. Эртага Чернобилга командировкага кетяпмиз. Қани, танишганимиз учун олдик.

Столининг ўнг томон бурчагида ўтирган қорагина бола пимагадир ичмади. Униш афт-аңғоридан кайфияти йўқлиги билиниб турибди.

— Ҳа, Шуҳратжон, олинг. Нега ичмаяпсиз? — деди ёнидаги новча киши уни туртиб.

— Ҳеч кўнглим тортмаяпти, ака.

— Кўзни юмиб, бир ниқтанг, лип этиб кетади. — Бола қадаҳни қўлига олди-ю, ичмади. Кўзлари жавдираф яна Музаффарга қаради.

— Ака, шу командировкага сал кейинроқ борсам бўлмайдими? — деди ҳазин товушда.

— Ҳозир Чернобилдан ҳам зарур иш борми?

— Ӯғилчам сариқ касал бўлиб ётибди. Олдин ҳам бўлганди. Яна қайталаган. Аҳволи оғир.

— Қўй, бундай ваҳима гапларни. Худо хоҳласа ўғлинг отдаи бўлиб кетади. Юравер, бир ўйнаб келасан. Агар чарчаган бўлсанг гостинсага чиқиб ёт! Эрталаб аzonда учамиз. Қани, қўйилган қадаҳлар музтар бўлмасин. Олдик.

Шуҳрат қадаҳни нарироқ суреб, норози оҳангда пўнғиллади. Сўнг секин ўрнидан туриб, ресторандан чиқиб кетди.

— Музаффар, — деди Қутбиддин жиддий оҳантда. — Агар иложи бўлса шу йигитга жавоб бер. Бечоранинг аҳволи оғирга ўхшайди.

— Сира иложи йўқ, жўра. Бугун приказни министрлик ҳам тасдиқлади.

— Агар униш ўрнига олишса, ғинг демасдаи борардим.

— Сенми? Биз ҳам сени жон-жон, деб олиб кетардигу шу газетада урилганинг чатоқ бўлди-да, жўра. Биласанки, ҳозир урилгапларниш аҳволини... — деди Музаффар ўзича кулги қилиб.

У ҳайрон қолди.

— Қачон? Қайси газетада? Нима деб урибди?..

— Саккиз бетлик газетада. Қачонлигини билмайман.

Театрни ёзганниш, ўзим ўқиганим йўқ. Қишлоқдагилар ўқиб, сени роса дув-дув гап қилиб юрибди. Тунов куни Ҳалим аптекачининг тўйидаям, фақат сенинг ғийбатинг бўлди. Ишқилиб, тинчликми?

— Тинчлик,— деди у ўзини босиб.— Ижодда, театрда бундай гаплар бўлиб туради. Қани олдик. Соғ-омон бориб келинглар...

Гап мавзуи ўзгарди. Лекин Қутбиддинов қайтиб гапга қўшила олмади. Даврадагиларнинг у-бу саволларига чайналиб, ўзича фижиниб бир нималар деди. Бўлмади. Хайрлашиб ташқарига чиқди. Чиқаётуб Музаффардан яна илтимос қилди:

— Илтимос, ўша йигитни қолдириб кетгин. Бир одам кам борса осмон узилиб ерга тушмас.

— Ўша болаликдаги қайсарлигинг, тўғрисўзлигинг халиям қолмабди-да, ошна. Кўрамиз!

— Кўрамиз эмас, дангалини айт.

Музаффар жим бўлиб қолди. Ҳалигина даврани бошига кўтариб турган одамнинг дами ичига тушиб кетди.

— Гапир!

— Қолдиришга қолдираман-у, кейин раҳбарлар менга виговор ёпишиширади.

— Агар унинг боласига бир гап бўлса, кимга виговор берилади? Бечоранинг аҳволи Чернобилдан баттар-ку!— Беихтиёр тупуриб юборди. Шарт бурилиб қадамини тезлатди. Унинг режиссёр тириаган қалбига Музаффар тиғсанчди.

«Эҳ, бу одамлар қизиқ-да.— Асабий ўйлай бошлиди у.— Виговор олармиш! Қўрқоқ! Ҳамма ўзини ўйлайдиган худбин бўлиб кетган. Бегонанинг дарди, ташвиши унга ёт. Агар ўзишининг боласи шундай аҳволга тушса-чи? Касофат ё бирор фалокат ўз онламиизда содир бўлма-

гүпча бошқа онланинг дардии тушупмаймиз. Тавба, бу одамларга нималар бўляпти ўзи?..»

Унга фақат Музаффариниг худбинлиги эмас, балки «Қишлоқдагилар газетани ўқиб, сени роса дув-дув гап қилиб юришибди», дегани ҳам ёқмади. Ёқмади эмас, эт-этини санчиб, юрагини ўртаб юборди. Ахир мақолада «дув-дув» гап қиласидиган нарса йўқ-ку! Бор-йўғи бир жойда унинг фамилиясини келтирган, холос.

Уни газета-журналларда кўп марта мақтаб ёзишиди. Лекин буларни бирорта ҳамқишлоғи эътироф этгани йўқ. Ҳатто уни «Қутби сомончининг артист боласи», дейишади. Баъзан қишлоғига борганида, давраларда яқин дўстлари ундан кинояли кулган пайтлари ҳам бўлади. Олдилари жizzакиллк қиласиди. Кейин-кейин кўникудди. Лекин бугунги гап уни оғир ботди. Одамлар, ҳақиқатап ҳозир оёғи қолиб тили билан юрадиган бўлиб қолди. Оддий гаплардан тоғ ясаб, уни бир-бирларнига айтиб яйрайдилар. Шу билан кўнгиллари таскин топади. Иложи борича майдага гапларни катта давраларда, тўй-маъракаларда айтишиши, айтиб ҳаммани оғзига қартишини ва шу билан бир бечорани бадном қилишини хуш кўрадилар. Тавба, театрдан тортиб қишлоққача шу аҳвол. Эҳ, мунчалар майдагап, торфеъл, биди-бидичи, томошага ўч бўлмасак. Шоир айтганидек: «Қачон халқ бўласан эй, сен — оломон?!»

Иzzат Қутбиддинов учун бугун омадсиз кун бўлди. У уйига келиб, яна кўнгилсизликнииг устидан чиқди. Хотинининг кўзлари йигидан қизариб, шишиб кетган. Сочлари тўзиган. Ранги рўйн бир аҳволда. Эрпини кўриб, яна узвос солди.

— Вой, худойим-еӣ! Бу кундан ўлганим яхши эмасми? Нима шармандалик бу? Вой-вой-еӣ...

— Нима бўлди, Диловар? Тинчликми? Болалар қани?

— ...

— Тинчликми? Нима бўлди? Гапирсанг-чи?

Кийимларини чала-чулла ечиб, хотинининг ёнига келиб ўтирди.

— Бир соатча бўлди. Телефон жиринглади. Олсам, бир потапиш аёл. «Қизингиз касалхонадами?» деб сўради. «Ҳа», дедим. «Кечирасиз. Ноҳун хабар бўлсаям айтмоқчиман. Кимдир касалхонада қизингизнинг номунига тегиб қўйибди. Ҳозир операция қилишяпти... Айтишг, эрингиз озроқ ҳақиқатпарварлик қиласин...» деди. Жоним чиқиб кетди. Болаларни қўшниникига қўйиб югурдим. Борсам, Дилиоза ухлаб ётган экан. Худога шукр. Телефон қилган манжалаки театрдан бўлса керак.

— Зокир Мажидовичинг тарафдорларидан. Мажидсан сўнг ҳаммаси бўридек тишлирини қайраб юришибди. У ғаламис, ифлосларга энди кўрсатаман! — Қутбиддинов шарт ўридан туриб, асабийлашиб қўлларини мушт қилиб тугди. Шундан юраги қаттиқ сапчди.

— Яна жанжал кўтариб шима қиласиз, Иззат ака? Шунча йилдан буёи жанжаллашасиз, ҳақиқатгўйлик қиласиз — косангиз оқардими? Йўқ! Илоё ўша Зокир Мажидович ҳам, режиссёр ҳам ўлиб-қирилиб кетсин. Ҳалқ артисти Турғуновга ўхшаб, улар билан соз бўлиб, бош ролларда ўйнаб, мукофотларни олиб мазза қилиб юрмайсизми? «Ҳақиқат-ҳақиқат» деб суюгимизни оқарттириб юбордингиз-ку! — хотини беихтиёр қизишиб кетди.

— Диловар, ахир театр муқаддас жой, у ерга попок қадам қўйиб бўлмайди. Мен икки дунёда ҳам Турғуновдек паст бўлишни, театрда савдогарлик қилишини истамайман. Менинг бойвачча ошна-оғайниларим йўқни, ҳар байрамда театр раҳбарларига қути-қути совға олиб борадиган...

— Қўйинг, бу гапларни,— деди хотини унинг гапини бўлиб.— Ишқилиб, ҳақиқатпарварлигинги бир куни бошимизга бало бўлмаса кошкийди. Тўғритаёқли-

гингиз болаларимиз пешонасига тегмаса, деб қўрқаман...

Унинг боши ғувиллаб, кўзлари тина бошлади. Қаршиисида хотини эмас, бегона бир аёл турар, шуқул билдирилаб, уни тўғригўйлиги учун койирди.

— Бас қил! — Қутбиддинов чидаб туролмади. Хотини томони бир-икки қадам ташлаб, муштлари асабий тугилгани чап қўлинни шашт билан кўтарди-ю.. хотинини урдими, йўқми, билолмади...

Фира-шира ўзинга келиб англадики, у яна бир орзу-сига етишибди — ёнғоқ пўчогининг ичига кириб олибди. Зўр бўлди-да! Биринчи галда у ёнғоқ пўчоги ичида театр очади. Театрга фақат истеъдодли актёрларни қабул қиласди. Директор лавозими мутлақо бўлмайди. Театр ижодий колектив томонидан демократия асосида бошқарилади. Репертуардан фақат яхши асарларгини ўрин олади. Ўзи эса Ҳамлетни ўйнайди.

«Ё раббим! Мени ёмон тушларнинг азобидан қутқазганин-да, бир ёнғоқ пўчогининг ичига банд қилгии. Мен у ерда ўзимни бепоён оламнинг сultonи деб санаган бўлар эдим!»— дейди Ҳамлетдек ҳайқираб. Зокир Мажидович ҳам, Манион Рустам ҳам, Турғуновдек ўртамиёна артистлар ҳам, Музаффар ҳам бу ерга киролмайди, ёнғоқ пўчоги остида қолиб, эзғиланиб кетадилар. Бундайларга театрда ўрин йўқ! Чунки улар талантларнинг душмани. Талант душмани — халқ душмани...

Кутилмаганда кимдир ёнғоқ пўчогининг устки бўлагини секин кўтарди. Туши бирдан ғойиб бўлиб, кўзларини очди у. Оппоқ шифт. Уйига ҳам, театрга ҳам ўхшамайди. Ҳидидан сал-пал билдики — касалхона. Бошини секин буриб ёнига қаради. Не кўз билан кўрсинки, ёнидаги каравотда бошини патли сочиқ билан танғиб, баланд ёстиқларга қўйиб олган Зокир Мажидович кўзларини юмлаб ётарди...

Ҳаёт ўйини шафқатсиз. Саҳнадаги ўйинларга сира-сира ўхшамайди.

КИТОБСЕВАР

Камишанинг кулчадай ҳикояси босиягач, таниш-билишлардан табрик ва мақтovлар ёғилаверди. Ана шундай мақтov айтиб юрган дўстларимдан бири уйга келди-ю, лабини жийириб:

— Классик, уйингда ҳеч вақо йўқ-ку! — деди.

Ахир, яшаш учун нима зарур бўлса ҳаммаси музайё. Ажнабий буюмлардан тортиб ўзимиизда чиққан модерн кулдонгача. Яна нима йўқ экаи?

— Гапингга тушуммадим, ошна,— дедим ҳайрон бўлиб.

— Ёзувчи одамсан, уйингда китоб-питоб деган нарсанинг қораси кўришмайди-ку?

— Китоб дейсанми? Бир чамадони бор.— Шундай дедиму, аллақайси хонанинг бурчагидаги қулфesiz чамадонни олиб чиқдим.

— А, бу чамадондагисини ким ҳам кўрарди. Мундоқ жавон қилиб, териб қўймайсанми, ёзувчининг уйига ўхшатиб.

— Аста-секин бўлар...

У эскирган, баъзисининг муқоваси шалвираб қолган китобларини олиб кўра бошлади.

— Сени қара-ю, ҳали шу китобларни ўқиб ёзувчи бўлмоқчимисан? Бир пулга қиммат китоблар-ку, буларнинг ўрнига жаҳон классикасини ўқиш керак, дўстим. Толстой, Бальзак, Мопассан, Цвейг, Хеменгуэй, ўзимиизнинг Шарқ классикасидан: Ҳофиз, Фузулий, Навоий...

Эртаси куни хотинимдан болаларнинг нафақа пулини, ойимдан пенсиясини ва ўша кулчадай ҳикояга келган арзимас қалам ҳақиқи қўшиб, катта хонанинг тўрига китоб жавони ясаттирдим. Сўнгра рўйхатни чўнтақка урдиму, дўстимнинг тили билан айтганда, «жаҳон классик»ларининг асарларини ахтаришга тушдим.

Қани энди у айтган ёзувчиларнинг асарлари китоб дўконларидан топила қолса? Ҳеч-да!

Бир куни ўша ошпамни учратиб:

— Ошиа, сен айтган классикларни топа олмаяпманыкү,— дедим.

— Оббо галварс-е, нодир китобларни магазиндан топиб бўлармиди. Классиклар бозорда бўлади. Қўлдан сотиб оласан.

— Қаерда сотади?

— Фақат якшанба куплари бозорда китобфуруушлар бўлади. Ана ўшалардан оласан.

Уша ҳафталаноқ китоб харид қила бошладим. Ҳақиқатан ҳам дўстим айтгандай «нодир китоблар». Муқовалари қалин ва чиройли ишланган...

Дастлаб олингани китобларни жавонларнинг бир четидан бўй-бўйи билан тердим. Бай-бай, бирам ярашидик, асло сўрамашг. Нақ саккиз йиллик мактабнинг кутубхонаси дейсиз. Шундан сўнг, китоб тўплашдек эзгу ишга бутунлай «шўғифиб» кетдим. Неча пул десаям иккиласдан олавердим. Мен олиб келган китобларни хотиним териб қўядиган бўлди.

Тўрт ҳафта деганда жавонларни тўлдириб ташладим. Авторларнинг фамилияси яшиаб, ярашиб турибди.

Бир куни ўша дўстим ташриф буюриб қолди.

— Э-э-э, гап апа бундай, ошнам. Энди сал-пал ёзувчининг ўйига ўхшабди,— деди у терилган китобларни кўздан кечириб,— булар ҳали ҳалво. Буюк ёзувчи бўлиш учун яна кўп китоб тўплаш керак!

Тўғриси, китоб йиғишга ўзим ҳам анча кўнникиб қолдим. Сўнг «кел, йиғсан, йиған», буюк ёзувчи бўла қолай, мендан нима кетди», дедим-да, ҳар якшанба келиши билан тўрвани кўтариб бозорга югуравердим.

Бир якшанба энди бозорга отланиб тургандим, хотиним тўнғиллай кетди:

— Отаси, пул озайиб қолди. Ҳали шу ёғини ҳам ўқиб чиқинг. Болаларнинг ҳадемай мактаби очилади, кийим-бош, дафтар-қалам дегандай...

— Хўп, хотинжон, хўп.

Шундай дедим-у, яна бозорга отландим. Ўша куни бир омадим чондики, асло сўраманг, бели синмаган юзталникини шундоқ китобфурушларга топшириб, тўрванин тўлдириб қайтдим.

Бунақа «чаққон бозорлардан» жуда кўп бўлди. Ҳадемай катта уйни тўлдириб, кичигига ўтдим.

Хотиним эса ҳар якшанба куни мендан олдин туриб жаврай бошлади:

— Келинг, шу сафар борманг, жон дадаси. Рўзғорни, бешта болани мундоқ ўйласангиз-чи! Ҳали кўмир олганимиз йўқ. Бу аҳволда қишдан қандоқ чиқамиз?

Бундоқ ўйлаб қарасам иқтисод масаласи чатоқ! Қиши ҳам яқинлашиб қолибди. Бу сафар ҳам хотинимга ишонадиган қилиб «хўп» дедим-да, бозорга жўнадим. Устомон китобфурушлар мени таниб қолишган. Қорамини кўришлари билан нешвоз чиқнишади:

— Мана, Қабо Абэ, япон адабиётининг ёруғ юлдузларидан.

— Шукшинга тан беришяпти. Олинг, иккала томини бирдан сотаман! Уттиз беш сўм...

Шундан сўнг уйдаги ортиқча нарсаларни бир четга ажратиб, комиссиян магазинга топшириб юбордим. Хотиналарниң бўш жойларини китоб билан тўлдиридим. Ҳаммамиз корндорда яшай бошладик.

Хотинимниң ёнинг онам қўшилиб жаврайдиган бўлдилар. Қариндош-уруғлардан бир-иккитаси гапирди, менинг бу ишимга қўшнилар ҳайрон. Оқибат қиши кирмасданоқ хотиним беш болани олиб, кетиб қолди. Онам эса касал ҳолда синглимникига жўнади. Чунки хоналар тўлиб, ётиш жойи айвонга кўчтаги эди-да! Улар, яқин ҳафталарда айвонда ҳам жой масаласи ташқис бўлиб қолишини апиқ билишарди.

Қиши кирниб, изғирии бошлангандан сўнг яна ўша дўстим келиб қолди. Биз у билан уйда эмас, айвонда ҳам эмас, дарвозаҳонада гаплашдик. Чунки бир ҳафта бурун айвон ҳам китоблар билан тўлганди.

— Қойилман, қойилман,— деди у бақувват құллари билан сүяклари чиқиб қолғап елкамга уриб, деразадан хоналарга қарапкан,— мана энди чинакам ёзувчининг уйи бўлиди. «Буюк адаб ДўлонҒўонийнинг шахсий кутубхонаси», деб ёзиб қўйсанг ҳам бўлади.

У хоналарни бир оз кўздан кечиргашда сўнг:

— Энди, ўртоқ ДўлонҒўоний бу табаррук китобларни ўқиб, шов-шув бўладиган аича-мунча асарлар ёзив ташлагандирсиз?

— Қанақа китоб ўқиш? Қанақа асарлар?— Йўтал тутди,— ахир китоб излаб...

— Ҳикоянгиз босилган эди,— деди дўстим мен ўзимга келганимдан сўнг,— биз сизнинг талантингизни юқори баҳоладик. Мана, маслаҳатларни ерда қолдирмай китоблар йиғдиишгиз.

— Яна йиғамап,— дедим унинг сўзини бўлиб.

Бироқ қачон қанақа ҳикоя ёзганимни ҳанузгача эслай олмайман.

БАХТ ҚУШИ

Мўмин опаси берган пулни ҳеч нарсага харж қилмади. Эрталаб мактаб ошхонасидаги вафлидан жуда жуда егиси келса ҳам олмади. Дарсдан сўнг кўчма кино келди, унга ҳам кирмади. Мактабдан қайтаётib, йўл бўйида таниш амакининг сандиқдек қутини орқалаганча, чинқироқ товушда: «Макка бодро-оқ! Сара бодро-оқ!» дея жар солаётганини кўрди. Кўчадаги болалар бир зумда амакини ўраб олиши. Мўмин эса бодроқ егиси келаётган бўлса ҳам индамай кетаверди.

Мўминнинг сипфдоши Ўсмон бугун дарслар давомида шакароб сурилган юмшоқ иондан тўрттасини пақкос туширди. Она тили дарсида ширин кулча кавшаб ўтиргани учун ўқитувчидаи ташибек эшилти. Кейин, охирги дарсга кирмай, киночилар орасида уймалашиб юрди.

Агар ҳозир бодроқни кўрганида борми, албатта портфелини тўлдириб олган бўларди.

Мўмин унга ҳамиша ҳайрон қолиб юради: доим чўнчагида уч сўмлик, беш сўмлик пуллари бўлади. Мўмин эса бундай пулини баъзан отасининг қўлидагина кўради, холос.

— Бунча пулни сенга ким беради? — деб сўради у бир куни Усмондан.

- Отам! — деди Усмон.
- Отанг қаердан олади?
- Магазиндан олади.
- Магазиндан олса, унда отанг ўғри экан-да?
- Ўғри эмас.
- Ўғри! Бўлмаса нега магазиннинг пулини олади?
- Сенинг отанг ўғри!..

Мўмин у билан уришиб, Усмонни ҳам, унинг отасини ҳам ёмон кўриб қолди. Ўйга келиб, момосидан сўради:

- Момо, ҳозир ҳам ўғрилар борми?
- Қанақа ўғрилар, болам?
- Усмоннинг отасидақа.
- Хол мудирни айтяпсанми? Қачон кўрдинг унинг ўғирлик қилганици?

— Мен кўрганим йўқ. Лекин Усмоннинг ўзи айтди, отаси магазиндан пул олармиш.

— Усмонқул бола-да! Нима деса, ишонаверасанми? Отаси эшитиб қолса, хафа бўлади, болам. Бунақа гаплар билан сенинг ишинг бўлмасин!

- Хафа бўлса, ўғирлик қилмасин-да!
- Ё тавба-ей, мунчаям маҳмадона бўлмасанг. Хол етимлика ўсан. Бугун бечорапинг бошига бахт қуши қўнибди. Ёмон кўздан асрасин!..

Мўмин бахт қушини ўзича тасаввур қилди: тумшуғини, қанотларини, думини бошқа қушларникига қиёслади. Сўнг уни Хол мудирнинг бошига «қўндириб кўрди». Тасаввуридаги манзара ўзига ғалати туюлиб, кулгиси келди, лекин кулолмади.

..Мўмин қирқ тийиниши терлагаш кафтига қисиб, тирга кирди. Тир Усмоннинг отаси ишлайдигаш магазиннинг шундоқ ёнгинасида.

— Ҳаммасига отасами? — деб сўради тирининг хўжайини Ўроқ амаки.

— Ҳа,— деди Мўмин.

— Курсичани олиб берайми?..

Пештахтага Мўминнинг бўйи етмас эди, Ўроқ амаки ҳамиша курсичани қўйиб берарди.

Мўмин милтиққа ўқ жойлаб, бир кўзини қисганча нишонга ола бошлади. Ана, лапашглаб айиқполвои ўтяпти. Негадир олдинги оёқларини кўтарниб олган. Қизиқ, шундай баҳайбат махлуқ икки оёқда қандаи юраркан? Лабларини осилтириб, оғзиши очиб олган. Отмади. Бечора икки оёқда зўрга кетялти-ю, уни йиқитишнинг нима кераги бор? Ана, хартумини судраб фил ўтяпти. Мўмин эди уни нишонга ола бошлади. «Пақ!» Оббо, ўқ филгамас, унинг ортидан келаётган шалпашгўлоқ қуёнга тегди. Фил серрайиб ўтиб кетди, қуён шўрлик эса йиқилди.

Худди шу пайт тоққа тирмашиб чиқаётгандек чира-ниб, бўри кўринди. У баҳайбат эди. Гўё «хавфли жой»-дан тезроқ ўтиб кетмоқчидек илдам юқорилаб борарди. Мўмин дастлаб оғзи беўхшов, тишлари қозиққа ўхшаган бу махлуқни отгиси келмади. Сўнг бобоси сўйлаб бергаш бўрилар ҳақидаги эртакин эслади-ю, бўрини нишонга олди. Аммо у аллақачон «қутулиб» кетган эди. «Барibir қайтасан-ку!»

Кейин катта-кичик қушлар кўринди. Улар учмоқчи-дек қанотларини ёзиб олишгаш эди. Ўқ тегавериб «яра-ланмаган» жойлари қолмаган... У бахт қушини эслаб, қушларни отмади — ҳаммасини ўтказиб юборди. Ҳатто милтиғини четта буриб турди. Борди-ю, билмай бахт қушини отиб қўйсами?!

Мана, кабутар... Мўмин, улардан бир тўдаси клуб томига ин қўйганини эслади. Болалар ҳэр куни ушла-

шади. У ҳам бир марта ушлаб кўрган. Жуда ювош, патлари юмшоқ бўларкан. Аммо яқинда кантарлар йўқолиб қолишиди. Искандар сариқиниг айтишича, Усмонларнишг сайисхонаси орқасида бир тўп пат сочилиб ётганиши... Кейингиси мусича, ундан кейингиси — қалдирғоч. Мўмин бу қушни ҳам яхши кўради. Уларнишг уйидан бир эмас, учта қалдирғочиниг уяси бор... Анави, думи узуни — ҳакка. Бобоси уни, хосиятсиз қуш, дегани эди. Момоси ҳам шу қушни ёмон кўради. Сайраганини энитиб қолса, ҳа, томонингда тош қотсани, дейди. Каклик кўринди. Мўмин какликни яхши кўради. Утган йили Бегим амакиси тогдан биттасини тутиб келиб, қафасга солиб қўйган эди. Кейин, ўлиб қолди... Ана узун қанотларини ёзиб бургут кўринди. Уни бирдан отиб бўлмайди. Шошмасдан, кўзлаб отиш керак.

Шу пайт тирнинг омонат энналари ғичирлади, курсича қимирлаб кетди.

— Э, келинг, Хол ака,— деди Үроқ амаки.

— Қалай, Үроқвой? Ишлар тузукми, оғайнин?

— Шукр, ака, юрибмиз-да...

— Ўқларни пуллаб ётибсиз?— деди Хол мудир қўлидаги мўъжаз зашжирили калитини ўйнатиб.

— Ҳа, энди, ака, буям бир хизмат-да.

Усмониниг отаси Мўминга қаради:

— Ўқни қарсиллататеётган бу бола ким десам — Мурод чўлоқиниг ўғли-ку! Отяпсанми?.. А, бу ўқларнишгнишг бирортасиам нишонга тегмабди-ку? Санни қара-я! Бизди Усмон ҳўроэ бехато уради. Қани, Үроқвой, милтиқни олинг-чи!..

Хол мудир милтиқни шарт-шурт ўқлаб, қушларни ота бошлиди. Мўминнишг кўз олди қоронилашиб кетди. Ана кабутар йиқилди, кейин қалдирғоч, каклик, ҳакка, мусича... Ишқилиб, ўқларнишг бирортаси баҳт қушига тегиб кетмасин-дал Баҳт қуши қанақа бўларкин-а?..

— Мана бунақа бўлади отиш!— дерди Хол мудир завқ билан тепкини босаркан.— Мана бунақа бўлади!

— Энди, амакисп, сиз нишонга оланериб ўрганиб кетгансиз-да,— деди Ўроқ амаки Мўминнинг ёнини олган бўлиб.—Хали бу полвон ҳам бехато урадиган бўлиб қетади.

Бир пайт бўри кўриши, лекин ўқи тугаб қолдими, Хол мудир милтиқни қарсиллатиб столга ташлади...

Тирдаи Мўминнинг ҳафсаласи шир бўлиб чиқди.

Кечга яқиш у отаси билан ёғ, гуруч, чой олгани магазинга жўшади. «Кеча пахта гулли пиёла, чинни чойнак келган экан, сўраб кўринг-чи, қолганмикан?» дея тайинлаб қолди оиласи.

Магазин одатдагидек гавжум эди. Отаси ёғ билан чой олди. Гуруч йўқ экан. Чойнак-пиёла сўраган эди, Хол мудир елка қисиб:

— Тамом бўлди, бўлса жоним билан эди!— деди.

Шу пайт магазинга Рўзи пиён кириб келди.

— Келинг, Рўзи тоға. Ишлар қалай? Шу ерда ичасизми ё олиб кетасизми?— деди Хол мудир бир шишани пештахта остидан олиб, қофозга ўраб узатаркан.

— Сенга барнибир эмасми? Бу ерда ичсам ҳам, уйимда ичсам ҳам, ўзимнинг пулимга ичаман. Ё текинга бермоқчимисан, а?

У ер-бу ердан кулги товуш эшитилгандай бўлди.

Рўзи пиён ғалати одам. Айтишларича, уруш йиллари жанг қилиб Берлингача борган. Кўп мамлакатларни кўрган. Баъзан тўйларда немисча ўйин ҳам ўйнаб беради. Қўли гул дурадгор. Бирон иморатни бошласа, битказиб бўлганидан сўнг пулини олади. Баъзилар пулини бермаса, бир-икки марта сўрайди-ю, кейин қайта сўраб юрмайди, у урушда икки бармөгини ўқ олиб кетган, ўша — ногирон қўлини силтаб: «Имонсиз!» деб қўя қолади. Аммо ичib олса тамом: дунёнинг у бошидан кириб, бу бошидан чиқади. Нуқул араблардан койиниби «Супрадай бўлиб нонпардай мамлакатдан ёнгилиб ўтирибди-я!» дейди. Қейин, ҳамманинг жонига тегиб кетган ўша — эски қўшигини хиргойи қилишга тушади:

Тар бошида құш қарагай-Қарагай,
Утолмайди қарагайға қарамай,
Виждонингга нега қилдинг хиенаат,
Виждонингдан бирор оғиз сұрамай?...

Мүмин отасында әргашиб магазиндан чиқди. Магазин
биқинида Илҳом дұхтирик икки құлида қоғозға үрөрлик
пиәла күтариб турғанини күриб, бенхтиер тұхтаб қолди.

— Хү, бола, мошинди әшигини очиб юбор! — деди у
Мүминга.

Мүмин бориб машина әшигини очди. Илҳом дұхтирик
пиәлаларни авайлаб үриндиққа қўйди-да, машина ойна-
ларини күтариб, әшигини ёпиб яна магазинга кириб
кетди.

— Оббо, ярамас-еїй, ҳозиргина сұрасам, «Пиәла та-
мом бўлди», деди-я! — деди Мүмининг отаси ўз-ўзига
гапиргандек, сўнг, ўтган йилги терим охирида «вороҳ»
ғажиб кетган чўлоқ оёғини авайлаб босган кўйи сў-
кинганича юриб кетди.

Мүминнинг кўз олдига тирдаги бўри гавдаланди,
сўнг ногоҳ бўрининг ёнида Усмоннинг отаси...

Мүмин уйга келгач, момосини ҳоли жонига қўймай,
саволга тутди:

— Момо, баҳт қуши қандай қуш ўзи? Уни қачон
кўрса бўлади?

— Баҳт қуши одамнинг кўзига кўринмайди. Фалак-
нинг ўзи кимни сўйса, ўшанинг бошига қўндиради.

— Бўлмаса фалагингиз дадамни ёмон кўраркан-да?
— Тавба, нега ундай дейсан?

— Яхши кўрса, нима учун дадамнинг бошига баҳт
қушини қўндирамайди? Еки Хол мудирга ўхшаб мага-
зинчи бўлсалар қўндирамиди?

— Яна Хол мудирми? Ё тавба-сий! Бўлди, ҳеч қандай
баҳт қуши-маҳт қуши йўқ! — деди момоси уни жеркиб.—
Бор, бузогингга ўт солиб кел.

У ҳайтиб момосига бу ҳақда оғиз очмади. Аммо ҳар

гал тирга кирганды, бахт қүшини эслар, унинг борлигига ишонар, бир кунмас-бир кун уни ногаҳон отиб қўйишдан қўрқар эди.

АЖАБСАНДА

Мен шаҳарга келиб жўра орттирдим. Жўрам орқали укалик бўлдим. Укам туфайли...

* * *

Унинг келганини туфлисидан, ҳа, яғири чиқиб, чарми ҳилвираб қолган туфлисидан билдим. Шўрлик туфли йўлакда турибдими, демак, уйда Бозорбой бор. Қиёматлик дўстимнинг қиёматлик укаси.

— Ассалому алайкум, акажон. Соғлиқларингиз, ишларигиз яхшими, акажон?— деди у уйга киришим билан булбулдай сайраб. Қўл бериб эмас, қучоқ очиб кўришди. Оғзимни четга бурмасам ўпишгулик ҳоли бор.

— Яхши-яхши. Утиринг, Бозорбой.

— А, мундай айланниб бизлар томонларга бормайсизам? Акам сизга кўндан-кўп салом айтиб юборди,— деди кўзларини пиринратиб. Унинг кўзлари Янги йил кечаси ёқиладиган митти чироқчаларга ўхшайди.

— Саломат бўлсин. Ишлари қандай бизнинг жўрани? Тез-тез келиб турарди. Кўринмай кетди-ку?

— Э, қайда қўли тегади дейсиз. Бир ярим истапка ишлайди. Бир оз парник қилган. Ишдан келиб шунга андармон бўлади. Кузда машина олмоқчилар. Насиб бўлса, инги машинада келишади,— деди у бармоқлари узун қўлларини бир-бираига ишқаб.

— Бу дейман, Бозорбой, ўзлари яна сессияга келгашлар шекилли. Уқиши ҳали тугамадими?

— Ҳозир переддипломний сессия. Яна бир кўриниш, шу билан тамом, ака... Сиз билан яна қирқ кун ҳангомалашиб ётамиз-да.

— Контроль ишларин топширганимисиз ё ҳар галгидай...

— Контроль ёзишга вақт йўқ. Чопа-чопдан қўл бўшамайди. Савдонинг ишини ўзингиз биласиз-ку! Лаборантка қизларга биттадан «Может бить» олиб келганиман. Қарабисизки, контроллар гатоп-да, ака! — деди ўзича севиниб.

Тўғри, бир ҳафтада ҳамма контроль ишларини топширади...

Баъзида Бозорбой дарсдан кеч қайтади. Юрагимни ҳовучлаб, эшикка қатнайман. Катта шаҳар, минг хил одам бор. «Агар келса, боилаб бир уришаман», деб ўйлайман. Бир пайт у сал-пал гандираклаб келади.

— Ҳа, ака, ҳалп ухламадингизми? Битта домлани ресторанг олиб тушдим. Эртага ўша домла имтиҳон олади. Манга ҳозир ресторанда қўйиб берди,— деб чўнтағидан синов дафтарчасини чиқариб кўрсатади.

— Кириб дамингизни олинг. Лекин бунақа кечга қолиб, ичиб юрманг. Яхшимас, Бозорбой,— дейман. Лекин уриша олмайман. Беш йил бирга ўқиган дўстимнинг укаси. Акасининг жўрасиман.

Эрталаблари уши ўзим уйғотмасам, ўриндан турмайди.

— Бугун дарс йўқ. Пешиндан сўнг битта зачст бор,— дейди кўзларини очмай.

Нима ҳам дердим? Ўйининг калитини қолдириб ишга жўнайман.

— Бунигиз қандай бола ўзи?— дейди хотиним ишдан келишим билан жигибийрон бўлиб.— Эртага Нафисанинг туғилган куни эди. Боғчасига олиб бораман деб, торт келтириб қўйгандим. Иккига бўлибди-ю, ярмини паққос туширибди.

— Энди, кўзига яхши кўринган бўлса, егандир-да.

— Ҳа, айтгандай, укахонингизга айтинг, пайпоғини ювсии. Ҳидидан одам кечаси билан бўғилиб чиқади. Кеча кечқурун корндорга ирғитиб, хонага атир сепдим.

Хотипимниң куюнганича бор. Уйимиз иккى хоналиқ. Эски баракларда жойлашған. Бозорбой келганидан бүён икковимиз түрдаги кичик хонада ётамиз. У ётади, мириқиб ухлайди. Мен ҳам ётаман-у, лекин унинг хурғаидан ухлай олмайман. Баъзан асабларим қақшаб кетганидан, ёстиқни олиб... Ҳай-ҳай, у ахир меҳмон, дўстийгнинг укаси. Хуррак отса отибди-да! Бир-иккى кунга ҳеч нарса қилмайди, дея ўзимга-ўзим далда бераман.

— Кўявер, хотин. Кўнглигни кенг қил. Меҳмон деган оти бор. Биздан хафа бўлиб кетмасин.

Баъзан Бозорбой бир ойга етар-етмас сессияни туғатиб, жўнаб қолади.

Лекин Бозорбойнинг кўнглида бир армони бор. Ҳозир ўқиётган паррандачилик техникумни омон-эсон тугатса, бирорта институтга кириб ўқимоқчи. Бироқ қайси институтга киришини аниқ билмайди.

— Ака, шу суриштирсан, районимизда Алоқа институтини тугатган биттаем киши йўқ экан. Техникумни тугатиб, шунга топширайми дейман? Бутун районди алоқаси қўлда бўларди. Ўтирган жойдан Москва билан гаплашардим,— дейди.

— Жуда яхши бўларди-да, Бозорбой!— дейман кўнглини чўқтирмаслик учун.— Ймтиҳонларини қийин дейишади, математикаси бор экан.

— Э, акам, имтиҳондан ташвишимиз йўқ. Документни топширасак бўлди. Қирамиз. Бел бақувват,— дейди юпқа лабларини қимтиб.

Бошқа сафар келганида эса Алоқа институтига кириш ниятидан воз кечади.

— Ака, шу Маданият институтида китобчилик факультети бор-а?

— Китобчилик эмас, кутубхонашунослик факультети. Нимайди, Бозорбой?

— Шу институтга кирсамми дейман. Районимиздаги китоб базада битта оғайнимиз ишлайди. Бир хил то-

пилмайдигаң зүр китоблар бор экан. Ўша китобларни подпирлавка сотади. Бир йилда машина олди. Янги, қаймоқраңг «Жигули». Шу Тошкентдаям бир жияни ўқийди. Уйга борганида, поёб китоблардан олиб келади. Қаердадир китоб бозори бор экап-ку!

— Яхши. Бизга ҳам китоб топиб берардингиз.

— Албатта, ака, сизга текин,— дейди ҳовлиқиб, худди базада ишлаётгаңдай.

— Китобни яхши кўрасизми ўзи? Қаңдай бадиий китобларни ўқигансиз?— деб сўрайман ундан.

— Бадиий китоб ҳеч ўқимагашман-у, лекин ўша китобларнинг киносини кўргашман. Шу китобни қўлимга олсам, уйқум келади. Дарров ухлаб қоламан,— дейди эспаб Бозорбой.

Янаги сафар келганида Маданият институтига киришдан айниганини билдик.

— Э, ака, ҳамма гап тиш дўхтирида экан. Бизлардан биттаси битириб бориб, қарсиллатиб тилло тиш қўяяпти. Ана пулу, мана пул. Техникумдан дипломни олишим билан Медицина институтига топшираман.

— Яшанг, Бозорбой. Шу баҳонада биз ҳам бир тиш қўйдириб олардик.

— Керак бўлса, ҳаммасини тилло қилиб берамиз!

— Битта бўлса, бўлади. Ҳаммасига пул йўқ. Кейин бош керак, Бозорбой,— дейман кулгидан ўзимни тиййиб.

— Топганда бераверасиз,— дейди у жиддий, ҳозироқ тишларимга омбур соладигандай.

Бу кетишда Бозорбой ҳамма соҳанинг институтларини «битириб» чиқадиганга ўхшайди...

Ахири бир кун:

— Ака, сессия тамом. Омон бўлинглар!— деди.

— Бизди жўрага салом айтинг.

Хўтйнимнинг сал чиройи ёришади. Мен бир ҳафтада зўрга ўзимга қоламан. Лекин яна бир неча ҳафта негадир гарангсиб юраман...

Отпускамни олиб, хотин билан болаларни уч-түрт күн олдин қишлоққа жүпатдым. Чунки илмий ишинга дахлдор бир мақолани тайсраб, тез орада топширишим керак эди.

Елғиз ўзим уйда қамалиб (шаҳар шароитида буидай имконият камдаш-кам бўлади) ишлаб ётсан, кутилмаганда эшик қўнгироғи жиришглаб қолди. Эшикни очсан, Бозорбой!

— Ассалому алайкум, акажон. Э, хайрият, баҳти-мизга уйда экансиз. Қани, келинглар,— леди у орқасига ўғирилиб. Узун-қисқа бўлиб яна икки киши кириб келди. Уларнинг қўлидаги катта ва бесўнақай чамадонга қараганда, абитурентлар отряди.

— Йосир ака деганимиз шу киши бўлади,— дея Бозорбой одатдагидай кўзларини пирпиратиб, мени кўрсатди. Сўнг ҳамроҳларини таништиридан.— Бу кишини тогам, исмлари Холмурод. Универмагимизнинг экспедитори. Бу йигит — тогамининг ўғли, Бекмурод. Уни ўқишга олиб келдик. Энди, ўзинги бир қўллаб юборасиз, ака.

— Бу жияннингизнинг қайси институтга топшириши аниқ эмас. Бозорбой шу акамга бориб бир маслаҳат қиласайлик, деб қолди. Шунга сизни қоралаб келавердикда! Бусе жиянимизнинг жўраси экансиз, бизнинг ҳам жиянсиз. Энди ўғлимиз фарзандларининг каттаси. Үқишга киритмасак, бўлмайди. Бир амаллаб юборасиз энди,— деб қолди тоға дабдурустдан.

— Мен ишлайдиган жой илмий текшириш институти. У ерга ўқувчилар қабул қилинмайди. Бошқа институтларга алоқам йўқ. Кейин бу йигит қайси институтга топширишини ўзи билмаса, мен бирор нарса дейишими қийин,— дедим.

— Э, жиян, қизиқ экансиз. Қўли текканнинг оғзи тегади. Бирор институтда танишлар бордир, илтимос

қылсанғыз бўлар. Ўёғидан ғам чекманг...— Тоға астойдил ялина бошлади.

— Мен сизга тўғрисини айтсам, биринчидан, ҳеч қайси институтда танишим йўқ. Иккничидан, бу масалада ҳеч кимга илтимос қилолмайман,— дедим зардам қайнаб.

Тоға бир оз ўнғайсиз аҳволга тушди. Сўнг Бозорбойга, ўргилдим рўпара қилган одамингдан, дегандай совуқ қараш қилди. Бозорбой мени бириччи бор кўраётгандай ҳайрон бўлиб тикилиб қолди. Кейин дудуқланиб:

— Б-бирортасига топширсинг,— деди.— Бахти чопса, кириб кетади. Кирмаса, янаги йил бор. Жуда бўлмаса, ўзим тугатган техникумга киритиб қўяман. Ҳозир Қишлоқ хўжалик институтига тошира қолсан. Зоотехниклик факультети очилган. Агар кириб кетса, гўшт мўл бўлади,— деди Бозорбой сайраб.

Бу тоғага маъқул тушди.

Эртаси уларни Қишлоқ хўжалик институтига олиб бордим. Чунки тоға, бир йўлини кўрсатинг, кейин ўзимиз бориб келаверамиз, деб эланган эди. Боргандан кейин ташлаб кетиб бўлмайди. Ҳужжатларини топширгунча иссиқ ҳавода, тик оёқда туриб кутдик.

— У, бугун катта концерт бўларкан,— деб қолди Бозорбой қўлидаги газетага қараб.

— Концерт бўлса, албатта борамиз.

— Сиз ҳам борасизми, ака?— сўради Бозорбой.

— Сизлар, майли, боринглар,— деб узримни айтдим. Шу тобда юракка концерт сиғадими? Ўзи сен қўяётган концертлар етади, Бозорбой!

Улар концертга кетаётганда, тоға бозордан иккни кило қўй гўшти олиб берди.

— Бу ошхоналарнинг овқатини мазаси йўқ экан, жиян. Одам оғзи тўлиб овқат егандай бўлмади. Биз келгунча бир яхши жаркоп тайёрлаб қўйнинг,— деб қолди.

Бир ўзимдан, бир иштаҳалари қовурдоқ қўмсаб қолгаи тоғадан ранжиб, уйга келдим. Иш столи устидаги тугалланмаган мақолага кўзим тушиб, бўғилиб кетдим. Сабабки мақолани тайёр қилиб, бугун олиб боришим керак эди... Нима қилай? Утириб мақолани ёзайми ё қовурдоқ пиширайми? Майли, нима бўлса бўлди. Олдин қовурдоқни қозонга солиб, кейин... Меҳмон — отангдан улуғ деган гап бор.

Дарвоқе, қовурдоқ қандай пиширилар эди? Аксига олиб хотин уйда эмас. Э, уйда хотин бўлмасаям, «Ўзбек таомлари» бор-ку! Китобнинг 151-бетини очиб, қовурдоқ қандай тайёрланишини ўқиб, масаллиқларни тайёрлай бошладим. Пиёзниг аччиғи кўзларимни ёшлиатиб юборди. Ёшли кўзларимнинг олдида беихтиёр, залда мириқиб қўшиқ тинглаётган Бозорбой, тоға, ёввошгина Бекмурод гавдаланди...

Мақолани ёзяпману хаёлим қозонда. «Остига олмадимикин? Тузи қандай? Ишқилиб, тоға кулиб кетадиган овқат бўлмасин-да!»

— Э, ака, концертга бормадийиз-да! — дея ҳовлиқ-қанча кириб келди Бозорбой.

Тоға эса тўғри қозонниг олдига бориб, қопқорини кўтариб кўрди:

— Оҳ-оҳ! Ҳидидан жуда мазали бўлганга ўхшайди. Пишган бўлса сузинг! — деди.

Овқатни сузиб келдим. Тузи бир оз баланд бўлибди. Тоға битта «оқи»дан олиб келган экан, Бозорбой билан жиндай-жиндай қилиб олиши. Йекин концерт ва артистлар ҳақидаги баҳс узоқ давом этди. Бозорбой кичикман, деб бир сўздан қолмайди. Тоға каттаман, деб оғиз кўпиртиради. Бекмурод дам отасига, дам Бозорбойга қараб, уйқусираган кўзларини ишқаб-ишқаб қўяди. Мени эса, битмай қолган мақола ташвиши қийнайди...

Эртаси куни тоға ҳам, Бозорбой ҳам жўнаб кетди. Уларнинг ўрнига ёввошгина Бекмурод қолди.

Бекмуроди тушмагур биринчи имтиҳондан йиқилди. Йиқилди-ю, ёввошгина бола айниб қолди. Ҳадеб йифлайди. Тушуштисам кор қилмайди. Унинг шишиб кетган кўзларига қараб ўзимнинг ҳам хўрлигим келди. Ҳужжатларини олиб, қишлоқ хўжалик техникумнга топширдик. Мақолани ҳам, дам олишни ҳам йиғиштириб уни имтиҳонга тайёрладим. (Келинг, уни қандай имтиҳонга тайёрлаганимни айтиб, сизнинг ҳам юрагигизни сиқиб ўтирумай.)

Хуллас, Бекмуродбой амаллаб ўқишига кирди. Ўша куни янги дипломант сумка сотиб олди. Уйига жуда хурсанд бўлиб кетди. Лекин Бекмурод ётоқхонага чиқмади. Баҳона — ёмон болалар кўп эмиш. Тоға ҳам менга хат ёзиб, то ўзини ўнглаб, шаҳарга кўникунча сизникида яшаб турсин, деб илтимос қилибди. Начора...

* * *

Янги йил арафасида Бекмуродни кўргани отаси, онаси, холаси, поччаси ва ёввошгина Бекмуроднинг мутлоқ тескариси — беш яшар укаси ҳам келди. Ана болаю мана бола! Ҳай-ҳай демасангиз, қайнаб турган қозондаги гўштга чанг солади. Келган куниёқ қўшнилардан бирининг ойнасини синслирди, бирининг ширингина, кўзлари кўм-кўк қизчасини йиқитиб пешонасини қашқа қилди. Икки қўшни ҳам арз-додини менга айтди. Бўлганича бўлдим...

— Бир кўрган таниш, икки кўрган оғайни дейдилар. Мана, энди сиз билан оғайнидан ҳам яқин бўлиб қолдик, жиян. Самолётдан тушганимиздан кейин куёвимиз гастинсага борайлик, дейди. Қўй, гастинсангни, жиян бор, шуникига борамиз, деб тўғри аэропортдан келавердик-да. Гастинса қидириб азоб еб юрамизми? Лекин шу шаҳарда қолиб, жуда тўғри қилгансиз-да, жиян! — дейди тоға ёнбошлаб, чой ҳўпларкан. Мен бош иргаб, унинг гапларини тасдиклайман. Аммо кўзим телеви-

зориннг атрофида ўралашаётгап унинг кичик ўғилчасида. Ишқилиб...

Уша оқшом Бекмурод, отаси ва поччаси кичик хонада, хотин-халаж катта хонада ётишди. Мен шу яқиннеге атрофда, торгина хонада ижарада турадиган ҳамқишилөк студентларниңкага жүнадим...

Кечга яқин ишдан келсам, меҳмонлар ясан-тусанды қылғылғы олишган. «Қайтадиган бўлишибди-да», хаёлимга келгандан шу фикрдан юрагим орзиқиб кетди. Суюндим!..

— Энди, жиян, бизлар бир циркка бориб келдилар. Сизларга чақалоқ бор учун патта олмадик. Яни йилни шу ерда кутамиз. Бир хотинпошшога йўлбарсларни кўрсатиб келай,— деди тоға. Сўнг менга яқинроқ келиб, қўлинни елкамга ташлади.— Ҳў, Бозорбой билан келганимиизда, зўр жаркоп пиширгандийиз. Эсингиздами?.. Ҳалинам мазаси оғиздан кетгани йўқ! Бир қўлбола қилиб ажабсандада тайёрланг, жиян.

— Нима?

— Ажабсандада. Шундай зўр сивкат бор. Сиз қовурадиган жаркоп шунақа экан, жиян.

Улар кетишди.

Хотиним менга қаради. Мен — яқинда туғруқхонадан қайтган, ранг-рўйи бир ҳолдаги хотинимга қарадим. Шу пайт йўргакдаги чақалоқ «ашуласини» бошлиди. У ҳам гўё «аж-аб-сан-да, аж-аб-сан-да» деяётгандай эди...

Укахоним туфайли бир этак ошна-оғайнини орттирилди.

ВАЪДА

Барча азоб ва изтироблар эртасига бошланади.

Кеча эса... давра қизғин ва қўқим эди. «Олинг-олинг», «қани-қани» авжида. Бўш қадаҳлар зум ўтмай тўлади. Кимгадир сўз берилади. У узоқ чайналиб, эски

пластиңкадай бир гапни ҳадеб қайтаверади. «Нутққа» чидолмаган кимдир «қани-қани, шу ажойиб сүзлар учун олдик», дейди. Гапга ичилади. Сүнг...

Матрасул кечаги күнни эсласа, күнгли айнийди. Еңмисиз нарса ичини татааләтгандай бүлади. Үриидан құзғалишга ҳоли йўқ. Танаси увадага ўхшайди. Боши «тарс» ёриламан дейди. Тонг махал уйғониб, бир дона «Баралгин»ни чайнаб ичиб юборгани. Шу күйи инқиллаб ётибди. Унга нима зарур эди ичиб. Ичмайман, деса бирор өтқизиб оғзидан құймасди-ку. Ҳаммасига ўзининг иродасизлиги, тўгрироги, күнгил бўшлиги сабаб. Бир неча бор, энди ичмайман, агар яна исчам «эчкин шохи...» деб ваъда берди-ю, лекин ваъдасининг устидан чиқолмади. Агар улфатлар билан тўпланиб қолишса, меҳмонга борса тамом — ҳаммасини унутади. Қадаҳ узатилса, «Йўқ!» дейиншнинг ўринига «Э, қандай бўларкин?» деда ўз-ўзига савол бериб олаверади. Қандай бўлишининг азобини эса, эртаси куни тортади. Эски диванда ўлик илондай чўзилиб, инграб ётади. Узидан ўтганини ўзи билади... Үнинг дардини ким ҳам эшитарди? Кечаги ўтириш ҳам тасодифан бўлиб қолди. Бирга ишлайдиган Мусоқул акани излаб Термиздан собиқ курсдоши келди. Матрасулни ҳам юринг-юринг, деб қўйиншади. Қўнгли бўш-да, эргашиб кетаверди. Олдин ресторонада ўтиришди. Кейин Мусоқул аканинг уйига борнишди. Эҳ, икки курсдошнинг юраги зап тўлиб кетган экан, дунёнинг у бошидан «кириб», бу бошидан «чиқишиди». Эсларига тушган ҳар бир яхши-ёмон воқеа учун қадаҳ жаранглади. Бу орада Ҳалима деган собиқ курсдошларини эслашди. У учун ичилди. Сүнгра икковлари ҳам афсус-надомат чекишли. Бирори «Сен шу қизга уйланасан, деб индамаган эдим», деди. Иккинчиси шеър ўқий бошлади:

..Қилоламан на мен житоб,
Бероласан на сен жавоб,

Сенга азоб, менга азоб
Сен билган сир,
Мен билган сир...

Кейин ўша қыз учун, шеър учун, шоир учун құлға қадаҳлар олинди.

Кечаги әхтирослы сүзларни эсларкан, энді уларнинг аҳамияти йўқлигини, беҳудалигини ҳис қилди. Чунки бундай бир қолипдаги сүзлар ҳар даврада, ҳар гал қадаҳ құлға олинганда айтилавериб унинг бадига урган. Тўғрироғи, бундай ҳавоий сүзлардан зериккан. Шундай пайтларда одамлар сал майдалашиб, сергап бўлиб кетмаяптиликан, деган ташвишга тушади. Тушади-ю, бефойда сүзлар учун ичганига пушаймон ейди...

Барча йиги-сиғи эртасига рўй беради.

— Ойлигингизни яна шишага чўқтириб юборибсиз-ку, дадаси, — дейди хотини одатдагидек йиғлаб.— Рўзгорда нима бор, нима йўқлигини бундоқ сўрамайсиз. Ёғ тугаган, боғчанинг пулинни тўлаш керак. Кеча олтинчи қаватдаги қўшнимиз қарзини яна сўради. Мани ёлғиз ойлигим қайси бирига ҳам етарди? Бола-чақанинг кийимидан ортмаса... Сиз ҳам бундоқ ўйлайсизми, йўқми? Қани берган ваъдангиз? Ичмайман, тамом, қайтиб оғзимга олмайман, деган эдингиз-ку!..

Тавба, ваъда эмиш. У айтилган жойида қолиб кетди. Агар ваъда шунчалик зарур бўлса, ҳозир ҳам янгисини бериши мумкин. Ваъда арақ эмаски, маст қиласа. Ёки у чиндан ҳам ваъда берганмиди?.. Утган куни «хурмачаси»ни тўлдириб келганида ҳам хотини роса кўз ёши қилганди, бечора. Йиғлаб туриб: «Агар сизга бир гап бўлиб қолса, бешта бола билан нима қиламан?» деб зорланган эди. Унинг ўзи ҳам бу гаплардан сесканди. Вужудини совуқ бир ўй тирнади. «Бўлди! Бошқа ичмайман! Агар исчам...» дея ўзига-ўзи сўз берди. Хотинини ишонтирди. Ваъдасига амал қилиб икки кун ичмай келди. Икки кун уйнда байрам бўлди. Ичиб кел-

жан кезларида ундан ҳайиқадиган, яқинига йўламайдиган болалари тиззасидан тушмай қолди. Улар ҳам дадасининг ичмаган пайтларида «яхши дада», «дадажон» бўлишидан қаттиқ севинишарди. Афсуски, болаларнинг севинчи узоқча бормади. Дадажон ўз ваъдасига хиёнат қилди. Мана энди унинг азобини тортиб ётиби.

— Шу сабил қолгур ичимликни деб, уйнинг ремонтини бу йил ҳам қолиб кетди. Деворларнинг қофозлари кўчиб, бетони кўринниб қолган. Келган меҳмондан уяласан киши. Агар ичишингиз шу бўлса, ҳали-вери ремонт қилолмаймиз...

— Бўлди! Мунча хира пашшага ўхшаб ғинғиллайсан,— деди у зардаси қайнаб, хотинининг сўзини бўлиб.— Бетон уйни ремонт қилиш шарт эмас. Барибир, ийқилмайди... Агар ичиб келиб кўзингга ёмон кўринаётган бўлсам, ташлайман. Қайтиб ичмайман. Агар ичсам...

У қизишиб кетиб хотинига яна ваъда берди. Чунки шундай деса хотинининг жағи бир оз тинади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Муштипар аёлнинг кўнгли юмшаб, кўз ёшларини артиб, унга мўлт-мўлт термилди. Сўнг эрининг сўзларига ишонди шекилли, унга чой дамлаб келгани чиқиб кетди.

У зирқираётган бошини қўллари орасига олди. Кўзларини бир зум юмди. Кечаги манзара ғира-шира хаёлида гавдаланди.

Икки курсдошнинг турфа ҳангомалари, саргузаштлари... Хўш, унга нима зарил эди? Ҳатто улар билан қачон хайрлашганини эслаёлмайди. Бир маҳал... кўзларини очса, ҳувиллаган катта кўчанинг четида жунжикиб ётиби. Бошини кўтариб нимага бу аҳволда ётганини ўйлади. Лекин билмади. Ҳозир ўйлаб кўрса машинадан бир кўча нарида тушиб қолибди.

Хотини дамлаб келган чой билан яна «Баралгин» ичди. Сўнг бир оз мизғиди.

Барча панд-насиҳатлар эртаси куни такрорланади. Ишдан қайтаётиб ён қўшниси Юсуф ака ҳолидан хабар олгани кирди.

— Матрасулбой, нима қиласиз шу зормандани ичиб? Эрталаб ишга кетаётиб қандай аҳволда келганингизни кўрдим. Уят, ука. Бири биридан ширин, кўзмунчоқдек болаларингиз бор. Шугиналарни ўйласангиз-чи? Хўй кўчанинг бошида турадиган рассом йигит ичиб-ичиб нима бўлди? Маст ҳолда машинанинг остига кириб кетди. Жуда ақлли, талантли йигитдан ажралиб қолдик. Шуларни ўйланг, ука. Ичкилик яхшиликка олиб келмайди.

Бундай насиҳатларни эшитавериб Матрасулнинг дийдаси қотиб кетган. Ҳозир унга насиҳатдан кўра...

Уни бир гал ичиб юргани учун отаси қаттиқ койиган, амакиси ҳам уришган. Лекин у барча жон куйдириб айтилган насиҳатларни эртаси куни «ювиб» юборган.

Лекин рассом йигитнинг умри ҳайф кетди. Уни қаҷон кўрсангиз бурни қизариб юради. Бечоранинг ичмаган куни йўқ эди. Рассомни эслаб Матрасулнинг кўнгли бузилди. Арақ бало-қазодек кўринди.

— Бўлди, Юсуф ака, энди ичмайман. Агар ичганими кўрсангиз, майли, уринг, розиман,— деди ҳовлишиб.

— Еш боланинг гапларини қўйинг, Матрасулбой. Сизни урсам уят бўлади. Менинг насиҳатларим вижданингизга ҳавола. Сизга куюнганимдан айтяпман-да, ука,— деди Юсуф ака чиқиб кетаётиб.

Тавба, Юсуф ака ҳам қизиқ экан-ку! Ичувчидаги виждон бўладими? Виждон бўлганида шу зормандани аллақачон ташлаб юбормасмиди?. Энди, нима бўлганда ҳам ташлаш керак. Бўлмаса отадан, элдан, энг муҳими, одамлардан ажралиб қолади.

Барча илтижолар эртасига айтилади.

Кеча эса... Ҳаммасини унутган, барча ваъдаларини бир қултум майга қўшиб ичиб юборган эди. Қизчаси

сўраган қўғирчоқ, ўғилчаси тайинлаган рангли қаламлар қулт этиб томоғидан «ўтиб» кетди.

Хотини болаларни боғчасидан олиб қайтди. Хонага биринчи бўлиб қизчаси кирди.

— Дадажон, қўғирчоқ олиб келдингизми... Рангли қофозлар...

— Дадажон, рангли қаламлар... Танк...

— ...
Дадажон гунг эди. У болаларининг бошини силаб:

— Эртага албатта олиб келаман,— деди.

Болалар маъюс тортди. Қизчаси бир нима эсига тушгандай унга ялт этиб қаради. Қўрқиб, қимтиниб бўлсаям бор ҳақиқатни юзига айтди.

— Дадажон, энди арақ ичманг, хўпми? Кўчамиздаги болалар бизани кўрсатиб: «Пиянистанинг болалари билан ўйнамаймиз», дейишяпти.

«Пиянистанинг болалари билан ўйнамаймиз!»

Бу сўзлар унинг юрагига аввало ўқ, сўнг дард бўлиб ёпишди. Шу вақтгача эшитган дакки-дашномлари бу қадар виждонини тилка-пора қилмаган эди.

У вужуди титраб, қўллари қалтираб қизчасини бағрига босди. Жигаргўшасига қатъий, энг сўнгги ваъда бериш учун жуфтланган лаблари дир-дир титрар, кўзларидан дув-дув ёш тўкилар эди... Эртасига бу кўз ёшлари яна лиммо-лим қадаҳга айланди. Ваъда эса...

ҚАЙТИМ

Тунги автобуслардан бири. Йўловчилар сийрак.

Қизғиши бўйни ярмигача очиқ, бақалоқ паттаци аёл автобус ҳар тўхтаганда, йўловчиларни йирик, қонталаш кўзлари билан аланглаб қаршилайди. Улар узататётган пулни олади-ю, бироқ билет йиртмайди. Олдин йўловчининг кийим-бошига беписандгина разм солади.

«Нега билет бермаяпсна?» деб ҳеч ким сўрамайди ҳам. У истар-истамас билет йиртмоқчи бўлса, «ҳожати йўқ» деган маънода қўл силтаб қўйишади.

Автобус «Қозоғистон» кинотеатри бекатида тўхтади. «Гур» этиб йўловчилар кўтарила бошладилар. Ҳойнаҳой кино кўриб чиқишган бўлса керак. Бўш ўринлар тўлди. Ҳаммадан кейин қоқилиб-суқилиб бир киши чиқиб олди. Оёғида зўрға туриб чайқалади. Оҳори кийимлари, йиқилган бўлса керак, расвоси чиқибди. Фижимланган ола-чипор галстуги, тартибсиз ёқасида беўхшов осилиб турибди. Қўлида ранги ўчиб, азбаройн кирдан ялтираб қолган сарғиш чарм портфель. Ифлос рўмолчаси тугмалари ўтказилмаган шимининг чўитагидан чиқиб қолган. Ярғоқ бошидаги яккам-дуккам соchlари тўзғиган. Кўзлари уч кун уйқудан қолган одамнинг кўзларидай қизғиш, юмилиб-юмилиб кетади. Чўзиқ, ажинлар қулоч ёзаётган юзларини бужмайтиради. Ёшлардан бири унга жой бўшатди.

— И-йўқ, ука, ўзийз ўтилинг. Бизани оёқлар хизмат пайтида қотиб кетган, мустаҳкам,— деди у бешиктебратардай тебраниб.

Ҳалиги жой бўшатган дўппили йигит, унга ўтириб олишида ёрдамлашди.

— Р-раҳмат, ука,— деди оғзидан тупук сачратиб.

Олдинги ўриндиқда ўтирган елкалари очиқ, ташпоз хотин отнинг қилидай қошларини чимириб, унга еб қўйгудек бўлиб ўқрайди. Сўнг қўлидаги бир парча ялтироқ сумкачасидан рўмолчасини олиб, елкасини сийирган бўлди.

— Ким белат олмаган бўлса, тез-тез узатсан!— Ҳалиги бақалоқ паттачининг жарангдор овози эшитилади. Одатдагидай, пул олади-ю, билет йиртмайди. Кейин унинг ёнидан ўтаётib, кўкиш рангга бўялган туксиз қошларини учириб:

— Бутилкага кириб чиққанмисан дейман, хўроз. Қани белат олгин!— дейди тантанавор овозда ва ўзининг

гапидан завқланғандай, сариқ тишлигини күрсатиб, сөярашиқ тиржаяди. Япалоқ, дөг тушган юзлари сел-киллади.

— Да-да, мамаша, биз хұй-роз-да, хұрозды—дейди уям ингічка бүйнини чўзиб, яна лабларидан тупук сачратиб.

Халиги танноз унга яна ўқраяди. Олмадай қизил лабларини жийириб, ўрнидан туриб нари кетади.

— Сангинагаям яхши гап ёқади-я. Қани хұрозды бўлсанг белатга чўз-чи?

— Н-німа, хұй-розлигимга ишонмайсизми? Ё...— деб у ўрнидан турмоқчи бўлди. Паттачи аёл ойболтанинг сопидай қўллари билан унинг елкасидан босди. У нонлож қўллари қалтираб портфелини оча бошлади. Тек турмаётган гавдаси тебранаар, бошини олдинги ўриндиқ тутқичига дам-балам уриб оларди.

Бу орада икки марта эгилиб, йиқилишига сал қолди. Хайриятки, одамлар бор экан, ҳиммат қилиб, суяб қолишиди. Ниҳоят, қийнала-қийнала портфелини очиб, ичидан муқоваси эскирган, бетлари ўрнидан кўчиб, шалвираб қолган китобни олиб, титкилай бошлади.

— Нима, Гўрўғлидан ўқимоқчимисан ё Алпомишибданми?— деди паттачи кинояномуз.— Бечора-ей, хотитингдан яширибсан-да. Ё бугун ойлик олдингми? Мунчаям пишиққина бўлмасанг.

У бошини аста кўтариб паттачига ярим юмуқ кўзларини сузив қаради. Бир нима демоқчи бўлиб, тўн-ғиллаб қўйди. Яна бошини хам қилиб, китобни бетартиб варактай бошлади.

Ниҳоят саҳифалар орасидан ғижимланган, қўлдан-қўлга ўтиб эскирган бир сўмлик кўринди. У ҳилвираб қолган пулни паттачига узатиб, китобни портфелига солиб, ёпди.

— Ма, издачи!— паттачи унга бир сиқим сариқ чақа узатди.

— Б-билет-чи?

— Мана, йиртгунча сабр ҳам қилмайсан-а? Ушла.—
деди паттаси йиртилган яримта билетни унинг тумшу-
ғигача элтиб. Сўнг бош чайқаб нари кетди.

— Ким белат олмаган бўлса, узатсин! Орқадагилар-
гаям тегишли... Ҳў, оқ соч, қизимка, тез-тез бўл!

Ширақайф чайқала-чайқала паттачи узатган қай-
тимни амаллаб санади. Сўнг тек турмаётган бошини
кўтариб паттачига қичқира бошлади:

— Қайтимниг о-олтмиш тийин-ку? У-ушла, санаб
к-кўргин,— деди чақаларни маҳкам қисиб олган қўли-
ни чўзиб.

— Энди тинчгина ўтирангиз-чи. Солиб қўйинг чўн-
тагингизга. Ё тавба, одам ҳам...— деди ёнида ўтирган
киши сертуқ қовоқларини осилтириб. Садқайн одам кет,
дегандай зарда билан ойна томонга ўгирилди.

— Н-німа, ишонмайсизми? М-мана ўзийз сананг.
У-ушланг.

Орқа эшикнинг олдида турган паттачи, одамларни
туртиб-суртиб, унинг тепасига келиб олашақшақдай ша-
қиллай бошлади:

— Оҳо, бу кишини қаранг-а? Яна қандай гапинг бор?
Итдай ичиб олиб, туҳмат қиласди. Энди шуниси етмай
турган эди? Ҳой, шофёр, тўхтат автобусни! Бу пиянис-
та, туҳматчини тушириш керак.

Автобус қаттиқ тормоз бериб, силкиниб-силкиниб
тўхтади.

У эса, сиқимидағи чақаларни одамларга узатиб, яли-
ниб-ёлворарди:

— Иш-ишонмасаларинг, мана сананглар. Яхшилар.
Т-тўқсон тийин ўрнига, олтмиш тийин берган...

— Эшикни оч!— деди буйруқ оҳангида паттачи.
Сўнг унинг елкасидан тутиб, «шарақ» этиб очилган
эшикдан итариб тушириб юборди. У чайқалиб тушар-
кан, қандайдир шашт билан орқасига ўгирилиб:

— М-ма, пулегур, имонсиз!— деди-да, кафтидаги
қайтимни паттачининг башарасига сочиб юборди. Ўзи

эса, юриб кетган автобуснинг ортидан гандираклаб-гандираклаб йиқилди.

Паттачи ойнадан бир унга ва бир оёқлари остида сочилиб ётган чақаларга қараб бир зум серрайиб қолди. Сүнг обдан эгилиб, жонҳолатда чақаларни териб ола бошлади.

Иўловчиларининг баъзилари кулмоқчи бўлиб, лабларини ҳиссизгина қимирлатишди. Лекин кулиша олмади.

ШАҚАРНИНГ МАҚТУБЛАРИ

Укам Абдусаҳатга

(Ҳикояга чизгилар)

«Ассалому алайкум, акажон!

Қандай, соғлиғингиз яхшими? Янгамуллам қийналмай ўқиб юрибдиларми? Нафиса ўйнаб-кулиб боғчага боряптими ё ҳалиям, бормайман, деб хархаша қилияптими?

Квартирангизнинг хўжайини бор-ку, қалтироқ бобо, қалай, соғ-саломат юрибдими? Бечорагина хотинини ҳали ҳам уриб турадими? Узи бинойидек чол-у, лекин шу одати ёмон экан-да! Ҳа, майли... Қўшнингиз Пётя амаки пул сўраб безор қилмаяптими?

Ака, қачонгача ижарада яшаб юрмоқчисизлар? Хатнингизда, яна рўйхатга олиб кетди, деб ёзибсиз. Икки йил аввал ҳам рўйхатга ёзиб кетишган эди. Ё шу рўйхатларда яшаб юраверасизларми? Момом ҳар гал дастурхонга фотиҳа ўқиганларида сизларният, олажак уйларингизният ёддан чиқармайдилар: «Илойим болагинам омон-эсон уй олсин, уйида тўйлар бўлсин!» деб дуо қиладилар.

Бизлардан ҳол-аҳвол сұрасаңғыз, ҳаммамиз соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юрибмиз. Отам иш жойларини ўзгартирдилар. Совхознинг 7-бўлимидаги фермага молбоқар бўлиб ўтдилар. Йўли узоқ бўлсаям бирорта эшак сотиб олгунимизча амаллаб, йўловчи машиналарда бориб-келиб турибдилар. Анави кўк ҳангимиз бор эди-ку, ўша жонивор қишидан чиқиши билан ўлиб қолди. Ўзи ям чўпдай қуриб кетувди. Сотиладиган арzonроқ эшак ахтариб юрибмиз. Эшаклар ҳозир қиммат. Бозор куни қўшнимиз Тўқли тоға битта ўламсак эшакни юз сўмга олибди. Қулоғидан тортсангиз йиқилади. Катта амакимнинг ҳангисини олмоқчийдик, бели яғир бўлиб кетган эмиш, олмадик. Молларни уйда боқяпмиз, даладан ўт териб келамиз. Ҳаммаёқ пахтазор бўлиб кетган. Зарафшоннинг бўйндаги тўқайнинг қолганини ҳам бузиб, пахта экишди.

Айтмоқчи, ғўзаларимиз яхши униб чиқувди, ўтган куни қаттиқ сел ёғди. Энди қайтадан экишмоқчи. Помидор ниҳоллари хароб бўлди. Юқори синф ўқувчилари шу кунларда эртадан-кечгача қатқалоқ ззиш билан банд. Қуйи синфдагилар пилла тергапи чиқишаپти. Бу йил баргнинг устида кўп жанжал бўлди-да.. Абдурасул тоғанинг хотини барг учун Эргаш муаллимнинг хотинини уриб бошини ёрипти. Касалхонага олиб кетишган эди, бир кеча ётиб: «Қуртларим ўлиб қолади, олган мажбуриятимни бажара олмайман», деб тўполон қилиб, қайтиб келибди. Абдурасул тоғанинг иши судда. Эргаш муаллим қаматаман, деб юрибди.

Яқинда Ширин акамдан хат келди. «Жуда қийналламан, сигарета жўнатинглар», деб ёзибди. Отам юбормаймиз, дедилар. Онам, болагинам қийналиб кетгандир, деб кўз ёши қиласвергач, қисир деб юрган сариқ сигиришимизни сўйдилар. Лекин қорнида бир ярим ойлик боласи бор экан. Момом кўп куюндила. Отамни шошқалоқлик қилганлари учун койидилар. Гўштнинг пулидан ул-бул нарса олиб, сигарета қўшиб жўнатдик.

Қишлоқда янгиликлар кўп. Клубга Тошкентдан бир группа артистлар келиб концерт кўрсатиши. Концерт ярим бўлмасдан чироқлар ўчиб қолди. Кейин битта ўйинчининг атлас кўйлаги йўқолибди. Бировлар, клуб қоровули Самида момо олган дейди, бировлар артистларга микрофон тутиб, чой-пой дамлаб юрган Тўра монтёрдан гумон қилишяпти. Лекин ким олгани но маълум. Артистлар, энди бундай жойга қайтиб келмаймиз, дейишибди.

Сиз билан бир синфда ўқиган Аноргул опа бор эдику. Оллоёр подачининг қизи, ўша эрга тегмасдан туғиб қўйди. Ҳозир ҳамма шуни миш-миш қилиб юрибди. Бировлар боласи Ҳикмат табелчига ўхшайди, бурни ҳам табелчиникидай пачоқ, кўзлари кўк дейишияпти. Бировлар Шоназор дўкончига ўхшайди, деб гап чиқарган. Лекин мен ўзим кўрганим йўқ.

Ака, қаранг-а, ёзиш ёдимдан чиқибди, янаги душанбада сизникига меҳмон боряпти. Катта тоғам, янгам, янгамнинг укаси... Нажимни ўқишига олиб боришияпти. Иложи бўлса, вокзалга чиқиб кутиб оларкансиз. Тоғам илтимос қилдилар. Адресингизни ҳам олишди. Энди уй тор бўлсаям, амаллаб тоғамнинг кўнглини оласиз. Ўзи инжиқ одам, кейин гап-сўз қилиб юрмасин. Феълини биласиз-ку!..

Хайр.

Салом билан укангиз *Шакар*.

* * *

«Ассалому алайкум, акажон!

Соғ-саломат юрибсизми? Янгамнинг ўқишилари яхшими? Нафиса ўйнаб-кулиб боғчага бориб келяптими? Уйдан дарак борми?

Хатингизда, яқинда бораман, деб ёзган экансиз. Келмадингиз-ку? Сизга атаб қўйилган пайванди зардолининг катта шоҳидаги зардолиларини укамлар еб бити-

ришди. Ҳафа бўлманг, ўриккоқи кўп. Ўзим томга ёйганман.

Ҳозир каникул гаштини сурнб, бригадада маза қилиб ишляпман. Бригада даласига аэропортиниг ёнидаги товуқ фабрикадаш гўнг олиб келамиз. Кеча шеригим Ислом очкўзлик қилиб, ўнта тухумни ичиб қўйибди. Қорни оғриб, ишга келмади. Опаси эрталаб бригадирни уришди. Худди бунга бригадир айбордай... Бобоёр жўрангиз уйланди. Олтинчи бўлимдан, Тўра ошпаз деганинг қизига. Келинни машинадан тушнирб оловдан иккинчи марта айлантираётганида туфлиси катта экан, чалиниб кетиб йиқилди. Ҳайрият, келин оловга тушмади. Бечора аламидан йиглаб юборди. «Ҳозирдан йиқилиб юрибсан-у, кейин ҳолинг не кечади, Бобоёржон?» деб ҳамма кулди. Келинни уйга етаклаб олиб киришди.

Холамишинг ўғли Йўлдош ўқишдан йиқилиб келди. Гўё у ҳамма саволларга тўлиқ жазоб бериди. Имтиҳон олаётган домла ундан: «Танканг борми?» деб сўрабди. Йўқ, деган экан, йиқитибди. Ҳозир унга «танка» ахтариб юришибди. «Танка» дегани поччаминиг айтишларича, Гиждувоннинг бозорида сотиладиган баркашдай кетмои эмиш. Айтгандай, қишлоқда сариқ касал тарқаган, деб итлар билан мушукларни ушлаб отишяпти. Биттасининг сал кайфи бор эканини, адашиб Нормуродларнинг қуёнларини яшадиганни отиб қўйибди.

Ёзверсам қизиқ гаплар, ғалати янгиликлар кўп. Район газетасида мақолаларим босиляпти. Ўзимизнинг ўша қадрдон Жума бригадирни ёзяпман. Деярли ҳар ўн-үн беш кунда номи чиқавергани учунми, у киши газетани ўқимай қўйдилар. Менинг бўлса бошқа бригадаларга бориб мақола ёзиб келишга вактим йўқ. Ҳатни тезроқ тугатиб, чироқни ўчирмасам бўлмайди. Пашшалар укамларни ухлагани қўймаяпти... Эртага яна товуқ фабрикага борамиз. Ислом ҳали-вери тузаладигангага ўхшамайди. Ҳисобчининг ўғли Утабой эса Нукусга по-

мидор сотгани кетган. Ўзи яқинда Учқудуқдан келувди. Үнинг ўринига ҳам ишлаш керак. Уч кишиининг ўринига ишлаш қийин экан.

Агар отпуска олсангиз, албатта келинг. Омон бўлинг.

**Салом билан сизни қучиб-ўпиб укангиш
Шакар».**

* * *

«Ассалому алайкум, акажо!»

Соғлиқларингиз қалай? Үйдагиларнинг ҳаммалари соғ-омонми? Ишлар яхши кетяптими? Уй масаласида ўзгариш борми? Ариза берганингизга ҳам кўп йиллар бўлиб кетди-ку, қачон оласизлар, ахир?

Үйдагиларнинг ҳаммалари соғ-саломат. Укамлар мактабга қатнаб ҳам ишлаб юришибди. Фақат Зебинсони формаси йўқлиги учун ўқитувчиси дарсга қўймаяпти. Отам, ойлик келса олиб бераман, дедилар. Шинрин акамдан хат келиб турибди. Яна сигарета жўнатинглар, деб ёзибди. Энди у ҳам отамнинг ойлигидан жўнатиладиган бўлди.

Энди энг ёмон япгилик ҳақида икки қаторгина ёзай: сиз яхши кўрадиган Олапаримиз кетиб қолди. Уч кун ҳеч нарса емасдан, ҳовлининг кунботар бурчагида бошини кўтармай ётди. Тўртинчи куни эрталаб чиқиб кетганича, қайтиб келмади. Ҳовлимиз Олапарсиз ҳувиллаб қолди. Ҳар қалай, уйда итнинг ҳам бўлгани яхши экан.

Қишлоғимиз совхоздан ажралиб, янги совхоз бўлди. Орден эски совхозда қолди. Ҳозирча совхоз маркази аниқ эмас. Каллар касалхонасининг мудири директор. Қобил сартарош клубга мудир, тўйларда қўшиқ айтиб юрадиган ўйинчи бор эди-ку, Ойпарча, ўша комсомол комитетининг секретари бўлди. Одамлар, жуда ташкилотчи қиз, деб мақташяпти. Лекин секретарь бўлганидан буён тўйларга чиқмай қўйди.

Ака, битта иш жуда ёмон бўлди: мактаб директо-
римиз Давроновнинг устидан ёза-ёз қилиб, ахир иши-
дан олдиришиди. Пенсияга чиқишига бир ярим ой қолган
экан. Хайрлашув йигилишида гапириб туриб, одамлар-
га ёмонлик қилмагани учун, лекин одамлар ёмонлик
қилгани учун, бирдан ўзини тутолмай йиглаб юбориб-
да. Ҳамма ўқитувчи хафа. Умуман, мактабимиэдан
файз кетганга ўхшаб қолган.

Қишлоқда янгиликлар анчагина. Мактабимиэга эски
мозор ўрнидан стадион учун беришди. Адабиёт ўқитув-
чимиз Асқар ака янги стадион ҳақида шеърини ўқиди.
Шу куни бўлим клубига «Оқ кема» деган кино келди.
Зўр кино экан!..

Хуллас, шунақа гаплар. Ҳозир ҳаммаёқ шипшийдам:
ѓўзапоялар йифиб-териб олиняпти. Энг ёмони шуки,
Жума бригадирни ишдан олишиди. «Мақтайвериб, мақ-
тайвериб ахир тагимга сув қўйдинг-да, муҳбир!» деб
ҳазиллашадилар.

Мақолаларим босилиб турибди. Шеър ҳам машқ
қиляпман. Ишқилиб, уч-тўртта дафтарни тўлдириб қўй-
дим. «Т.га» деган шеърим газетада босилди. Газетани
ўқиш билан Сайим бобонинг Тошхон деган набираси,
Турсун тоғанинг Тозагул деган қизи, Шаропов муал-
лимнинг Тўтихон деган синглиси роса бошимни қотир-
япти. Шеър ёзиш ҳам ғалва экан. Баракалло, катта
шонрларга!..

Хайр, омон бўлинг, акажон. Янги йилда янгамул-
лам билан албатта келинглар, бирга кутамиз. Бир боц-
ка помидор тузлаб қўйганмиз. Янги йилгача тайёр бў-
лади. Албатта келинглар.

Салом билан укангиз *Шакар*»

ҚУЗМУНЧОҚ

Отамурод қассобнинг тоби қочди. Үмрида қаттиқ-
роқ товуш чиқариб йўталмаган одам кўрпа-тўшак қи-

либ ётиб олди. Дард ёмош, жайдари йўрга ҳарсиллаб кўтарадиган оғир гавдаси чўпдаш бўлиб қолди. «Йўқ» деганига қарамай ўғиллари уни касалхонага олиб боришли. Чўмичга ўхшаш бурунли бир врач узоқ текширди. Йчакдай бир нарсани қулоқларига тақиб, иккинчи учини қассобнинг кўкрагига тутиб эшилди. Ке йин упнинг қоринни силаб, юмшоқ бармоқлари билан босиб-босиб кўрди. Қассоб кўкрагидан сал пастда саниқ сезди. Қуйин лабини аста тишлади.

— Оғрияптими? — деб сўради врач.

— Ҳа,— деди қассоб қимтиниб.

— Амаки, сизни ётқизамиш. Текшириб кўрамин,— деди врач ўриндан тураркан.

Отамурод қассобнинг нафаси ичига тушди. Дўхтир чиқиб кетгач, ўғлига илтижоли тикилди:

— Энди нимасини ҳам текширади,— деди у қўлини кўкрагига нуқиб, норози оҳангда.— Икки йилдан буён мана бу ерда нима бўлаётганини дўхтиринг қаёқдан билади? Дардим ўзимга аён, ўғлим.

— Ота, сиз сира парво қылмай, даволанинг. Утган ишларни хаёлнингизга келтирманг. Ҳозир фақат соғлигингизни ўйланг. Дўхтирлар билан гаплашаман, ҳали кўрмагандек бўлиб кетасиз,— деди ўғли унинг кўнглини кўтариб.

Бу гаплар билан қассобнинг кўнгли «кўтарилмади»...

* * *

Отамурод қассобнинг тўйғичи қиз эди. Бундан у жуда-жуда суюнди. Ота-онадан эрта етим қолган сингилиларини ўзи кўтариб, қараб катта қилгани учунми, ишқилиб, ёшлигидан қиз болага меҳри бўлакча эди. Мана, хотини ҳам билгандек, қиз туғиб берди. Қассоб ўзида йўқ хурсанд эди. Аммо қувончи узоққа бормади: қизалоқнинг умри қисқа экан, чилласи чиқмай... Бирин-кетин туғилган икки ўғил қассобнинг дил ярасига мал-

ҳам бўлди. Бироқ қассоб уйида қизалоқ йиғиси янграйдиган кунни орзиқиб кутарди. Ниҳоят, бу истаги ҳам рўёбга чиқди: кенжаси қиз бўлди. Қассоб яна суюнди. Бахтимизга шугина омон қолсин, деб чақалоққа Турсуной деб ном қўйдирди. Фиждуонга бориб, атай бешик ясаттириб олиб келди. Кўз тегмасин, ҳамиша ёмон кўзлардан асрасин, деб Нуротадан бир шода ола-була кўзмунчоқ келтириб, бешикнинг қасноғига остириб қўйди.

Хотини бешикни аста тебратиб, кўзмунчоқнинг оҳис-та шиқиллашига монанд овозда алла айтарди:

Онасининг қизи бу, алла-ё алла,
Отасининг қизи бу, алла-ё алла,
Мунчоқларнинг кўзи бу, алла-ё алла,
Осмонининг юлдузи бу, алла-ё алла.
Ал-ла-ё, ал-ла...

Турсуной ёшига етганида элга катта дастурхон ёзиб, ёш тўйи қилиб берди. Қизчаси юрадиган бўлиб, «дадажон», «онажон», деб тил чиқариб ширин гапирганида, бешикдаги кўзмунчоқни билакларни бўйинчасига тақиб қўйнишди. Бирам ярашди, бирам ярашди! Қассобнинг кўзлари қувонди. «Илоҳим, қизгинамни ҳамиша ёмон кўзлардан асрасин», деб аста «туф-туф»лаб қўйди.

У фарзандларининг ҳаммасини эсли-хушли, меҳнаткаш қилиб тарбиялади. Оталик меҳри чексиз эди уларга. Ана шу меҳрдан қизига катта улуш тегди. Шу сабабдан ҳам Турсунойнинг яхши-ёмон кунларига униш ўзи балогардон бўлди.

Турсуной тўрт ёшида сариқ касалга чалинди. Хотинига ишонмай, қизини касалхонада ўзи олиб ётди. Илгари бундай жойларда ётмагани учун роса зерикди. Аммо қизи обдан тузалгунча чидади...

Турсуной тўққизинчи синфда ўқиётганида, пахта теримида қаттиқ чанқаб сув ичиб қўйди — терлама бўлиб

қолди. Қассобнинг бош урмаган касалхонаси, сўраб-суршишимаган табибию қушночи қолмади. Ана кетди, мана кетди бўлиб ётган боласини елиб-югуриб оёққа турғазди. Икки ой ичида Турсуной ҳеч нарса кўрмандек тузалиб кетди.

Мактабни тугатадиган йили Турсунойнинг дугоналари ўқишига боришга тараффуд кўра бошлидилар.

— Дадажон, мен ҳам ўқишига борай,— деди қизи бир куни ийманиб.

— Нима ўқишига, она қизим?

— Дўхтириликка.

— Майли, асал қизим. Дугоналардан ҳам борми ўқишига борадигани? Ҳа, унда яхши. Қани, мактабни битираверинг-чи, кўрармиз,— деди қассоб.

Мактаб тугади. Қассоб Турсуной билан қўшнилардан бирининг қизини етаклаб, эски сумкасини кўтариб катта шаҳарга йўл олди. Негадир оёғи тортмади. Лекин ёлгиз қизининг нияти кўнглида армон бўлиб қолмасин, кейин отасидан ранжиб юрмасин, деб кетаверди.

Қизлар медицина билим юртига ҳужжат топшириб, ётоқхонага жойлашдилар. Қассоб иккисини бир хонага қўйиб қишлоққа қайтди. Үн кунлардан сўнг хабар олгани борди. Борса, қизларнинг хонасида соchlарни кўнгироқ, кўзлари кичкина-кичкина, маллагина бир бола ўтирибди. Қассоб ҳайрон қолди.

— Ассалом алайкум,— дея бола дик этиб ўрнидан туриб, қассобга жой бўшатди.

Қассоб бошини аста қимирлатиб алик олди. У кўрсатган жойга ўтирмади. Қимсан, қаердан келдинг, деб сўрамади ҳам. Таъбига ёқмайдиган иш бўлса, индамай қўя қоларди.

— Мени танимадингиз-а, амаки? Мен обгузарлик Норбой деганинг ўғли бўламан,— деди бола.

Қассоб унинг отасини дарров таинди. Таинди-ю, баттар қовоғини солиб олди.

— Мен ҳам шу ерда, Политехника институтида ўқийман. Ҳозир ёзги меҳнат семестрини ўтказяпмиз. Шу билим юртига қўшимча бино қуряпмиз. Кеча қарасам, ўзимиз томоннинг қизлари юрибди,— дей сайрай бошлади бола, кейин қассобнинг хўмрайиб олганини кўриб, қисқа қилди:— Химиядан савол-жавоб қилиб ўтирибмиз. Қизларингиз чакки эмас, амаки.

Қассоб қовоғини очмади. Буни бола сезди шекилли, «Бизнинг ётоқхонага ҳам боринглар», деб ўрнидан қўзғалди.

— Бунақанг болаларни киритманглар. Яна битта яримтаси кўриб, гапириб юрмасин. Ўзларинг ўқисаларинг тушунмайсизларми?— деди қассоб салгина қизишиб.

— У бола химиядан жуда яхши билар экан, дада,— деди Турсуной содда, самимий қўзлари порлаб.

Қассоб қизини боплаб уришмоқчи бўлди-ю, шаштидан қайтди. Жаҳали чиққанини сездирмади. Уйдан, қишлоқдан гапириб, қизларнинг кўнглини кўтарди.

Бир-икки кун туриб ўйига жўнади.

Омад Турсунойга кулиб боқди: дугопаси конкурсдан қайтди. У ўтди. Қизига қўшилиб Отамурод қассоб ҳам хурсанд бўлди. Фақат қўшни қизининг йиқилгани унга маъқул тушмади. Ўқишга кирганида иккови гангур-гунгур юрармиди, бир-бирига кўз-қулоқ бўлиб.

— Қизинг келганида айтгни, кўзмунчоқни тақиб юрсин, тақмасаям, ёнида олиб юрсин. Бегона шаҳар, билиб бўладими?— деб хотинига астойдил тайнилади.

Турсуной кўзмунчоқни олиб кетди. Қассобнинг кўнгли бир оз тинчиди...

Икки йил ҳам оқар сувдай ўтди-кетди. Икки йил ҳар шанбада қассобнинг кўзи тўрт бўлиб йўл пойлади. Қизи ҳаяллаб қолган кезларда ўзи бориб хабар олиб турди. Ора-сира акаларини юборди. Бир гал қизини автостанцияга чиқариб кузатаётганида, ўша қўнгироқ

соң боланинг ҳам автобусга мингапини кўриб қолди. У автобусининг орқа томондаги ўринидиқларига ўтиб кетди. Қизи олдинда эди. Қассобининг кўнгли хижил бўлди. Лекин ўзга иложи ҳам пўк эди...

Икки йилни омон-эсон ўтказиб, Турсуной ўқиши тутатиб келди. Совхоз поликлиникасига ишга кириши билан ортидан совчилар ҳам кириб келишди. Кимдан дениг? Норбой аравакашининг ўғлидан. Қассобининг бароқ қошли қовоғи яна осилди. Таъби хира бўлди. Қизидан сўраб-нетиб ўтирмай совчиларининг жавобини бериб юборди. Совчилар бошқа сафар келганида «Норбойнинг ўғлига берадиган қизим йўқ», деб дарвозаданоқ қайтарди. Қайтарди-ю, Норбой аравакашинида бўлган воқеа беихтиёр ёдига тушди...

Ушанда аравакаш шалақ аравасини шалдиратиб келиб қолди. Аравадан тушмасдан, дарвозада кўринган қассоб билан савдои бичди:

— Қассоб бобо, боқиб юрган қисир сигиримиз бор. Шуни ҳалоллаб берсангиз,— деди-да, жўнаб кетди.

Қассоб белгиланган куни бориб жониворни ҳалоллади, жойида пуллаб ҳам берди. Ҳаммасини сарангжомлагач, пичоғини ювиб-артиб қининга тиқди. Дастаси гужум болтасини, эски қайроқтошу латта-лутталарини сумкасига солиб, хуржунининг кўзига ташлади.

У ташқарига чиқиб, қайтиб келаётса, аравакаш чўйка тушиб хуржунни титкилаяпти. Қассоб буни кўрди-ю, ўзини кўрмаганга олди. Аравакашининг қилиғидан лолу ҳайрон қолган эди. Нимани ахтаряпти ўзи? Ёки бирор нарсасини йўқотдимикан?.. Қассоб бирдан англади, қаттиқ, жуда қаттиқ ўсал тортиб кетди. Аравакашининг: «Овқат тайёр, қассоб бобо, киринг», деганига ҳам қулоқ осмай, хуржунни йўрганинг устига ташлаб, жаҳл аралаш ниқтади. Уйга келиб, аравакаш берган бир парча «пичноқ уччи»ни қўшниникига чиқартириб юборди. Дили баттар ғаш бўлди. Ахир аравакаш уни ким деб

ўйлади? Наҳотки уни имонини бир бўлак гўштга алмаштирадиган кимса деб билса?! Кўнглинг қора экан, нима қиласардинг Отамурод қассобни чақириб?! Умри бинно бўлиб бировнинг ҳақига хиёнат қилмаган одам, келиб-келиб...

Шу-шу бўлди-ю, у қайтиб Норбой аравакашнинг молини сўймади, қайтиб остонасига қадам ҳам босмади.

Ўзингдан чиқсан балога, қайга борурсан давога, деганилариdek, суюкли қизи, ўғилларидан кўра кўпроқ оталик меҳрини бахшида этган жигаргўшаси Турсуной қассобнинг қаддини эгиб, эл-юрт олдида шарманда қилди: юзини ерга қаратиб, бир кечада Норбой аравакашнинг ўғли билан қочиб кетди!

Бу шум хабар қулогига чалинган Отамурод қассоб қутурди, томиридаги қон кўпиринб-тошди, қариган чоғида гуноҳга ботиб, бегуноҳ хотинини калтаклади. Кўлидаги тутшох синиб кетгунча, бечора аёлни ўласи қилиб урди. Ажратишга келган ўғлининг ҳам юзини тарсаки билан ёндириди. «Ҳаммангни сўяман, шармандалар, бетиқоралар!» деб шашт билан пичогини қинидан суғурди. Шовқинни эшитиб тўпланаған қўши-қўшини базўр тутиб қолди.

Тилаб олган қизи туфайли бадани моматалоқ, оғзи қон эди шўрлик онанинг. Тилаб олган қизи туфайли юраги қон эди бечора отанинг...

Қассоб гандираклаб уйига кирди. Хонанинг қибла томонига чўйкалаганча ер муштлаб қизини қарғади, бор овози билан бақириб «оқ» қилди. Бурчакдаги эски устунда осиғлиқ турган бир шода кўзмунчоқقا (Турсуной уни кейинги пайтларда тақмай қўйган эди) кўзи тушди-ю, шартта юлиб олиб ҳовлига улоқтириди. Иппи ҳилвираб қолган эканми, доналари сочилиб, супа билан битта бўлди. Қассоб кафтида қолган бир дона мунчоқни маҳкам қисиб пешонасига муштлади...

Бир ҳафтадан сўнг Турсунойнинг тўйи бўлди. У,

отам мени яхши күради, қилмишимиң кечирар, түйимга келар, деб ўйлагай эди. Отаси тугул қариндошларидан бирортаси қорасини күрсатмади. Түйга айтты келган хабарчиларни қассоб итга талатди. «Қизим ўлган, эртага жаңоза ўқиттираман!»— деб ўкириб йиглади...

Қассоб касалхонада узоқ ётмади. Ахволи оғирлашгач, «кетамаш»га тушди. Үйнега қайтган куни қариндошлари, ошналари йўқлаб келишди. Қўни-қўшни ахвол сўрагани чиқди. Қассобининг дилгир кўигли хиёл равшал тортди.

— Бу дарднинг ҳаммаси ўйловдан бўлган. Ҳадеб сиқилиб бошнингни қотирма, жўра. Бу замоннинг боласи шунақа. Ут тушганидан кейин ҳўл-қуруқ баробар ёнади. Ҳеч нарсани ўйламай, ўғилларнинг соясида маза қилиб юрсанг-чи,— деди ошнаси Содиқ бурма гап орасида.

Унинг ҳам нияти шундай эди. Бўлмади. Баттол қизи «маза қилиб юришни» унга раво кўрмади. Кўргилик экан.

Эртаси оқшом ёнига ўғли кирди. Отасининг кўнглини кўтариш учун ундан-бундан гурунглашди. Кейин отасининг чеҳраси бир оз ёришгач, астагина гап бошлиди:

— Ота, энди хафа бўлмайсиз-да. Сизга воситачи бўлишимининг ўзи уят. Бечора, кечаям келувди. Бугун ҳам хуфтондан буён шу ерда. Қон-қон йиглаб ўтирибди. Гуноҳини кечмасангиз ҳам майли, кириб сизни бир кўрсин, тозаям хор бўлди шўрпешона.

— Йўқ-йўқ!— Қассобининг юзидан қон қочди, безгак туваётгандек қўллари қалтиради.— Кетсин! Кўзимга кўринмасин. Үлсам ўлигимга келмасин!!

Уша кеча у қизининг дераза ортидан ўксисб-ўксисб йиглаб кетганини эшилди. Унинг ҳам дили вайрон бўлди. Нимагадир қизига раҳми келиб, ўзидан кўра унга кўпроқ ачинди. Ахир, бир пайтлар шу қизини жонидан яхши кўрмасмиди, унинг фатила-фатила соchlаридан силаб эркаламасмиди? Қизалоги оғриганида, шу-

гина тирик қолсın, деб кечалари илтижо қилмаганми?..

Қизи әртасига ҳам, индинига ҳам келди. У ҳар галгидай юракларни эзиб, аста-аста нола қилиб, аста-аста фарәд чекиб кетарди. Қизнинг бу фарәдлари қассобининг кундан-күн сўниб бораётган қалбини чақмоқ янглиғ тилиб, ўртаб борарди. У ҳам қизига қўшилиб унсиз-гина йиғлар эди...

Бу тонг қассоб анча эрта уйғонди. Руҳи тетик. Ташхорат олиб, намоз ўқиди. Ўғлини уйғотиб уста Комилга жўнатди. Кўнглига яқин қариндошларини, ошналарини сўраттириди. Айвонга чиқиб бурчакдаги сумкада турған қассоблик асбобларини бир-бир олиб кўрди...

Чошгоҳда уста келиб сочини олди, соқолини тарашиблади. Кечгача сўраб келганлар билан ўтириб гурунг қилди. Ҳарбийдаги ўғлига «Отапг соппа-соғ», деб хат ёздириди.

Келиб-кетувчиларнинг оёғи узилгач, кўлдан буён дурустроқ ўтириб гаплашмаган хотинини чақиртириди. Хотини муштдай чойнакда чой кўтариб келди. Қассоб зил-замбил гавдасини кўрпаҷадан узиб, суяклари бўртиб чиққан оёқларини чордана қилди. Хотинини биринчи бор кўраётгандек хира кўзларини катта-катта очиб, унга қараб қолди. Хотини чой қўйиб узатди. Шунда уларнинг кўзлари беихтиёр тўқнашди. Тўқнашди-ю, яна ер чизиб қолди. Қассобининг ҳоли маълум. Хотини ҳам ундан қолишмайди. Жуда тез қарибди. Уни ҳам гам адо қилди. Қизининг ғами. Узи аслида индамас эди, эндии бирор қулоғининг остига келиб гапирмаса, эшитмайди шўрлик.

Орадаги оғир сукунатни бузиб, қассоб тилга кирди.

— Мендан хафа бўлмагин. Ўшанда сени уриб бекор қилдим...

— Мен сизнинг гуноҳингиздан ўша вақтда кечганиман. Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин, Ориф (хотини эришини катта ўғлининг исми билан атарди). Лекин сиз Тур-

сүнгенинг гуноҳидан ўтиңг. Орқаигиздан кўзи тўрт бўлиб қолмасин баҳтиқаронинг,— деди пиқиллаб. Сўнг аста чиқиб кетди. Ҳар гал қизининг отини эшитиши билан жазаваси тутиб «Йўқ!» дейдиган одам, бу сафар иидамади. Бошини эгган кўйи, жимгина ўтираверди. Эшик очилди. Қизи қалтироқ товушда салом бериб кирганида ҳам, узун тўшалган баҳмал кўрпача четига омонатгина чўкканида ҳам қассобдан садо чиқмади. Кўзини шифтдан узмади. Бир пайт аллақандай ғингшиганд товуш эшитилди.

— Ма ушла, буни,— деди Турсуной томоғига бир нарса қадалгандай хирплаб.

Қассоб секин кўз қирини ташлаб, қизининг тиззасида ўтирган болани кўрди. У қизини гўё тушида, қизи эса отасини хаёлида кўраётгандек... Тушда, Турсуной ширип қизалоқ. Хаёлда, қассоб меҳрибон ота эди.

Сукунат. Оғир, аламли сукунат. Қани, ким юрак ютиб ана шу сукунатни бузади? Қим?!

Канчалар оғир ва азоб бўлмасни, қассоб хиёл бошини кўтарди. Ҳушрўйгина, соchlари қўғироқдай на-бираси бўйнидаги кўзмунчиқни тортиб, худди узиб олмоқчидай юлқиб ўйшар эди. Қассобиниң унга кўзп тушди-ю, қалқиб сесканиб кетди. Кўзларини олиб қочди. Гўё кўзмунчиқ унинг бўйнида-ю, маҳкам бўғаётгана ўхшарди. «Отажон, кечиринг!» деган заниф, қалтироқ товушни эшитмагандек, қўли билан «Чиқиб кет!» деган каби ишора қилди.

Турсуной ўввос солио чиқиб кетди.

Бирпасдан кейин хотини кирди. Кирди-ю, ўтирма-ди: эшик олдида музтар бўлиб тураверди. У йиғлар, йиғлаб эрига ёлворар эди:

— Отаси, бунаقا бағритош бўлманг. Одамлар бегонанинг гуноҳидан ўтади. Ахир, бу фарзандингиз-ку. Қопингиз-ку! Қечириб қўяқолинг-да энди!

Хотинининг минғир-минғири қассобга оғир ботди. Аслида унинг ҳам қалбидаги шунга ўхшашиб аллақандай

бир истак уйғонган, бу гапларсиз ҳам күнгли тўлиб турган эди. «Одамлар бегонанинг гуноҳидан ўтади», Ўтади!.. Қизи... Фарзанди...

Бирдан қассобнинг хўрлиги келди. Бояги истак янги пайдо бўлган меҳр кучи билан йўғрилиб, юзага қалқиб чиқди, бироқ у гапиролмас, тили айланмас эди.

Хотини уйдан чиқиб кетдими, туйқус ғойиб бўлдими, буни қассоб ҳатто сезмай қолди...

ЮЛДУЗЛАР УЙГОНДИ

Улуг ҳаким Абу Али иби Синонинг ёшлик чоғларидан бир лавҳа

Шаҳарда нотишчиклик ҳукмрон. Кўчаларда ола-ғовур, споҳилар галаси қаёққадир шитоб билан от суреб кетмоқда.

Куни бўйни мутолаа билан машгул бўлиб, эндиғина кутубхонадан чиққан Ҳусайн бу ҳолни кўриб, гангиг қолди. Кўнглига хавотир тушиб, икки маҳалла наридаги устози Абу Абдулло Нотилийнинг уйига шошиб жўнади.

— Амирни ўғирлашибдур, ўғлим,— деди Нотилий оппоқ соқолини тутамлаб. Сўнг чуқур уҳ тортиб, қўй кўзларини пирпиратиб давом этди:— Буғроҳонанинг ўғли Наср шаҳримизга қўшинн тортиб келмоқда. Яна ғазозт, яна ўлим! Қорахонийлар, азалдан суннийпараст, энди шиаларни текис қилич дамидан ўтказадилар. Э, бу қирғин-қиёмат фақат улусининг шўри, пешонасига битган тавқи лаънат. Лайтишларича, амирни ҳам Наср одамлари ўғирлашган. Асли бунга унинг подоплиги сабаб. У сўнгги пайтлар бедод айламакдан ўзга нарсани билмай, доруссалтанада ўзига бино қўйиб, юзтубан кетди. Бобокалони амиралмўминин Исимопл Сомоний тутган ҳақ йўлдии, эзгу юмушлардин юз ўғириб, айш-

ишратга, кайфу сафога ружу қўйди. Авомга жабру си-
тамлар кўргузди. Сарой аъёнларининг изн-ихтиёрини
ўзларига ҳавола этди. Ул нодонлар эроя, ўзлари фар-
мойиш чиқариб, ўзлари ижро қилдилар. Бу субутсиз
аркони давлатнинг қиличи тифидан не-не бегуноҳ бош-
лар танларидан жудо бўлди. Уларнинг оҳи тутмайди
дейсанму? Оқибат буюк сулоланинг риштасига путур
етиб, танг ҳолга тушиб қолди! Ҳолимиз энди баттар
танглашур, ўғлим. Билмайменки, бу амир не каромат-
лар кўрсатади, бечора авом бошига не кулфатлар ёғ-
диради! Шўрлик аҳли илмнинг тақдири не кечади? Бу-
ни ёлғиз тангри-таолодин бўлак ҳеч кимса билмай-
дур.

Ҳусайн кекса, закий устодининг тугёнили фикрларига
жимгина қулоқ тутди. Шу кўз ўнгига ўғирланган амир
Нуҳ ибн Мансурнинг қув кўзлари, заҳил башараси
лоп этиб намоён бўлди. Бурноги йил кўкламида
у хаста амирнинг дардига даво топиб, унинг марҳа-
матига сазовор бўлган эди. Дардан фориғ бўлган амир
Ҳусайнни саройга чақиртириди.

— Қани, халоскорим мавлоно Ҳусайн, соғайган бе-
морига не хизмат раво кўрадилар, не юмуш буюрадур-
лар, бош устига! — деди амир хушнуд жилмайиб.

— Шаҳриёри оламга тилагим шуки, бирламчи, бар-
ча дардлардин фориғ бўлиб, соғу саломат бўлғайсиз.
Иккиламчи тилагим, фақирга «Саввонал ҳикмат»¹дан
илем олмоққа ижозат этсалар, тоабад дуоларида бўлур
эдим.

«Хазинанинг ярмини тиласа керак», деб кўзлари
аланг-жаланг бўлиб турган аҳли сарой, Ҳусайннинг бу
жавобидан афсус ила бош чайқаб, астагина шивир-
лашиб олишди: «Э, нодон бола, аркони давлат тила

¹ «Саввонал-ҳикмат» («Ҳикмат хазинаси») — Исломий Со-
моний ташаббуси билан Бухорода ташкил этилган улкан ва бой
кутубхона.

тилагингин, деб турганида, шунчалик ҳам паст тушадими? Ҳаҳ, манглайи қора!»

— Фақат шугинами тилагингиз, мавлоно?— дея қайта сўради амир.

— Ҳа, шаҳриёри олам. Шу тилагимиз ўринласа, нур устига аъло нур бўлур эди.

— Мавлоно Ҳусайн, бизни бағоят хушиуд этдингиз. Негаки, мен ҳам илмни қадрлаймеш, китобга ихлосим баланд. Мутолаа қилгулари келган экан, марҳамат, ижозат. Кутубхонамиз эшиклари сиз учун ҳамиша очиқ!— деди амир кулими сираб.

Ҳусайн кутубхонага қадам қўяркан, мөнор ва заҳ босиб кетган китобларга кўзи тушди-ю, амирининг баландпарвоз гапларини эслаб мийигида жилмайиб қўйди. Унинг бугунги ҳалокатини эса билимсизликдан, аҳли илмни шафқатсизларча қатагон этганидан деб биларди.

«Китоб ўқимаган, илм ўрганимаган ҳалқ ҳеч қачон зулматдан ҳолос бўлолмайди, ўзлигини намоён этолмайди. Бу дунёда руҳан басир бўлиб қолиш ва оми бўлиб яшашдан ҳам даҳшатлироқ нарса йўқ!» деганида устози Нотилий қанчалар ҳақ экан!..

Шом фалак юзига парда тортганини кўриб, Ҳусайн ижозат сўради. Юраги ҳаприқиб, устозининг «Қолингиз», деган қистовига ҳам кўнмади. Шундай алғов-далғов маҳалда шогирдини ёлғиз жўнатишга кўнгли бўлмаган Нотилий, унга ўғли билан хизматкорини ҳамроҳ қилди.

— Бу нотинч паллада кўп ҳам кўзга кўринаверманг. Бирор юмуш ё зарур калом эҳтиёж этса, ўзим киши юборурмен. Ишқилиб, омон бўлинг, ўғлим.

— Ташаккур, устод.

* * *

Ҳар оқшом болаларнинг қий-чувига, дарвешларнинг зикру саноларига тўлиб кетадиган Бухоро кўчаларни

гузарлари гунг. Зулмат қоплаган маҳалла-кӯйлар ҳувиллаб ётибди. Жинкүчаларда дайди итларнинг кўланкаси кўринади-ю, босиб келаётган бало-қазодан ўзларипи ҳимоя қилмоқидек бир зумда зим ғойиб бўлишади. Она маскани Бухорони бундай қўрқинчли ва мотамсаро қиёфада кўрган Ҳусайнинг юраги ўйнаб, вужуди титраб кетди: «Ё, тавба! Бу не ҳол, фалак? Донишу фозилларнинг суюкли маскани бундоғ забунликка юз тутмиш? Сабаб не? Қани улуғ Исмоил Сомоний тиклаган машҳур ва мағрур Бухоро? Нечун у бундай пароканда ва ғариб? Нечун гирди бало ичра қолди? Нечун?!»

Ҳусайнинг юраги баттар ғаш бўлиб, ўз хаёллари гирдобида ўзи чарх уриб борарди. Унинг навқирон қалбини бу жавобсиз дардлар ўртар, эндиғина йигирма бир баҳорга қадам қўяётган навқирон Абу Али дилини ёндираётган ҳар бир савол тагига етишга уринар эди.

Улар Дегрези ва Мокусозон гузарларидан ўтиб, Но-дир қўрчи¹ гузарига етганларида, Ҳусайнинг кўзи қурол-яроғ олаётган бир тўда навкар ва сувориларга тушди-ю, юраги қайта хун бўлди. Чақмоқ янгиға йилт этиб, қиниларига солишсаётган қиличларни, садоқларга тиқилаётган камонларни кўриб қўзларини чирт юмди.

«Нелар бўлаётсир ўзи бу юртда? Яна қонсираган қиличларму, яна қатли омму? Э, оллои карим, бандаларнингни иега бунча хунхўр қилиб яратдинг? Улар бир-бирларнинг кўзларига тикилиб ёлғон сўйлайдурлар, бир-бирларни кўра-биллатуриб алдайдурлар, ҳалол йўл қолиб, нопок йўлни ахтарадурлар! Ҳамма нарсанинг қадри бойлик билан ўлчанадур. Баҳт ҳам, тахт ҳам бойлик эвазига сотиб олишадур. Нечун бундай, нечун?»

Ҳусайн уйларига яқин қолганида маъюс бошини аста кўтарди, ҳамроҳларига миннатдорчилик билдириб, ижозат берди.

¹ Но-дир қўрчи — қулдор, қулбардор.

* * *

— Хотирамдан кўтарилий дебди, болам. Ҳали шомдан илгарироқ жўрангиз Сафармурод чиқиб эрди. Ойимгулбибининг яна тоблари қочибдур. Бир хабар олсун девди,— деди онаси Ситорабону, Ҳусайн кўнгли тиламай тамадди қилиб, дастурхонга фотиҳа ўқиганидан сўнг.

Ойимгулбиби уларнинг девор-дармиён ҳамсояси. Ёлгизгина набираси билан яшайди. Боёқниш кампир кўпдан бўён ихтилож — юрак ўйноғи касалига мубтало. Сўнгги пайтларда дард кўп ружу қилиб, бибининг тишқа-мадорини қуритган. Тез-тез ҳансирайди, бир жойда узоқ ўтира олмайди. Ҳусайн бибини даволашга кўп бора уринди. Лекин дори-дармон кор қилмади.

Ҳусайн дорилар солиб юрадиган баҳмал жилдини олиб, икки ҳовли ўртасидаги ички даричадан Ойимгулбибиникига ўтди. Кафтдек ҳовли қоронғилик қўйнида, эски эшик тирқишидан нур тушиб турар, ичкаридан Сафармуроднинг уввос солиб йиғлаётгани эшитилар эди: «Мани ёлғиз ташлаб кетманг, бибижон!»

Ҳусайннинг юраги увишиб, жойида тўхтаб қолди: «Тангри омонатини олибди-да». У қиблага ўгирилиб, билинар-билинмас титраётгани тиззаларини ушлаган кўйи деворга суюнди, қайноқ томчилар юзларига сизиб тушаётганини сезди...

Ҳусайн бу муштипар кампирин болалик чоғларидан билади. Уша, улар Афшонадап Бухорога кўчиб келган кезларида Ойимгулбиби хийла тетик, бардам эди. У тикикан чиройли сўзаналар, довруғи оламга машҳур Бухоронинг зар ҳалли тақяларини узоқ-узоқ юртлардан Бухорон шарифга келгаплар совға ўрнида олиб кетишарди.

Қайси йили Нуҳ ибн Мансур Ойимгулбибининг ёлғизгина ўғлини аскарликка олди. Ўғли қораҳонийлар билан жангдан қайтмади. Жасади қай әлларда қолиб

кетгани номаълум. Ойимгулбиининг гужумдай қаддиғамдан букилди. Инглай-инглай кўзлари нурсизланниб қолди. Бу кўргилик етмагандек, кўҳликини келишини беклардан бири ўз ҳарамига олди. Келини шурлик бу шармандаликка чидаёлмай, икки кундан сўнг оғу ичиб... Ойимгулбиби бу бебақо дунёнинг ҳадсиз ситамларидан ҳувиллаб қолган уйида ёлғиз суюнчи — набирасини бағрига босганича бўзлаб қолаверди. Мана, паймонаси тўлиб, охири-оқибат, қайтмас йўлга равона бўлди. Ортидан қадди букилган Сафармурод мунғайиб қолди.

О, бу оламда Сафармурод бўлиб яшаш қанчалар оғир!..

Бу беназир ва дилкаш кампир кўп ҳикояту ривоятларни ёд билар, камалакнусха сўзана ёки тақя тиккан кезларида гузар болалари унинг атрофини ўраб, эртакларини чурқ этмай тинглашар эди. Вужудлари қулоқ бўлиб ўтирган болалар орасида, албатта Ҳусайн ҳам бўларди. Ўйину шўхликларни унутиб, сеҳрли, афсонавий, дилбар бир оламда кезиб юрган Ҳусайн Юсуфу Зулайҳо қиссасини тинглаб кўзига ёш олар, мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатган мардонавор Рустам достонига қулоқ тутганида қалбига титроқ тушиб, беихтиёр энтикиб кетарди. Ойимгулбиининг ажойиб нақллари туфайли у бою боёнларнинг зулми, хунрезлигидан воқиф бўлган, уларни ич-ичида лаънатлаб ёмон кўриб қолган эди.

Золимлардан золимроқ шум ажал шафқат этмай,
Салтанатдан уларни элтиб ташлаб йироққа,
Хазинани олишга улгуролмай, вақт етмай,
Фақат бир каған бирлан киришдишлар тупроққа.

Энди Ойимгулбиби ҳам, унинг ғаройиб эртаклари ҳам йўқ...

Ҳусайнининг вужуд-вужуди бўшашиб, ортига бурилди. Отасига яқинда бир машшоқ дўсти совға қилган

доторда қандайдир куйни мароқ билан чалаётган ука-
сини ишора билан түхтатди. Сүнг ҳазини, шикаста то-
вушда:

— Ойимгулбиби неча ёшда эдилар? — деб сўради.

— Иб-е?! Оламдан ўтибдиларми?! Жойлари жан-
натда бўлсин, бир кам тўқсонда эдилар. Бечора, бугун
чошгоҳда соchlарини ювиб, манга ўрдирувдилар. Яна
ур-йиқит бошланганини эшишиб юрак хуружлари тут-
ган. Уруш деган сўзни эшитсалар баргдай титрайди-
ган бўлиб қолганди бояқиш,— дея Ситорабону пиқ-пиқ
йиғлаб юборди.

Ҳамма бирин-кетин юзига фотиҳа тортди.

Ҳусайн жилдини бир четга оҳиста қўйиб, чопонини
кийиб Сафармуроднинг ёнига чиқди.

Шу тун Ҳусайн бало-қазодай ёпирилиб келган қир-
ғинилардан унсиз оҳ тортаётган Бухоро каби жудолик
оламида ёшаётган Сафармурод сингари ярадор оҳудек
тўлғаниб чиқди...

* * *

Эртасига пешиндан сўнг буткул Бухорон шарифда
қиёмат қўпди. Ҳусайн ҳам ошиқиб кўчага отилди.
Отасининг: «Қайтинг, ўғлим! Мутаассибларнинг кўзи
қонга тўлган, эҳтиёт даркор», деб уввало зорлангани
билан уйда юраги чидаб ўтиролмади.

Оломон қий-чув, сурон билан Регистондаги бозор
майдони томон югуриб борарди.

— Яиги амир фармон берибди. Куфр китоблар ён-
дирилармиш,— деб шивирлади унинг ёнида чопиб ке-
таётганлардан бири, сўнг икки почаси шалвираб қолган
иштонини кўтарганча югурга кетди.

«Китоблар ёндирилармиш!» Ҳусайннинг миясида
чақини чақандек бўлди, ҳуши бошидан учди. У югуриб
кетяптими, судралиб боряптими — ўзи ҳам билмас эди.

Майдонда төгдек қилиб «Саввонал-хикмат» китоблари ғарамланган. Чекка-чеккасидан қўйилган олов астасекин гулханга айланиб борар, гулхан теграсини Наср навкарлари билан суворилари зич ҳалқа тузиб ўраб олишган эди.

Ҳусайнинг бу манзарага кўзи тушди-ю, «Во дарнг!» деганича титраётган қўллари билан юзларини, қайноқ томчилар шашқатор оқаётган қўзларини беркитди. «Бу гумроҳ амир не телбаликлар қиласпти ўзи? Илмлар хизнасига ўт қўймоқлик? Оламда бундан кўра гуноҳи азим борми?!

Ё раббий, пешонанг бунчалар шўр бўлмаса, Бухоро, онажоним!»

Шу пайт навкарлар оломон орасидан гулханга ташланган шоир Бобомирзо Давронийни майдон узра судраб олиб ўтдилар, сўнг тепкилаб-тепкилаб, бир четга элтиб ташлашди. Бечора шоир аёвсиз калтак зарбида инграр, қон кўпираётган лабларини базур очиб-ёпиб алланималар деб пичирлар эди. Юпушгина уст-бошидан тутун бурқисиди. Тўрт-беш кишилашиб шоирни Мўмин заргарнинг дўконига олиб кириб ётқизишди. Ҳусайн ҳар дақиқани ғанимат билиб, дардига малҳам топишга шосилди...

Олов зўраяр, шиддат билан кўкка ўрлаётган тутун эса, Бухоронинг мусаффо осмонини тўлдириб борар, дунёнинг турли юрту элларидан не-не азоблар билан тўпланган буюк хазина, қанча-қанча донишмандларнинг ақлу заковати билан бунёд этилган нодир сахифалар кул бўлиб кўкка соврилмоқда эди...

Ҳусайн бу бебаҳо кутубхонада икки йилга яқин илм ўрганди. Катта-кичик деярли барча рисолаларни кўздан кечирди, сарғайган сахифаларни кўз ўнгига ёниб, кулга айланиб бораётган китобларни кўриб тураркан, юрак-юраклари тўкилиб борарди. Ҳусайн ҳам чидаб туролмади. Шашт билан ловиллаётган гулхан томони отилган эди, ёнида турган уста Мўмин маҳкам ушлаб қолди.

— Бўлар иш бўлди, болам. Энди лаин билан олиш-моқдан не фойда! — деди уста Ҳусайнни бағридан чиқармай.

«Эй тангри, ўзинг бу бандан девонанинг кўнглига раҳму шафқат солсанг-чи! Унинг басир кўзларини очсанг-чи! Бу не бедодликки, тафаккур олами — кутубхонага ўт қўйинб, улуснинг йўлчи юлдузи бўлган китобларни ёқса! Нечун қараб турибсан энди? Бу иблису лаинларни ҳам шу ўтда ёқмайсанму, китоблар мисоли кулинни кўкка совурмайсанму? Қани иисофинг, қани адолатинг?!»

Кучли дод-фарёд Ҳусайннинг тўзғиган хаёлларини бўлди.

Китобдор Иброҳим ибн Малик ўзини гулхонга ташлади...

Кимдир унинг тобора алапга олиб ёнаётган эгни устига бир меш сув қуиб юборди. У «оҳ!» деб наъра тортди-ю, гандираклаб йиқилди. Қиприклари ёниб кетган сўниқ кўзларида гулхон алангаси қотиб қолди. Ҳусайн ҳам бирор чора-тадбир кўрмоққа улгурмади. Жасадни ҳам устанинг дўконига олиб кетишиди.

Шундан сўнг бирор кимса юрак ютиб гулхонга яқин йўламади.

Аста-секин тарқалаётган оломон иккига ажralиб, телба-тескари қадам ташлаб келаётган бир кимсага йўл берди. Ў бошини кўтариб чор-атрофга аланг-жалаиг боқар, қалтираётган қўллари билан ниманидир тутмоқчи бўлар, қадам босган сари букилиб-букилиб кетар эди.

— Е фалак, қаҳринг мунчалар қаттиқ! Ахир, бу ўғирланган амир-ку! Бу банди ожизнинг ёзуги шулминкин ё? — дея бош чайқаб ёқасини тутди уста. Шунда Ҳусайннинг ёдига устози Нотилийнинг сўзлари келди: «Бу субутсиз мустабиднинг қиличи тифидан не-не бегуноҳ бошлар танларидан жудо бўлди. Уларнинг оҳи тутмайди дейсанму?»

Оломоннинг ҳайрат тўла қўзлари гулхан атрофида тентираб юрган амирда. Бирор ачинар, бирор кулар, бирор юзини тескари ўгириб олган эди. Амирнинг оловга яқинлашиб қолганини кўриб, увада жанда қийган, соч-соқоли ўсиб дарвешиг қиёфасига кирган бир пайтлар саройдан амирнинг ўзи бадарға қилган шоир ва фозил Исфандар Муслимий унинг қўлларидан ушлаб, майдондан нарига етаклади.

- Ким бу? — дея ҳирқираб сўради амир.
- Бир шоир.
- Кимсиз ахир, айтинг? Исмнингизни айтинг?!

...

Амирнинг вужуди қалтираб, шоирга эргашиб борар, ёнидаги бахти қаро дарвешдан ҳам ғариб ва нотавон кўринар эди...

Ловиллаб турган гулхан учиб, бурқенган тутунга айланди. Бир нафас турниб илондек вишиллади, сўнг қора тутун бурқсиди.

Бу ҳол шомгача такрорланди...

Кечга бориб Ҳусайннинг иситмаси чиқиб, тоби қочди. Аъзойи баданига қалтироқ кирди. Сафармуроднинг сўнгиз фарёди майдондаги кўкка ўрлаган гулхан, шоир Бобомирзо Давронийнинг қон қотиб қолган лаблари, китобдор Иброҳим иби Маликнинг жизғанак гавдаси, телба амирнинг қўзларидаги саросима, кулга айланаб учиб юрган жизғинак саҳифалар... Бухоронинг дуд босгали осмони қўз ўнгидан нари кетмас, қалби «Саввал-ҳикмат» синигари ҳувиллаб қолган эди.

...Уюм-уюм китоб ёнмоқда. Еру осмонни қора, қопқора тутун қоплаган. Ногаҳон кўк бағрини тилиб қаҳқаҳа янграйди. Самовот аллақандай ваҳима оғушида, оломон тошдек қотган. Қулоқларин йиртгудек жарангләстган кулги қудратидан гулханнинг шашти сўнгандек бўлади. Ҳусайн ҳайрат билан қора қуюнга тикилади. Тикилади-ю, ўнгидами, тушидами гира-шира эслаб қолгани Исмоил Сомонийнинг сиймоси кўрингандек туюла-

ди. Унинг кўзлари тўла ташвиш. Бухоронинг поёнииз осмонида эса бургутсимон баҳайбат бир қуш полапонларини йўқотиб, чарх урганча фарёд чекиб бўзлади, бўзлади...

— Ўртамма, болам! Кимки кўрнамаклик қилиб, китобга ўт қўяр эркан, оқибат ҳам ўтда куїғусидир! — деди отаси унинг рез-реза тер оқаётган мағлайнини оҳиста силаб.

...Қоронги чўкиб, юлдузлар уйғонди. Аммо уларнинг жамолини бу оқшом бухороликлар кўрмади. Чунки фалак юзини куйиб кулга айланган китоблар дуди қоплаб олган эди... Кўҳна Бухоронинг тангу тор кўчаларидан биридаги ҳовлида бир жуфт юлдуз бедор чақнار эди.

Абу Алиниңг туйғун кўзлари...

ЧОРРАҲАЛАР

Дўстим!

Соғ-омон бормисан? Дунёниг шодликларига кўмилиб, қувончларига йўғрилиб, яйраб-яйраб юрибсанми? Ана шундай севиниб, яйраб юришларинги борман-да! Чехрангда табассум балқиган кезлар... Йўқ, сенинг култиларингни, чўғдай порлаган кўзларингни эслаш энди менга оғир. Афсуски, узоқ йиллар ахтариб, излаб, топдим деганимда, сени яна йўқотиб қўйдим. Топдиму йўқотдим.

Мана ўшанга ҳам қирқ тўқиз соату эллик беш дақиқа бўлди. Ушбу сатрларин ёза бошлаганимда соат мили эллик олтинчи дақиқа сарн илдам одимлай бошлиди. Сўнг эллик еттичи, эллик саккизинчи... Вақт жамики тезликларининг энг шиддаткори ва аёвсизидир. Қўзингни каттароқ очмасанг, унинг шафқат билмас қадамлари остида йитиб кетишинг ҳеч гап эмас.

Вақт сингари сени ҳам қайтаришнинг иложи бўл-

мади. Ахир, месинг ягона суюнчигим, дардлариминнег малҳами, шодлуклариминнег илҳомчиси ўзинг эдинг-ку! Бироқ сен кетиб қолдинг. Ағесүс... Ҳар ҳолда мени ёлғиз ташлаб кетмасанг бўларди. Шўрлик бошимни минг балога гирнфтор этиб юрган илмий ишимиҳ ҳимоя қилгунча ёнимда туарсан, деган умидда эдим. Майли... Биз яна бир-биримиз билан топишармиз, ана ўшанда бу душёда биздан баҳтиёр бир зот бўлмас. Ҳозирча мана шу дил суҳбатларимиз ҳам, билсанг, мен учун кони давлат...

Эсингдами, ўша тун осуда, ойдии эди, иккимиз танҳо қолдик, кўчаларни кездик. Биз шундай эҳтиёткорлик билан қадам босардикки, ҳатто дараҳтларниң уйқусини бузишдан чўчир эдик. Пойимизга тўшалган майсаларниң ғаройиб тушларини тўзғитиб юбормасликни истардик. Қизиқ, майсалар ҳам туш кўрармикан? Майсаларниң тушига нималар кирадкан? Ўша пайт ҳаёлимдан ўтган бу саволлар ҳануз жавобсиз. Унда биз ўзгача бир оламда юрадик. Бу олам беғубор ҳам гўзал, гам-андуҳга бегона эди. Мен, сен ва эртакларда гидек осуда ту...

Кутилмаганда тун бағрини тилиб, аллақаңдай ожизона бир товуш эшитилди:

— Ёрдам беринглар, ёрдам!.. Адои тамом бўлдим-ку!.. Ягона ишончим ҳам йўққа чиқди. Ӯшланглар у баҳт ўғрисини!..

Мен овоз келаётган томонга югурмоқчи бўлган эдим, қўлимдан шартта тутиб қолдинг.

— Тўхта! Қичқираётган — тун париси, унга ишонма. Ҳийла қиляпти. Қайт! — дединг.

Мен яна юлқиндим. Сен қўлимни олдингидан ҳам маҳкамроқ сиқдинг.

Тун парилари! Нега улар алдайдилар? Нега ярим тунда ёлғиз юрадилар? Эҳтимол у пари эмас, ҳақиқатан баҳтсизликка дучор бўлган бир бечорадир... Буни на сен, на мен била олдик.

Мени ҳануз ўша нолакор товуш қийнайди. Тушла-
римда ҳам тинчлик йўқ. Ўшанда ёрдамга дадил бор-
маганим учун ўзимни ўзим коййман. Начора?..

Ниҳоят, чараклаган юлдузлар жамолига ҳасад қи-
лаётгандек, кўк юзига кора булат парда торта бошли-
ди. Биз кезиб юрган сокин олам бирдан ёришиб кетди—
чақмоқ чақнади. Еру кўк бир ёниб ўчди. Момақалди-
роқ гумбурлади. Наърасидан гўё осмон қулаб туша-
дигандай бўлди. Бунга чидаёлмаган бечора фалак
хўрлиги келиб йиғлаб юборди: баҳор баҳорлигини
қилди...

Ўшанда сен илк маротаба туи бўйи мен билан қол-
динг: хонамга бординг. Бундан қанчалар севинганимни
билсанг эди! Йўқ, бунинг ҳаммасини батафсил сўзлаб
бера олмайман. Шундоқ бўлса ҳам нималарнидир хо-
тирлашга уриниб кўраман. Сен каравотга чўэзилиб уй-
қуга кетдинг. Мен эса бармоқларимни қабартириб
юборган ручкани олиб, илмий ишни давом эттироқчи
бўлдим. Уринишларим бекор кетди, бир сатр ҳам ёзол-
мадим. Иштиёқ йўқ. Буидай пайтда ўзингни мажбур
қилиш бефойда. Лекин хонамда энг яқин дўстим, ҳам-
дамим ётганлигидан бошим осмонда эди. Бир зум сен-
га термилиб, тепангда тош қотдим. Сездинг. Секин кўз-
ларингни очдинг.

— Ёз, нега ёзмаяпсан, ёзавер!— дединг. Овозингдан,
иззаримда, рутубатли хонамнинг деворларига ҳам жон
киргандек бўлди.

— Ёзгим келмай қолди,— дея оқлашга уриш-
дим.

— Нима, мен халақит беряпманми?— дединг.

— Йўқ·йўқ. Аксинча...

Сеп кулдинг.

— Илмий ишингни ҳимоя қилсанг, олим бўла-
сан-да?

— Ҳа, шу, олимга ўҳшаганроқ бир киши-да.

— Нега ҳақиқий олим эмас?

— Билмадим. Ҳақиқий олим бўлиш осон эмасдир балки...

— Шу туришингда бирор сенинг олимлигингга ҳам ишонмайди. Бўйингни қара... Муштдай бошингдаги қасқои ҳам, арави бесёнақай портфелинг ҳам савдо-гарларникига ўхшайди.

— Ишонмагани маъқул. Мен кўргазма учун олим бўлаётганим йўқ-ку?

— Ғалатисан-а! — Сен бошингни сарак-сарак қилиб жилмайдинг. Жилмайнишингда ҳам ажиб бир ҳолат «ғалатисан, жуда ғалатисан», деган бир маъно бор эди.

Ташқарида эса ҳануз осмон ноласи. Ёмғир томчилари баргларни, гулларни, майсаларни чиннидай ювади, табиятни губорлардан тозалайди. Ёмғир бўлиб яшаш оғир, дўстим. Чунки губор кўп, чанг кўп...

Ёмғир бўлиб яшаш оғир! Кўп оғир, дўстим!..

Эрталаб кўзларимни очсан сен йўқ. Кетганингни сезмай қолибман. Начора...

Ўшандан бўён мен гаранг, қилаётган ишларим ҳам бетайин — куну тун сени актараман. Топмайман. Лекин барибир ишончим комил: бир кун ҳузуримга келасан, бу оламда танҳо иккимиз қолиб дилдан сұхбат қурамиз. Кел, дўстим, келақол...

Қўлларингни ғойибона сиқиб қолгувчи дўстинг

АЛИШЕР.

* * *

...Кечагина сўнгги бобини бошлаган илмий ишимни бир четга қўйиб, сенга мактуб ёзяпман — қофозсиз, қаламсиз мактуб. Олдинги мактубларим сени толиқтиргмаган бўлса — бас. Ёки «мунчаям файласуфона», дея кулаётгандирсан. Кулма, дўстим, кулиш қочмас. Ахир ҳаётнинг ўзи фалсафадан иборат эмасми! Бундан ташқари, мен фақат сен билангина шу йўсин гурунглашман. Ҳаётда эса, мен ҳам бўлакчаман, ошна.

Бир воқеа ёдимга тушди. Талабалик йиллари эди. Мәхнат семестри даврида бизни қабул комиссиясида навбатчиликка олиб қолишиди. Вазифамиз — эшик олдиди туреб, бегоналарни имтиҳон олинаётган бино ичкарисига қўймаслик.

Бир куни қошимизга бир киши келди. Кўриниш чакки эмас — савлат бор, мўйлов бор, яна... Жияни имтиҳон топшираётган экан. Ичкари ўтмоқчи бўлди. Шерикларимиздан бири унинг йўлини тўсди, ҳозир ўёққа кириш мумкин эмаслигини тушунтирди. У бўлса бирдан ўқраинб, сумкасидан қоғозга ўроғлиқ яримтағиштадай бир нарсанни чиқарди ва худди минбарда оташни шутқ сўзлаётган иотиқининг қўллари сингари, ҳалиги нарсанни тутган қўлини ҳавода ўйнатиб:

— Мана шу билан бошингга бир ураман, пачагини чиқади сав маҳмаданани! Қоч! — дея ўшқирли.

Шунинг устига қабул комиссиясининг раиси келиб қолди. Бўлган воқеани унга айтдик. Ранс бояги одамини танийди шекиали, кулиб келиб, қуюқ саломлашди ва қўлтиғидан олиб ичкарига бошлади...

Ким билсин, раис ўша нарсага ўз бошкни тутиб бергандир. Бечора бош...

Мана шунақа, дўстим! Сен кимгадир ҳақиқат қилимоқчи, қопун-қондани тушунтиromoқчи бўласан, у эса пинагини бузмайди... Боягидай нарсанни кўрсатиб дағдаға қиласди. Бундай одамларининг танаси ҳам, юрати ҳам қоғозга ўроғлиқ бўлади.

Шу куни бир воқеа рўй берди. Бизга мактабда таълим берган Бобоев деган ўқитувчимишининг ўғли яна йиқилиб чиқди. Учишиб йип шундай бўлиши. Ўзим савол-жавоб қилиб кўрганман. Билимлигина эди. Билими тузуг-у, лекин... Бола узоқ йиглади, хафа бўлди. Менинг ёрдам беришпини истайди, мен эса унга кўзидағи ёшларни артишдан бошқа иложим йўқлигини айтгим келади... Сўнг ҳужжатларини олиб техникумга топширди, икки фандан ҳам аъло баҳолар билан ўтди.

Бобоев домлани бекорга эсламадим. У киши бизни ҳамиша тўғри бўлишга, бойликнинг эмас, виждоннинг қадрини билишга ўргатган. У ўзи оддий яшаса ҳам қалби осмондай мусаффо, кенг. Мұхими — Бобоевнинг имони бутун!

Ташқарида ёмғир томчилай бошлади. Яна осмоннинг дардлари қуилади. Фалак мана шундай ғамгин қўшиқ бошлаган кезлари беихтиёр қишлоғимни қўмсаб кетаман. Бу ерлардан кетгим келади. Қанотларим бўлсаю қишлоғимга учиб кетсан. Ҳа, ҳозироқ учиб кетсан. Ёнимда сен ҳам бўлсанг. Майли, ёмғир бизни аёвсиз саваласин, кийимларимизни шалаббо қилиб юборсин — барибир ортимиизга қайтмасдик, дўстим.

Баъзан шаҳар ҳавоси кишини бўғиб юборади, сиқилиб кетасан. Бундай пайтда кўчага чиқиб кетгинг ё ким биландир тўйиб-тўйиб дардлашгинг келади. Ким билан?.. Ёнимда йўқлигигинг афсуслашман, дўсти ҳамдам. Майли, нима бўлганда ҳам бу ёруғ оламда борсан-ку...

АЛИШЕР.

...Туш ярмидан ошяпти-ю, лекин кўзларимга уйқу келмаяпти. Туриб тамаки чекаман, қайта ётаман. Тамаки тутинига тўлган хона ҳавосидан нафас оламан. Ари уясидай гувиллаётган бошимни кўрпага буркайман. Бўлмайди. Бугун бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушкиши билан бутун вужудимга титроқ киради. Гўё ичимга бир нарса кириб олгану, чиқиб кетолмай қийналаётганига ўхшайди.

Туриб яна тамаки чекдим. Сўнг гира-шира ёруғлик тушиб турган пардан сурисиб, ойналари ликиллаб қолган деразани очиб юбордим. Юзимга салқин шабада урилди. Ташқари сутга чайиб олингандай оплоқ. Осмонда ой ёлғиз: борлиққа гўё ҳасратини тўқмоқла. Аллақаердан қурбақанинг зўр бериб қуриллагани эшитилади.

Хуллас, бундай бўлди. Илмий раҳбарим Москва йиғилишига кетганлиги сабабли унинг ўриида студентларга лекция ўқидим. Дарс жуда ҳам қизиқарли ўтди. Саволлар дўлдай ёғилиб кетди. Танаффусни ҳам унудик. Болалар билан тил топиша олганимдан хурсанд эдим. Ахир, лекция «tinglab» кўзини лўқ қилиб чиқиб кетадиганлар оз дейсанми?..

Кафедрага кириб эса, ҳафсалам пир бўлди. Ўқитувчилардан уч-тўрттаси чакакма-чакак туриб олиб, гўё бошқа мавзу йўқдай, кимнидир ғийбат қилишаётган эди. Қўлида фан иомзодилик дипломи бор бу одамларнинг бунақа суҳбатини эшитсанг, энсанг қотади.

Ғийбат, ҳасад бор жойда соғлом ҳаёт бўлармиди, дўстим?

Пешиндан сўнг раҳбаримнинг ўрнига сиртқи ўқиётганлардан имтиҳон олдим. Имтиҳоннинг бошланиши ёмон бўлмади. Яхши биладиганлар шартта-шартта гапириб баҳони олиб кетишиди.

Бир пайт хонага домланинг яқин дўстларидан, шуниндеги кафедра мудирларидан бирни кириб келди.

— Ҳорманг, ҳорманг,— деди у мени катта тутиб.

— Саломат бўлинг. Келинг, домла,— дея ўрнимдан турдим.

— Имтиҳон оляпсизми? Маладес! Бир минутга қараб юборинг!..

Биз йўлакка чиқдик.

— Ука, мана шу боланинг дардига бир қулоқ солсангиз,— деди ва тўрт-беш қадам нарида турган узун бўй, ёш бўлса-да, тарвуэчадай қорин солган, мўйлови отнинг тақасидай оғзининг икки четидан тушган йигитни кўрсатди.

Қани, айт, дўстим, шундай пайтда нима қилишим керак? Нима?! «Хўп бўлади, домлажон», деб қўлимни кўксимга қўяйми? Ўнда виждон нима бўлади?

Лекин домлага аниқ бир нарса демадим. Унга эса, билет олиб, тайёрланишини айтдим. У узоқ «тайёрлан-

ди». Ҳатто бир сафар билетини алмаштириб ҳам олди. Йўқ, барибир тортмади: тагида бўлмаганидан кейин қийин экан. Ниҳоят, чақирдим: рўпарамга келиб ўтириди.

— Тайёрмисиз?

— Ҳа,— деди хириллаб.

Биринчи саволга шунчалар иврсиб жавоб бердики, унинг эмас, менинг юракларим эзилиб кетди.

— Тўхтанг, аравани қуруқ олиб қочишдан фойда йўқ. Савол бўйича нималарни билсангиз, шуни қисқа-гина гапиринг,— дедим охири чидамай.

Иккинчи, учинчи саволларга ҳам узоқ чайналиб, нималарни деб минғирлади. Имтиҳон дафтарчасини сўрадим. У енгил тортиб, сувқоғозга ўралган синов дафтарчасини секин узатди. Баҳо қўйилиши керак бўлган саҳифасини очсам, ичидан битта йигирма бешталик чиқди. Эҳтимол унутиб қолдиргандир, деган ўйда, бепарвогина дедим:

— Пулнгизни олиб қўйинг.

У бўлса пулни олиб, яна мен томонга аста сурниб қўйди. «Бу — сизга» дегандай имо қилди.

Дафтарчани қандай ёпганимни, унинг айёр баша-расига қандай урганимни ҳалигача эслай олмайман.

У шошиб туриб, парталар остига учиб кетган пулини топди, сўнг тепамда серрайиб туриб:

— Кечиринг... катта домла.... олардилар,— деди дудукланиб.

Бирор бошимга гурзи билан туширгандай бўлди. Урнимдан шартта туриб унинг кекирдагидан олмоқчи бўлдим-у, лекин...

Уни бўғишдан нима фойда?

— Унда, ўзларига топширасан. Мен сендан имтиҳон олмайман. Лекин ҳозироқ кўзимдан йўқол!— дея уни ҳайдаб солдим.

Имтиҳонни тўхтатишга мажбур бўлдим. Чунки юрагим сиқилиб, бўғилиб бораётган эдим...

Мана, сенга — илмий раҳбар! Унинг яхши одам эмаслигини майда-чуйда ҳаракатларидан ҳам сезиб юрардим. Бугун эса ҳаммаси равшан бўлди. Равшан бўлдию, мен катта хато қилганини тушундим. Энди бу хатоим учун ўзимни умр бўйи кечирмайман. Балки сен ҳам кечирмассан. Лекин дуст сифатида, мени кечиришга уриниб кўргин.

Дераза олдига келиб, осмонга қарайман. Олис-олисларда юлдузлар порлаб турибди. Биласанми, улар нега ҳар доим чараклаб туради? Мен ҳамиша юлдузларни поклик тимсоли деб биламан. Одамлар ҳам юлдузларга ўхшаса дейман. Уларнинг ҳам юзлари, қалблари чараклаб турса. Ўшанда виждонимиз пок, имонимиз бут бўлармиди...

Майли, дўстим, бугунча шунча валақлаганим етар. Миянгни қотириб юрган бўлсам, узр. Бахтимга доимо саломат бўл, деб

АЛИШЕР.

* * *

...Ушбу хатни сенга жуда шошилинч ёзяпман. Роппо-роса бир соату етти дақиқадан сўнг поезд жўнайди. Мен кетяпман.

Ҳимоя қилишим керак бўлган илмий ишимни ҳозиргина ёқиб юбордим. Ҳар бир саҳифасини алоҳида-алоҳида ёқдим. Мана, сўнгги саҳифа ёниб кулга айланяпти.

Кул — қайғулар йиғинидиси...

Сен эса бунга қайғурма. Чунки қайғуришга ҳам арзимайди. Билмадим — бу ишим тўғрими, нотўғрими, аммо бир нарса аниқ: ёзганларимнинг ҳар бир саҳифасини оловга ташларканман, вужудим қандайдир жирканч туйғулардан қайта-қайта тозалангандай бўлди.

Ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. Устимдан тор

ағдарылғандай, енгилман. Эркин, озод қүш сингари узоқ-узоқларга учгим келади...

Омон бўлгин. Лекин бу сўнгги мактуб эмас. Ҳали кўп дардлашамиз, дўстим.

Салом билан

АЛИШЕР.

* * *

...Дўстим, сенга бу мактубни қишлоғимдан ёзяпман. Бу ерга келиб анча ўзгариб қолдим. Қилган ишимдан уйдагилар бир оз хафа бўлди. Лекин уларга ҳаммасини батафсил тушунтиришнинг иложи йўқ. Тушунтириб бўлмайди ҳам. Баъзилар «Олимлик муборак бўлсан!» деб кесатишади. Начора, чидаш керак. Баъзан ўзимни бепарволикка соламан-у, лекин виждоним қийналади. Илмий ишдан воз кечганим учун эмас, тўрт йиллик умрим, соғлигим зое кетганим учун. Бирон-бир фойдалироқ иш билан шуғулланмаганимга ачинаман. Сезиб турибманки, менинг бу ишимдан сен ҳам хафасан. Лекин қалбимга энг яқин киши бўлганинг учун мени фақат сен тушуниарсан, деб ўйлайман. Ушандай шаронтда бошлаган ишимни ниҳоясига етказолмаслигим фақат сенгагина аён, дўстим.

Дарвоқе, серғалва шаҳарни нима сабабдан тарк этганимни сенга ёзганим йўқ. Уша хунук воқеа юз берган кунлари ўз ёғимга ўзим қовурилиб юрдим. Раҳбарим Москвадан келиши билан унга учрашиб, масалани бирёқли қилмоқчи эдим. Кутилмаганда яна бир воқеа юз берди.

...Уша куни домлани йўқлаб уйига бордим. Йўқ экан. Бир маҳал хотини чиқиб қолди ва мендан шаҳар четидаги далаҳовлиларига бориб келишинни илтимос қилди. Профессоринг хотини оқила эди, сўзини иккι қилгум келмади.

Бир қўлимда ёндигина таржимадан чиққап илмий ишим, бир қўлимда катта сумка, далаҳовлига жўнадим. Автобус кутиб, то у ерга етиб боргунимча кун кеч бўлиб, қоронғи тушди.

Боғнинг ичкарисида домланинг машинаси туради. «Ўзи шу ерда экан. Сумкани машинасига ташлаб қўяман. Ҳам манови дардисарни маслаҳатлашамиз», деб ўйладим. Эшикка яқинлашишим билан ичкаридан аёл кишининг ялинчоқ товуши эшитилди:

- Бўлди, домла. Бас қилинг, илтимос...
- Сиз менга ёқасиз, Саодатхон...
- Ёқмай ўлай. Ишқилиб тезроқ ёқласам бўлгани эди.
- Ёқлайсан, Саодатхон! Бурнидан суви оқиб юрган анави боладан олдин ёқлайсан.

Бу — яқинда домлага шогирдликка тушган Саодат Кўлдошева эди. Аъзойи баданимдан ўт чиқиб, қулоқларимга ишонгим келмас эди. Эшикни тепиб ичкарига киришга журъат этолмадим. Кўрққанимдан эмас, уялганимдан.

Юзимни бурдиму ҳовлидан ташқарига отилдим. Худди оёғи куйган товуқдек типирчилаб, анча жойгача чопиб кетдим. Улардан тезроқ, яиада тезроқ узоқлашгим келар эди.

Раҳбарим ҳақидаги бошқа гапларни кечатина «Ёрқин тонг» газетасида босилган фельветондан ўқиб биларсан. Ўқимаган бўлсанг, албатта топиб ўқи!

Ҳозир мактабда дарс беряпман. Энг қувончилиси шуки, суюкли муаллимим Бобоев билан бирга ишлайпман. Бор куч-ғайратимни аямасдан болаларга билим беришга сарфлаипман. Дарс ўтаётганимда менга қалалиб турган кўзлар... Бу кўзлар эгаларининг қалблари келгусида мусаффо бўлиши керак! Бу эса, кўпроқ менга боғлиқ — менинг қалбимга. Шуларни ўйласам, раҳматли бобомнинг гаплари ёдимга тушади:

- Болам, ҳаёт — катта йўл: пала-партиш қадам

ташлама! Чунки бу йўлниңг ўйдим-чуқури кўп, қоқилмагин...

Ўйдим-чуқурлардан иборат катта йўл!.. Истардим-ки, менинг ўқувчиларим ҳам келажакда ҳаёт йўлида қоқилмасинлар. Оз бўлса ҳам менинг ҳаёт йўлим уларга бир таъкириба мактаби бўлсин.

Илмий иш масаласига келсак, агар омонлик бўлса, уни албатта давом эттираман.

Дўстим, тўғриси, шу кунларда сени жуда-жуда соғинидим. Сени кўргим, тўйиб-тўйиб ҳасратлашгим, мактубларимда айттолмаган гапларимни айтгим келади.

Баъзан кечалари уйқум қочиб, қалбимнинг тубтубида ётган туйғуларим, дардларим пўртанага айланади. Тўлиб-тошиб кетаман. Шундай дақиқаларда сенинг йўқлигининг...

Саҳро сўқмоғида бодин эгиб жим,
Бир кимса кетмоқда, билмасман у ким.
Агар у сен бўлсанг қошингга борай,
Агар у мен бўлсам, тезроқ кел, дўстим.

Ҳа, туну кун хаёлларимни, қалбимни банд этиб, ҳамдамим бўлиб юрган дўсти азиз, қайдасан? Агар бор бўлсанг, мени излаб топ.

Ҳамиша эзгу умидлар билан яшагувчи дўстинг

АЛИШЕР.

МУНДАРИЖА

Юрак бўронлари. Ҳужжатли қисса	3
Ҳикоялар	
Тегирмон қарши силаги уй	90
Ҳаёт ўйини	98
Китобсевар	113
Бахт қушн	116
Ажабсанда	122
Ваъда	130
Қайтим	135
Шакарнинг мактублари	139
Қўзмунчоқ	144
Юлдузлар уйғонди	154
Чорраҳалар	164

Литературно-художественное издание

Ашурали Джурасев

БУРИ СЕРДЦА

Документальная повесть, рассказы

Художник Ю. Габзалиев

Ташкент. Издательство литературы и искусства им. Гафура Гулямова

Адабий-садний нашр

Ашурали Журасев

ЮРАК БЎРОНЛАРИ

Ҳужжатли қисса, ҳикоялар

Муҳаррир М. Аҳмедова. Расмлар муҳаррири А. Мамажонов. Техник муҳаррир Н. Сайдуалиева. Корректор С. Тоҳирова

ИБ № 4016

Босмахонага берилди 14.12.88. Босишга рухсат этилди 19.07.89. Р08872. Фотомча-ти 70x108^{1/2}мм. Босмахона қотози № 2. Адабий гварнитура. Юқори босма, Шартли бомия л. 7.7. Шартли кр. оттиск 7.87. Нашр. л. 8.15. Тиражи 50000. Заказ № 1191. Баҳси 50 т. Шартинома. № 161—88.

Гафур Русланом номидаги Адабий нашрияти, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Узбекистон ССР [Н]ешрият, полиграфия ва китоб сандоси ишлари Давлат комитети «Мағбуота полиграфия ишлаб чиқарниш Сирлашмасининг Баш корхонаси, Тошкент 700129, Навоий кўчаси, 30.